

Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Najmiddin Jiyanov
Abulqosim MAMARASULOV
Minhojiddin MIRZO
Feruza MUHAMMADJONOVA
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari:
Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Alisher NAZAR
O'rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Manzilimiz:
Toshkent. sh.
O'zbekiston shohko'chasi, 16-"a" uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/faks: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 10 (261) 2012-y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
"Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali
1982-yildan chiqa boshlagan.

MUNDARIJA

ADIB XONADONIDA

Mirpo'lat MIRZO. E'tiqod mehvari. 2

NASR

Qo'chqor NORQOBIL. Ikki hikoya. 8
Muhammad SHARIF. Xirgoyi. Hikoya. 16
To'lqin HAYIT. Oshiq. Hikoya. 24
Anvar SUYUNOV. Ikki tong orasi. Hikoya. 30
Zulfira MISBAX. So'fito'rg'ay. Hujjatli qissa. 38

NAZM

Mirpo'lat MIRZO. Shoirilar kuylaydi yurtining shonin. 5
Hayot SHODMON. Ko'nglingizda oydek to'lgim keladi. 14
Jumagul SUVONOVA. Bu yo'llar samoga tutashib ketar. 22
Dilrabo MINGBOYEVA. Borligimni bilarmikansan. 28
Ibodot RAJABOVA. Shamol bilan chopib boraman. 36

TADQIQOT

Azimidin NOSIROV. O'ziga xos talqin. 20

MUSHOHADA

Nargiza TO'XTAYEVA. Shoirona topqirlik. 26

NUQTAI NAZAR

Isomiddin PO'LATOV. Andishasizlik ayb emasmi? 34

SO'NMAS YULDUZLAR

Dildora TURDIYEVA. Iztirob ulg'aytirgan adib. 49

BIRINCHI UCHRASHUV

Hulkaroy O'RALOVA. Topishmoqlar. 27
Dilafro'z SHUHRATOVA. Ko'nglinga berdi hayot. 51
Sarvinozxon MAMATOVA. She'rlar. 55
Nilufar SURXONOVA. She'rlar. 55
Dilnoza TILLABOYEVA. Turnalar. 61
Nuriya ZIYO. Qasida. 62

MUTOLAA

Muhammad OCHIL. Bo'ri haqida ballada yoxud Loboning muhabbati. 52

JAHON HIKOYACHILIGI

Ed MAKBEYN. Nohaq ayblov. Hikoya. 56

E'TIROF

Erkin MUSURMONOV. Umr mahzani. 59

TOMOSHABOG'

G'ulom KARIMIY. Haykallar. 63

Bosishga 14. 11. 2012 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi" deb izohlanishi shart.
"O'qituvchi" NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 233-12. Adadi 2050 dona.
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi, 1-uy.



ЭЪТИҚОД МЕЊВАРИ

Эсимни танибман-ки, кўнглимда ажиб туй-ғуларнинг ширин ғалаёнини ҳис этаман. Мурғак пайтларим томда онам ёнида ўлтириб, ойга, юлдузларга термулганларим ёдимда. Ўша пайтларда қишлоғимиздаги кўпчилик оилалар ёзнинг димиққан кечаларида ўзларининг тупроқ томларига чиқиб ётишарди. Ҳовлимиз қирғоғида райҳонлар ва турфа гуллар гуркираб-яшнарди. Уларнинг гўзаллигини кўриб беҳос кўнглим қалқиб кетарди. Маҳалламиздаги аёлларнинг қудуққа сувга чиқишганида бир-бири билан гурунглашишлари ҳам эсимда. Уларнинг гапларини мен ҳали ёзилмаган асар персонажлари диалогларига менгзардим. Мен бу “персонажлар” сўзи олдига хаёлан “тире” қўяр, унинг гапи тугагач, “вергул”, “тире” қўйиб, хаёлан ўзимнинг изоҳимни қайд этардим.

Буларнинг ҳаммаси келгусида менинг адабиёт одами бўлишимнинг аломатлари эди. Лекин мен буни у пайтлар шуран англардим, холос. Айни чоғда мен ҳали бирон мисра шеърни ижод қилмаган эсам-да, юрагимда ҳар қандай шеърни уддалай оламан деган ишонч яшарди. Шеър ёзишга қўл урмаганимга сабаб, шу чоққача бирор-бир “тирик” шоирни, ҳатто ҳаваскор шоирни ҳам кўрмаган эдим. Чунки мен туғилган Жанубий Қозоғистондаги Сайрам қишлоғига Ўзбекистондан ижодкорлар камдан-кам борарди. Мен ўқиётган мактабга эса, на шоир, на ёзувчи қадам босганди. Хуллас, мени “майдонга” – шеър ёзишга даъват қиладиган, чорлайдиган ҳеч ким йўқ эди.

4- ё 5- синфда ўқирдим. Мендан икки синф юқори ўқийдиган амакимнинг ўғли Ҳавазмат акам бир пайт шеър ёза бошлади. У жуда кўп китоб ўқирди. Шундан кейин мен у билан “баҳслашиб” 5-10 та шеърни “қотириб” ташлаганман. Бу шеърлар нима ҳақда эди, мутлақо эсимда йўқ. Ҳавазмат акам ёзишдан тўхтади. Мен ҳам бошқа уринмадим. Лекин мени ўша пайтда мактабларда урф бўлган “Деворий газета”га масъул қилиб тайинлашди.

Мен ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатдим. Биз ўқишни битирган йили 11- ва 10-синфлар мактаб-

ни тамомлашди. Ўқишга кириш чоғида бир ўринга 24 тадан абитуриент тўғри келса-да, мен талаба бўлишга муваффақ бўлдим. Университетни тамомлаётган пайтимизда ҳаммамизга кириш имтихони чоғида ёзган “Иншо”мизни кўрсатишган. Мен ўшанда ёзган 5-6 ва-рағимга бирон-бир қизил сиёҳ тегмаганлигини кўриб, ҳайратланганман. Бундан ҳозир ҳам ҳайратланаман. Ушбу саъй-ҳаракатларимнинг барчаси адабиётга бўлган ҳавасим ва ихлосимдан эди, албатта.

Университетга илк қадам қўйган йилимни эсласам, бир қизиқ гап ёдимга тушади: ҳамма матбуотда эълон қилинган ижод бисотини қоғоз папкага жойлаб олганди. Ҳамкурсларимнинг бисоти анча салмоқли экан. Мен шўрликнинг эса, 2 та “тўртлигим” ва бир неча хабар йўсинидаги мақолаларим бор эди, холос. Тожикистонлик курсдош дўстим менинг ижодимни ўзиникига таққослаб, ўзиникининг салмоғини далиллаш учун: “Биласанми, мен мана шу ёзганларимга давлатнинг қанча пулини еб юборганман!”, деганди. Бу билан у туман ва вилоят газеталарида чоп этилган шеър, мақола, очеркларига кўп миқдорда олган қалам ҳақини таъкидламоқчи бўлганди. “Еб юборганман” дегани эса ўзининг оддий, жўн одам эмаслигига ишора эди. Чунки давлатнинг пулини оддий одамлар ея олмасди. Уни ўша пайтлар совхоз директорлари, туман мутасаддилари, турфа хил раҳбарлар ўмарар эди. Мен сенга ўхшаган лалайган эмасман, замоннинг олғир, абжирлариданман, демоқчи бўлганди шоир-курсдошим.

Дорилфунунда таҳсил олган йилларим тинмай ижод билан машғул бўлдим. Лекин ёзганларимни ҳеч қаерда эълон қилдирмадим. Биринчи шеърим “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”)да университетни тугаллаётган йилим босилди. Кейин “Гулистон” журналида эълон қилинди. Устоз Абдулла Орипов “Оқ йўл”и билан эълон қилинган ўша туркум шеърларим кўплар эътиборига тушди. Ўқиганлар ҳозирга қадар эслашади.

1975 йили илк тўпламим “Тонг жилваси” чиқди. Биринчи китобнинг нашидаси бўлакча эди! Китоб чоп этилгач 2-3 ой ўтиб, Қўқонга йўлим тушди. У ерда ажойиб

китоб дўкони бўларди. Шу дўконга кириб, растага териб қўйилган китобларга кўз югуртирдим. Менинг китобим кўринмади. Ҳолбуки, 10 минг нусхада чоп этилган китобчам аллақачон республиканинг жами туманларига, шаҳарларига тарқатилган эди. Сотувчига китобчамнинг номини айтиб, сўрадим. У хижолат чекиб, ўнғайсиз ҳолатда уни пештахта тагидан олиб, қўлимга тутқазди: “Кечирасиз, таниш-билишлар учун олиб қўювдик...”

Шоир учун бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ мукофот борми!..

Ижод фақат нашида, нашъу-намо эмас эканлигини кейинроқ англадим.

Турмушнинг машаққатли сўқмоқлари бошланди. Уй-жой қилишим керак эди, одамга ўхшаб яшашни хоҳлардим. Бу ташвишларни, “ола хуржун”ни шеърият бўйнига ташлаб бўлмасди. Шу боисдан, “бююртма” таржималарга кўл урдим. Ҳар куни ишдан кейин нашриётда қолиб 50 сатр, уйга бориб уйқу ҳисобидан 50 сатрдан шеър таржима қилган даврларим бўлди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам кўнглимдаги шеър сурурини, илҳом сафосини сақлаб қолишга, турли эпкинлардан эҳтиётлашга уриндим.

“Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деган сўз – чин ҳақиқат. Мен Абдулла акадан сатрлар устида, умуман шеър устида қандай ишлашни ўргандим. Унинг бу тарздаги ижод жараёнига кўп марта шохид бўлдим. Бир сафар “Яхмалак” шеърига мен “котиблик” қилиб, 15-20 марта қайта ишлаганмиз. Мен ҳолдан тояр даражага етиб, нуқта қўяйлик, шеър бундан ортиқ бўлмайди, деганман. Устоз, йўқ, мана бу мисрадаги ташбиҳни ўзгартирмасак бўлмайди, уни Ғафур Ғулом ишлатган, деб туриб олган. Ҳассос шоир Эркин Воҳидовдаги туйғу ва фикр назокатига то ҳануз маҳлиёман. Ўлжас Сулаймоновнинг ўз миллати олдидаги бурчини нақадар теран англаши мени ҳайратга солади. Евгений Евтушенкодаги умумбашарий кўламга ҳавас қиламан. Айниқса, Расул Ҳамзатовдаги шарқона тафаккурни, бетакрор самимиятни ўзимга олий ибрат деб биламан. Ва яна кўплаб устозларим борки, уларни санаб ўтиришга вақт камлик қилади. Мен улардан шеърни ҳамма нарсдан юксак қўйишни, ҳасад-хусумат деган туйғуга яқин йўламасликни, номардлик, ғирромлик, фикс-фужур кўчасидан ўтмасликни ўргандим.

Шу пайтгача нашр этилган китобларим йигирмага яқинлашди. Адади ҳақида гапиришнинг эса эндиликда қизиғи йўқ. Чунки кейинги пайтларда китобларим 300-500 ададда ҳам чоп этилди. Топган ҳомийларимнинг ҳиммати бундан ортиғини кўтармади. Китобларимнинг кўпчилигидан, балки ҳаммасидан кўнглим тўлмаган. Мен учун китобни нашрга тайёрлаш ва унинг илк нусхаларини қўлимга олишим ниҳоятда масъулиятли ва ҳаяжонли. Улар ўқувчига бориб етгач, мен учун қимматини йўқотади. Улар бамисоли ўқи отилган бўш гильзларга ўхшаб қолади.

Адабиётнинг жамиятда тутган ўрни жуда-жуда муҳимдир. У ҳар бир инсон қалбига кириб бормоғи керак. Адабиётдан йироқ одам менга бамисоли динсиз, эътиқодсиз, куфрга юз тутган одамдек туюлади. Яқинда эҳтиёж тақозоси билан бир идорага киришимга тўғри келди.

Бошлиқнинг ҳурмати ҳақи, бир салмоқли ҳажмдаги китобимни олиб, унга илтифот юзасидан дастхат ҳам ёздим. Бошлиқнинг ҳузурига кириб, ўзимни таништирдим ва унга китобимни тақдим қилдим. У гапларимни

ҳайкалга ўхшаб эшитди, бирон-бир мурти қилт этмади. У ўзининг бу ҳолатида балки менга раҳми ҳам келгандир... Сўхбат тугагач, у китобимни номига очиб кўрди-да, сўнг “ёрдамчимга ташлаб ўтарсиз”, деб уни қўлимга тутқазди. Бундай шахсдан жамиятга қандай наф тегиши мумкин? Бу тоифадаги одамлар учун пул ва бойликдан муқаддасроқ нарса бормикин?

Яқинда машинада кетаётсам, бир ДАН ходими тўхтатди. Қоидага амал қилмаганлигимни айтди. Мен эътироз қилдим. У: “Сизни амалингизни ҳам, ёзувчилигингизни ҳам эмас, сочингизнинг оқини ҳурмат қилганлигим учун қўйиб юбораман”, деди. Бу гапи билан у, жоҳил одам эмасман, тарбия кўрган инсонман, билиб қўйинг, демоқчи бўлди. Бироқ менга унинг гапи нашъа қилди. Ахир ўғрининг, каззобнинг ҳам сочи оқариши мумкин-ку!

Адабиёт одамдаги номақбул тийнатни – нокомилликни келтириб чиқарувчи “вирус”лардан ҳимоя қилади. Унинг юрагига эзгулик уруғини экади.

Адабиётимиз дунёга чиқиши учун, албатта, бағрикенг адабиёт бўлиши керак. Ҳолбуки, бугунги кунда адабиётимизда баҳслар, мунозаралар камайиб кетди. Бу ҳолат юзаки ижодни, саёз адабиётни вужудга келтиради. Бундай муҳитда талантсиз ёзилган асарлар урчигандан-урчийди. Ҳар бир даврнинг ўз пири комили – обрўли сиймоси бўлиши керак. Масалан, Абдулла Қаҳҳордек. Бундай буюк, бетакрор, кўрқмас сиймоларнинг дадил гаплари истеъдодсиз, қаллоб, фирибгар ёзувчиларнинг тиззасини қалтиратарди. Айни пайтда улар ҳаммиша умидли ёшларни паноҳига олган, ҳар хил хуружлардан ҳимоя қилган. Президентимиз, ҳукуматимиз бизга ижод учун ажойиб шароитлар яратиб берди. Лекин адабиётимизни турли хил иллатлардан, қусурлардан тозалаш амалини ўзимиз қилишимиз керак. Беғараз, холис, самимий баҳс-мунозараларни ўзимиз ташкил этишимиз лозим.

Мен адабиётимизнинг сохта овоза, сохта сиймолардан сақланишини истардим.

Адабиётимиз равнақининг энг мақбул ва синалган омили, менинча, нашр ишларини яхши йўлга қўйишдир. Содда қилиб айтадиган бўлсак, нашриётлар яхши асарнинг гадоси бўлиши керак. Лекин бугунги кунда қайси нашриёт қайси адибнинг янги ёзажак асари билан қизиқмоқда? (Олди-қочдинавис ва амримаъруфга мойил асарлар бундан истисно, албатта.) Ҳолбуки, кўпгина адиблар ёзиб қўйган асарларини нашр эттиролмай ҳалак. Чунки ҳомий топиши керак. Кейин уни сотишни зиммасига олиши керак... Баъзан қайсидир соҳада замонимиз олғирлари, товламачилари, фирибгарлари томонидан фалон миқдордаги пул ўмарилганлиги ҳақида



қулоғимизга чалинади. Шунда менинг кўнглимдан, бу маблагга қанчадан-қанча китобларни чоп этса бўларди-я, деган ўй кечади...

Бундай ҳолатлар, албатта, адабиётимиз ривожининг маълум бир жиҳатларига дахлдор. Ҳақиқатда эса бу муаммонинг қирралари турфа ва бисёр. Умуман олганда, адабий жараёнлар илмий ёндашишни, ҳар тарафлама тадқиқ этишни тақозо қилади. Масалан, дунё адабиётининг юксалиш паллаларини олиб кўрайлик: даҳолар қандай муҳитда шаклланади; жамият улар олдида қайси жиҳатдан масъул бўлмоғи керак; бундай жараёнлар ўз-ўзидан вужудга келадими ёки унга қандайдир таъсир лозимми... Бундай омилларни ўрганиш, фалсафий таҳлил қилиш, бу борадаги фикр-мулоҳазаларни адабий нашрларда мунтазам ёритиб бориш асло фойдадан ҳоли бўлмайди.

Адабиёт ривожига самарали таъсир кўрсатадиган энг муҳим омил, бу танқидчиликдир. Афсуски, бугунги кунда бу борадаги ишларимиз жуда суст. Кўпроқ сипоингарчилик – сен менга тегма, мен сенга тегмайман туйғуси ҳукмрон. Ҳолбуки, адабиёт кўпқари чопилдиган майдон янглиғ шуқу ва шижоат муҳитидир. Кўпқари чопилганда отлар туёғидан замин зириллаганидек, адабиёт майдонида ҳам тортишувлар, мунозаралар, мухлисларнинг олқиш садолари жаранг бериб туриши керак...

Ижодкор фаришта эмас, инсон, унинг оиласи ҳам бор. Мен ижодкор оиласини “фронт орти” муҳитига ўхшатаман. Бу муҳит қанчалик мустаҳкам, осойишта бўлса, “фронтдаги жанг” шунчалик муваффақиятли кечади. Мен оиламдан нолимайман. Икки ўғил, икки қизим бор. Хонадоним осойишта, тотув. Болаларим онаси куюнчак, ош-овқат, саранжом-саришталик борасида тенги йўқ, сира тинч ўтирмайди. Мен уйда ўзимни ҳеч қачон масъулиятини унутмайдиган хушёр посбон, деб ҳис қиламан. Оилам муҳитида бирор-бир ноҳўя иш содир бўлса, бунда мен аввало ўзимни айбдор санайман. Фарзандларимга, сизлар қанча ёшга кирмангиз, мен сизларни тергашдан, тарбиялашдан чарчамайман деб, писанда қилиб қўяман бот-бот. Оилада энг муҳими – туганмас меҳр ва қийин лаҳзаларда муросаи мадора. Бу ҳикматни шоир қилиб олмаган оила кўп бор қоқилади.

Фарзандларим орасида ижодга рағбат билдирганлари йўқ. Бундан афсусланмайман. Бир пайтлар Бер-



нард Шоудан телевидение мухбири: “Қизингиз ижодкор бўлишини хоҳлармидингиз?”, деб сўраганида, “Асло! Чунки мен бундай машаққатли юмушни фарзандимга раво кўрмайман. Ижод соҳасида фақат биринчи бўлишликкина кишини бахтли қилади. Акс ҳолда, у хусуматчи ёки ҳасадгўйга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боисдан мен ҳаммага, фарзандингиз агар адабиётга қизиқса, имкони борича уни бу йўлдан қайтаринг, қайтаролсангиз, у ажойиб мухлисга айланади. Агар у сизнинг барча қаршиликларингизни енгиб ўта олса, хурсанд бўлингки, ундан ҳақиқий ижодкор чиқиши мумкин”, деб жавоб берган экан.

Мен оиламда кайфиятимни ҳамиша бир маромда ушлашга уринаман, хаёл дунёимни бегард сақлаб, унга ғубор юқтирмасликка ҳаракат қиламан. Худди биллур идишни кўтариб олган одам уни хонадаги турли ашқолдашқоллардан, стол қирраларидан эҳтиётлаганидек мен ҳам туйғулар олаимини беҳос “туртки”лардан, нохушликлардан эҳтиётлайман, ихоталайман, ижод жараёнимни кўз-кўз қилишни ёқтирмайман. Мен ижодкорлигим учун оиламда ҳам, жамиятда ҳам имтиёз талаб қилмайман.

Мени шоир деб эмас, таржимон ёки ёзувчи деб атасалар, ўзимни камситилган ҳисоблайман. Лекин мен ўзимни ўзим бошқаларга “шоирман” деб таништиришга ҳеч қачон ботинмайман, гўё ўзимни “яхши одамман” деяётгандек хижолат чекаман...

ШОИР ҲАҚИДА

Мирпўлат Мирзо 1949 йили Жанубий Қозоғистондаги Сайрам қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)да таҳсил олган.

Дастлабки иш фаолиятини 1971 йилда “Ёш гвардия” нашриёти (ҳозирги “Янги аср авлоди”)да бошлаган. Ноширликнинг барча босқичларини босиб ўтиб, Бош муҳаррир ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган. 1990 йилда “Ёзувчи” нашриётига Бош муҳаррир этиб тайинланган. 1991 – 94 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Раиси ўринбосари бўлиб ишлаган.

Шоирнинг ilk китоби 1975 йили “Тонг жилваси” номи билан эълон қилинган. Кейин унинг

“Ишқ фасли, “Атиргул ва юлдузлар”, “Яхши кунлар”, “Сунбула”, “Онажон”, “Сайланма” каби қатор тўпламлари, “Сурур”, “Райҳон исми” каби публицистик китоблари чоп этилган.

Уч юзга яқин жаҳон шоирлари ижодидан намуналар таржима қилган. Улар турли нашрлар ва мажмуаларда ўқувчилар қўлига бориб етган.

М. Мирзо Россиянинг Борис Пастернак номидаги, Қозоғистоннинг “Алаш” номли халқаро мукофотлари совриндори. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони соҳиби.

Айни пайтда Мирпўлат Мирзо “Жаҳон адабиёти” журналида Бош муҳаррир ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатмоқда.



Мирнўлат МИРЗО

Шоирлар куйлайди юртининг шонин

ОЛТИН ЮРТ ҚЎШИҒИ

Эй, ҳассос мусаввир, чизиб бер менга
Олтин далаларнинг ажиб шукуҳин.
Жо этсин ўзига сен берган ранглар
Бу қадим диёрнинг безавол руҳин.

Юзи нурли деҳқон тонгга рўбарў –
Хирмонни шопириб турган онни чиз.
Бу кун рўёб эрур минг йиллик орзу,
Шу юртнинг соҳиби ҳур инсонни чиз.

Тилла ранг уфқларга бергин фусун, зеб,
Элимнинг файзига боқиб тўяйин.
Сўнг мен – Ўзбекистон суврати шу деб,
Само пештоқига осиб қўяйин.

Кексалар очгайлар дуога қўлин:
– Айирма тоабат барака-қутдан.
Эй, безовта дунё, улгу олгин сен
Чехраси нондайин иссиқ бу юртдан!

РИВОЯТ

Бу қадим замондан қолган ривоят:
Бир шоҳ тўймас экан олтинга зинҳор.
Кўзин бошқа юрт ҳам куйдириб гоят,
Уни забт этмоққа қилибди қарор.

– Қани айгоқчини чақиринг менга,
Келтирмиш қандай сир-синоат, хабар.
Урушда қўшини зўр томон енггай,
Ишонинг, биз албат қучгаймиз зафар!

Кирибди айгоқчи ҳовучлаб жонин,
Қотибди тахт сари таъзим қилганча.
Шоҳ дебди: – Аввало сўйла, арслоним,
У юрт лашкарининг саногии қанча?

– Юз минг, олампаноҳ, – сўз қотибди у,
Шоҳ қаҳ-қаҳ урибди, қилгандек мазах.
– Менинг лашкарим-чи – етти юз минг-ку!
Бошлаймиз босқинни эрта тонгданоқ!

Шоҳ тагин жосусга тикибди кўзин:
– Айтгин, дилда яна қандай гапинг бор?
– Олампаноҳ! – буни кўрдим мен ўзим –
Бу юртда шоирлар кўп экан, бисёр.

– Улар сонин айтма, салмогини айт,
Сўйла, қанчадир эл тан берган оқин!
Тилларда такрорми улар битган байт,
Чақнарми бамисли тундаги чақин?

– Шундай шоири бор еттита ўктам,
Эли суяр экан уларни беҳад.
Улар шеър айтганда дилдан кетиб гам,
Тикларкан ўзини ҳар бир эгик қад.

– Еттита дедингми? – оғир сукутга
Толибди шеркелбат тождор бир нафас.
– Мен қайтдим фикримдан, эълон қил юртга –
Амрим бекор, юриш тўхтатилгай, бас.

– Улуғ олампаноҳ, фикрингиз нечун
Ўзгарди? – Сўрабди айгоқчи шу чоғ.



– Эли суйган етти шоир мен учун,
Ахир, ошиб бўлмас етти улкан тоғ!

Мисли етти дарё айқириб оққан...
Ахир, етти шоир отларга миниб,
Наъра тортиб келса етти томондан,
Халқ жўшиб денгизга айланмайдими!

Юрт руҳи ўшанда алп тоғлар монанд
Юксалиб кетмасми ёвга ваҳм солиб!
Айтгин, қайси қўшин шунда емас панд,
Бу жангда қай лашикар бўлосин голиб?!

Менинг етти юз минг аскарим, эвоҳ,
Бу қудрат қошида бўлмас урвоқча!
О, кошикийди, – дебди маънос шаҳанишоҳ, –
Менда ҳам шоирлар қонда ўт ёқса!..

Тахтим омонатмас, қудратим тайин,
Оқин ҳам кўп – бахтдан завққа тўлгувчи.
Лекин улар ичра борми шундайи –
Қийин дамда элга суянч бўлгувчи?!

Шу армон ўзим-ла кетмай қабрга,
Шояд фалакларга етса арз-додим.
Алмаймас эдим мен шундай шоирга
Қирқта вазириму мингта аҳбобим!..

Подшо шундай дея бармогин тишлаб,
Оғир хаёлларга чўмибди гоят...
Бундан ўзга маъно ўлтирманг излаб,
Бу қадим замондан қолган ривоят.

* * *

Шоирлар куйлайди юртининг шонин,
Яшамоқ нечун – қалб тугён солмаса!
Шоирмас у – халқ-чун тикмаса жонин,
Халқми у – шоирин асрай олмаса!

ҚУШЧАЖОН

Дарчамнинг тагида найладинг,
Тонг пайти нолалар айладинг,
Бунчалар куюниб сайрадинг,
Тилингни билмайман, қушчажон!

Ситами кўндир бу дунёнинг,
Буздими бировлар ошённинг?

Нимадан зорланар, оҳ, жонинг,
Тилингни билмайман, қушчажон!

Бу очун шафқатга зор ҳали,
Толега осмонлар тор ҳали,
Дунёда разиллар бор ҳали,
Тилингни билмайман, қушчажон!

Туюб куз эпкинин япроқлар,
Солдими дилиннга титроқлар?
Бас, нечун шунча гам-фироқлар!..
Тилингни билмайман, қушчажон!

Шоирман, гуссангни илгайман,
Лекин, айт, не чора қилгайман,
Мен сенинг дардларинг тинглайман,
Мени ким тинглайди, қушчажон!

О, МЕНИНГ ШЕЪРЛАРИМ!..

О, менинг шеърларим – зўр умидларим,
Юксакларда учган сор бургутларим!
Бир пайтлар эдингиз руҳимга суянч,
Ёлғиз қолганимда – тасалли, юпанч.
Сиз билан эдим мен довюрак, ботир,
Туярдим ўзимни ҳар ишга қодир!
Юракда гурурим билмас эди чек,
Эзгулик лашикарин мард жангчисидек.
Ишонардим шунга шаксиз-шубҳасиз:
Қаршимда қабоҳат чўккай бир кун тиз!
Ўйлардим самовий ҳисларда ёниб,
Поклай олгум дея бир кун дунёни!
Дер эдим ёлгонга тик боқиб яна:
Барибир Ҳақиқат қилгай тантана!
О, менинг шеърларим – зўр умидларим,
Юксакларда учган сор бургутларим!
Бу кун юрагимда армонларим зил,
Синди туйғуларим шишадек чил-чил!
Бу кун шоҳиддирман мен шунга фақат:
Содда эмас экан асло Қабоҳат!
Разил аъмолидан сира қилмай ор,
Ўзин кўз-кўз қилар мудом у маккор!
Билмам, покламоқнинг борми имкони –
Фисқ-фужурга тўлган ушбу дунёни.
Ёлгон дасти бу кун ҳар жойга етган,
Гоҳ юксак-юксакка чирмашиб кетган!
О, менинг шеърларим – зўр умидларим,
Юксакларда учган сор бургутларим!



Теграмни гам-ҳасрат чулғаб келар боз,
Энди мен сизлардан кечадирман воз.
Мени ўзим билан қолдиринг якка,
Боринг сиз энди бир некбин юракка!..

* * *

Эркин ВОҲИДОВга

Истеъдодга асли ким эга?..
Буни ҳар ким ўзича йўйди.
Бугун ҳамма ёзар-у, нега
Эркин ака шеър ёзмай қўйди?

Шеър дегани қийиндир абад,
Етар-да – жон қийноқдан тўйган.
Ким билади, балки шу сабаб
Эркин ака шеър ёзмай қўйган.

Шеър чорлайди нуқул осмонга,
Лекин нетгунг – банди қилса ер!
Эркин ака ҳам бир инсон-да,
Балки шундан ёзмай қўйган шеър.

Шеър ҳисобин, айтинг, ким сўрар,
Қолмаса бас дилда асорат.
Лекин баъзан ёзгандан кўра,
Ёзмаслик ҳам экан жасорат!

* * *

Ҳижрон туюлар гоҳ ажиб бир тотдай,
Юрагимда менинг согинч-фироқлар...
Эшитдим, сен яшайдиган музофотда
Бевақт ўчиб турар эмиш чироқлар.

Қанийди, шу кеч мен ёнингга борсам,
Серлутф суҳбатлардан кўнгиллар толса...
Шунда дил илинжин уққандай бирдан
Хонангдаги чироқ ўчиб қолса...

ИЛТИЖО

Менга керак эмас довруг, шуҳрат-шон,
Кўзимни ўйнатар на олтин, на зар.
Менга керак эмас мартаба, унвон,
На ҳеч ким қучмаган омад ва зафар.

Асъаса, дабдаба учун чекмам гам,
Мен оддий одамман, ердаги бир кас.
Ёлғиз илтижомни қабул эт, Эгам,
Фарзандимга толе ато этсанг, бас.

ИХТИРОЧИ

Фаровонлик даври эмас ҳали деб,
Ҳар ён гард-губорга, эҳ, тўлиб кетди!
Фарғоналик Носиржон Юсуфалиев
Ажойиб ускуна ихтиро этди!

Турфа неъмат ишлар чиқиндилардан,
Ясалиши унинг содда ва ўнгай.
Бор-ку муҳандислар ўзимизда ҳам,
Токай ҳавас қиламиз японга?!

Аммо говлар қуршаб ўнгу сўлини,
Тўралар зугуми қилгандек озлик –
Фарғоналик ихтирочи йўлини
Пойтахтда тўсиб чиқди қозғозбозлик!

Бироқ у галат феъл – қадди гоз, тикка,
Юрагида кузмас, ҳаммиша баҳор!
Бир зум ҳам тушмади тушкунликка –
Қолиб йўлқирасиз, қолиб оч-наҳор.

Ватан ўзиники энди, ахир – мустақил,
Асраш керак уни хас-чўпдан кўздек...
Сенинг эртанг ўйлаб куюнар бир ақл,
Қачон қадрлайсан олимингни, ўзбек?!

Ихтирочи дўстим, зукко Носиржон,
Дунёда яхши кўп, бўлмагин сен хун.
Орзуйинг рўёбга чиққай бегумон,
Кашифётингни ҳам алқарлар бир кун.

Лекин доим шуни қиламиз орзу,
Мўъжиза шайдоси бўлгин сен ҳар дам.
Бир ихтиро яратиб бергинки, то у
Юртни тозаласин ношуд каслардан.

Қайта ишласин у турфа қаллобни,
Айланмагунича пок одамга то.
Тараққиёт бобида ўшанда, лофсиз,
Дозда қолдиргаймиз японни ҳатто!



Кўчқор **НОРҚОБИЛ**



ИККИ ҲИКОЯ

БУ ЕРЛАРДА ҲАЁТ БОШҚАЧА

Игнага ип ўтказолмай қолганига анча бўлди. Кўз курғур хиралашган. Ёш ҳам саксонга сабоқ бериб турибди. Лекин ўзи анча тетик. Овозини айтмайсиз, гулдурайди – гапни замбаракнинг ўқиға боғлаб отади, тушган жойини ўпириб кетади. Қишлоқда катта-кичик уни Гулдурак момо дейди. Ўзиям ўрганиб кетган...

“Гулдурак момо, бизникига бораркансиз, энам ўрмак тўқишга айтди...”

“Гулдурак момо, гартаккина қатиқ бериб тулинг...”

“Гулдурак момо, тухум бейинг, товугимиз куйк бўпти”.

Момо хасис эмас, ким нима сўраб келса беради, ким қаерга айтса боради, айниқса, бола-бақрани жини суюди, лекин уйдан чиқараётиб уларни ўқлаб жўнатади:

“Ма, ўлай сенга, супрақоқди-ей, ма ол, буни кисангга сол. Қурт егинг келса, келавер, бераман... Энангга бориб айт, момом келаркан, ўмганига от тепгандаям келаркан, лекин сиз ўтган ҳафта момом кигиз қилганда бормаган экансиз. Белингиз белангимиди, дейсан. Қани қайтар-чи...”

Бола қизариниб-сизариниб кампирнинг гапини қайтаради. Бир кўли чўнтақда, қуртларни ушлаб-ушлаб кўради. Бошқа бир куни: “Ке, болам. Бу йил ҳам сигиринг қисир қолди-ма? Майли, ана, сигирни уйингга олиб бориб бойлаб кўй. Отангга айт, йил ўн икки ой Йўлчининг магазинини бойланган итдай кўриб, шишага кириб ораққа чўмилмасдан бир ойгина инсофга кирса, сенларга бир соғин сигир олиб беради...”

Кампир бир корсан косадаги қатиқни мишиқининг кўлига тутди.

“Бирор нарса керак бўлса кептур”.

Кампир шугиналарнинг келиб-кетишидан хурсанд бўлади, гапирган гаплари эса шу... бир гапи-да. Гулдуракда, гулдурак. Феъли-рўй!

“Ўзиям зерикиб ўтурувдим. Киравер. Салиманинг қоратойлоғимисан... Кир. Нимага мунча тимирскиланасан?... Чиқ супага. Ма, филминди, е. Ҳозиргилар филминдини қаерданам билади... О, болам, ол!.. Яхшими-



кан? Бўйинг шадороздай бўп тебранасан-а? Биламиқ, юпқа нима, гарчиш, ширгуруч нима, тўрта, қайла, кўчаош нима – билмай ўсаётгандан сўнг шундай бўладида. Энанг тенгиларнинг ҳаммаси қилтанглайди, қирққа кириб-кирмай кўтарам бўп қолган... Икки бола туғиб-туғмай ув-увлайди, ўрни ўриб, қирни қирадиган пайти, гўр бўлама, ўзимизди эски овқатларни қилишни бўйни ёр бермайди, буларинг ор билишадими-ей, бекор гап, эринади, билгани пиёва, шулдир шўрпа... Қозонда мойни жириллатганим ҳисоб дейди...”

Бола кампирнинг сўзларини илғаб-илғамай чақа сариёғ ва сутдан тайёрланган лаззатли “перашка”ни паққос тушириверади. Уччинчисини еб тугатгач ҳансираб қолади.

“Момо, мен кетдим”.

Кампир тўнтарма катта саватни кўтариб тухум тўла елим косани болага узатади. “Ма, энангга айт, тухумни тоқ бостирсин, йўқосам, жўжа чиқмайди, энанг шуниям билмайди-ёв”.

“Тухумлар жуфт чиқса-чи, момо?”

“Биттасини отангга қовуриб берсин...” – узиб олади кампир. “Ҳа, айтмоқчи, энангга айт, товукларниям уволи бор экан, деб қўй. Ҳеч бўлмаса шу гапимни тунтир...”

* * *

Гулдурак момо супада гум-гурсдай бўлиб урчуқ йигираяпти. Ўтиришини кўринг. Урчуқ эмас чархи дунни айлантираяпти гўё. Сўл қўл ҳавода, ипни тутган, ўнг қўл билан эса ип туташган урчуқни шипиллатиб айлантириб юборадики, бу кескин ҳаракат гўё чавандознинг қилич сермашидаги оний ҳолатга ўхшаб кетади. Раҳим бово катта дарвозанинг очиқ “бола эшиги”дан кирдида, кампирга бир пас сер солиб турди. Кампир сездиди. Ишини тўхтатиб чолига илкис қаради. Чол ўзича қовоқ уйди. Шунчаки бостирма томон юрди. Ҳовлида қиладиган ишнинг тайини бўлмаса ҳам унга-бунга уринмоққа шайланди. Ишқилиб кампир эрталабки гапни кўзғамаса бўлди.

– Келдингизми? Қачон бораман деяпсиз?

Чол ортидан қамчи егандай бир чайқалиб тўхтади: “Оббо, яна бошлади!”

Кампирга ўғирилди.

– Қаерга? Нима деяпсан?

Момо энди гулдуради:

– Талмовсираб тол кесасиз-а? Шундаям ота бўладими-я? Шу болани агарам бир жойдан орттириб келган бўлсамам, шу бола чиппа-чиниминан ўгай бўлсаям, бир бориб кўрай демайсиз-а. Ё шу бола чиниминан ўгайма-а? Отаям шундай бўлама?!

– Телпонда гаплашиб турибмиз-ку.

Чол чўнтагидан уяли телефонни олиб кампирга кўрсатди, кўрсатмаса гапига ишонмайдигандай.

– Кенжангиз шу зормотоҳди қайси гўрданам обберди сизга. Телпон қулоқ бўлар, икки кўз бўлолмайди, кўнгил бўлолмайди, меҳр бўлолмайди. Одамни одамдан узоқлаштираркан...

Кампирнинг тилидаги тугун ечилди. Чол бундай пайтда унга бас келолмайди. Гумбур-гумбур гап билан уради. Эшитади энди эшитадиганини. Лекин жим турсаям бўлмайди.

– Ҳозир боғда иш қайнаган пайт. Қараб турма-

сам, бола-чақа узумни ташиб кетади. Мол-ҳолга ким қарайди?

– Баҳона қиманг. Ўртанчингиз бор! Қарайди. Хотини ҳам орбонглаб не қиларини билмай ухлагани ухлаган. Қишлоқда узум итирқини. Бола бақрага берсангизам олмайди. Ўзингизга бир гап бўган. Уй билан боғ орасида оталак-куталаксиз. Мол-ҳол, қўй-қўзига ҳам қирғин келсин... Итга тиним бор, қушга тиним бор, сизга тиним йўқ, биз ўлсак бошимизда мол-ҳолингиз, қўй-қўзингиз уввос солса не ажаб?!

Чолникиям тутати. Қўлидаги ўроқни томорқага иргитади. Лекин кампирга ҳеч нима деёлмайди. Гудранани, “Уккағор бахшининг қизи...” Даҳлизга қараб юради. Токчадаги челақдан чўмичда сув олиб ичади. Кампир юмшайди:

– Ҳой, совуқ сув ичманг, қодоғингиз тош қотади, чой ичинг, иссиқ чой бор! Тумшаймасдан келинг энди буёққа!

Биз тавба қилдик дейлик, лекин чолга тақдир чизигини кампири чизиб қўйгандай туюлаверади, ҳой тилимизнинг куфурини ел олсину, лекин айни чоғ чолнинг ўзи шундай ўйлади: “Энағарди қизи эллик йилдан ошди, йўлимни чизиб беради, чизигимдан чиқма дейди... Энди бўлди, ўзимнинг билганимни қиламан! Ўғлимникига оёғим тортмай турибди, кейин бораман. Кейин ҳам хоҳласам бораман, хоҳламасам йўқ!”

Чол қатъийлашди. Оқ аралаш ўсиқ қошини чимираиб, пешонаси тиришиб хотинига ботиқ нигоҳлари билан ёвқараш қилди, қаердан пайдо бўлди, ёноқ суякларни бўртган озгин ва кичик қулча юзида қаҳр ўти алангалади. Оқарган сийрак, эчки соқолини озгин ва чайир қўлининг титроқли бармоқлари билан силагандай бўлди. Узоқдан қараган одам чол сўл қўли билан юзига фотиҳа тортаётибдими деб ўйларди. Кампирга ҳам шундай туюлди.

– Бовоси, келинг, чой-пой ичиб олинг. Келинг. Майли, бормасангиз бормабсиз...

Кампирнинг туйқус майин тортгани чолни эсанкиратиб қўйди. Қулоқларига ишонмади. Анграйиб қараб турди, меники тоқ, сизники жуфт – сизники маъқул, деб бировга, айниқса, чолига осонликча ён босиб қўявериш кампир учун жон таслим қилиш билан барабар эди. Шундай бўлгач, чол анграймай ким анграйсин.

Чолнинг қалбида ойда-йилда бир кўзғалиб қоладиган тўполоннинг тошқини кампирнинг бир оғиз илик гапи туфайли босилди-қолди. Супага чиқиб кампирнинг ёнига келиб ўтирди. Кампир устига сочиқ ёпилган сирли идишнинг қопқоғини очиб чинни косага ширгуруч солиб узатди. Чол кампирга кўз остидан сер солди: йўқ, аврамаяпти, эллик йилдан бери билади, бунга авраб-алдаш бегона, шартта захрини сочиб, чақадикўяди.

“Уккағор бахшининг қизи-ей... Ажинаси отланиб қолса дунёни чирпирак қилади-я. Гулдурамай ўлгурнинг гаплари чин, ўзимам бола-чақамга ҳам ёпишавермайман. Шундайчакин бўлсам нима қилай? Уккағорнинг қизи сизни элга қўшаман деб бўларимча бўлдим, кесакдан ўт чиқди, тошга тил битди, сиз эсам диму дирс бўлиб ўтдингиз. Сиз билан ўтган эсизгина умрим-а, сизга одам иси ёқмайди, деб ёзғираверади. Бу гаплариям чин. Лекин одам иси ёқмаган билан сенинг исинг ёқади, Тошбуви”.

Чол ўзича илжайиб қўйди-да, бўшаган косани кампирига узатди:

– Яна ярим коса бер.

Кампирнинг чехраси ҳам гул очди:

– Зўрлик қилмасмикан, мана, чойдан ичволинг.

Чол яна илжайди:

– Беравер! Зўрлик қилса йўлини топамиз.

Чол бу косаниям кўрмагандай қилди.

Ширгуруч – сутда пишган гуручбўтқада эриган сариёғ юқи чолнинг сийрак соқолида ялтираб турарди.

– Бовоси, соқолингизни арволинг... Ҳалиям ёш болага ўхшайсиз. Ким билсин, одам кексайгач, аллахиёл бўлиб қоларкан, – кампир жуда оҳиста, овоз қўймай, майингина гапирди. Чол унинг юзига разм солди. Ёноқларида икки томчи ёш сизибди. Қаршисида Гулдуррак кампир эмас, бир бурдагина мумсик, бир муштипар турибди. Ичидан нимадир узилгандай, бошидаги сийрак соч толалари ўрнига бесаноқ игналар санчилгандай бўлди, сесканиб кетди чол:

– Ие, Тошбуви, сенга нима бўлди?

Кампир уф тортди.

– Ўзим шундай, бовоси, ўзим шундай.

Гулдураган овоз ўрнида синиқ ва ўксик ихроқ. Кенгашда хоннинг хотинидай бўп ўтирадиган кампирнинг доғули симмати-сайидан урвоқча йўқ. Чолнинг эти увишди:

– Сенга нима бўлаяпти?

– Гапимни эшитинг, бовоси. Гапимни эшитинг. Уф-уф... Бовоси, ҳеч сезяпсизми, зеҳнимча болаларимиздан узоқлашиб бораётгандаймиз.

– Ундайчакин гапни қўй, Тошбуви. – Чолнинг ҳам овози қалтираб чиқди. – Шу каттамиканикига борганимиз бўлсин, бугуноқ йўлга тушамиз.

Кампир энди ўзини тутолмади. Ҳақиллаб йиғлай бошлади. Кўз ёши ёноғини шўриш этди.

– Борасизми, бормайсизми, ўзингиз биласиз. Мен буни айтмаяпман, бовоси, болалар бизданми, биз болаларданми узилиб боряпмиз. Бир бизамас, бошқа тенгқурларимиз ҳам шундайга ўхшайди... Шундан кўрқимиз керак, бовоси, шунга йиғлашимиз керак, бовоси...

– Бу нима деганинг?

– Деганим, демаганимма? Беш болани кўкайимиз қуриб, кўк томиримиз чириб катта қилдик, қиз энди майли, бировга аталган омонат, жойини топди – кетди. Тақдиримдод – азалий одат бу. Бахтли бўлишсин. Ойда-йилда бир келади, кўриб сув ичган дарахтдай яшнаимиз. Уч ул-чи, уч ул! Уллар ҳам ҳар жойга сочилди, насибаси экан, омон-эсон юришсин! Кенжамизни кўрмайсизми, иши Шерободга овушганакан, уям келиндиям олди-кетди, нима деймиз, давлатнинг иши. Неварамди эсласам, юрагимнинг суви оқиб кетаяпти, бовоси. Бир томирим чирт узилгандай, ҳоли-мадорим қуриаяпти. Сиз эркак кишисиз, сиз буни билмайсиз, бовоси. Уч боламни тупроққа қўйганимда, уч болам ерни тўйдирганида куйиб кул бўлганман, бовоси. Ўшандаёқ томирларим чириб бўлган, бовоси. Менинг қуруқ савлатим қолган, қуруқ говорам қолган, бовоси. Гапирганимда мен гапирмайман, гулдурраган овоз отамнинг овози. Отамдан қолган бир ҳовуч нур гапиртиради, бовоси. Бахшининг қизи бўлмай мен ўлай, яхшининг қизи бўлмай мен ўлай... Увв-ей...

Кампир уввос тортиб йиғлаб юборди. Чол ўрнидан туриб эсдан оққан сиёқда супани айланиб гандирак-лаб юра бошлади.

– Қўй энди, бас қил, Тош... Ўзингди бос, Тош...

Чол ҳансираган алфозда даҳлизга кирди. Чўмичда сув опкелиб кампирнинг юзига сепди. Кампир бир тўлғаниб ҳардамхаёл қиёфада жимиб қолди. Кўзини дастурхондан узмай ихради.

– Катта улмизмнинг қишлоққа доримаганига беш йилдан ошди, – кампир ўзига-ўзи ингради. – Ҳамсоя-овул ўғлингиз катта одам, келишга вақти бўлмаса керак-да, – дейди, – лекин мени юпатиш учун айтишадди, буни биламан. Ўтирик гапирман, улим ўтган куни кеп кетди, иши кўп-да, иш кўп, ҳар икки-уч ойда кеп-кепти турибди, дейман. Сиз эсам, телпонда гаплашиб турибмиз-ку деб овунасиз. Кеча, момо, улингиз телевизорда чиқаяпти деб Сулув ҳамсояннинг қизи чопиб кириб келди. Сиз боғда эдингиз. Телевизорни қўйдим. Маъноли гапларди гапирётувди, қирилиб кетгур чироқ ҳам ўчиб қолди. Эрталабгача ухламай чиқдим. Тонг саҳарда ўртанчангиз келди. Эна, икки болангиз ҳам катта одам бўп кетган, мен ўзим рўзгоримни бир амаллаяпман, бирови ёрдам берай демайди, дейди. Бовоси, шу боғ ўлгурди ҳам, кўрадаги ҳамма қўй-қўзи-ю, оғилдаги новвосиям, сигирдиям берайлик шунга. Сизминан менга мол-ҳол, дала-боғ, дову дасканинг нима кераги бор. Қутулайик, қўяйлик. Елкамизга кўч-кўрон ортиб нимаям қиламиз?

Чол бир сапчиб тушди:

– Нима, ўртанчанг шундай дедими? Ўзи сўрадимми?

– Сўрамади. Бундай гапдиям айтмади. Лекин мен кўзидан билдим. Кўзидагини уқдим, бовоси.

Чол бош эгди. Дастурхон четини титроқ қўлларининг озгин бармоқлари билан ожизгина ушлаб титкилай бошлади. Ранг-рўйи оқариб, ҳансираётган кампирига қарши боришга юраги дов бермади.

– Майли, сен айтгандай бўлади. Ўртанчангни чақир, кечқурун келсин. Қўйга ҳам, молга ҳам, боққа ҳам эгалик қилсин. Эртага эрталаб йўлга чиқамиз. Каттангни бориб кўриб келаемиз.

Энди гапни “катта”никидан эшитинг.

Саҳармардонда Деновдан чиққан поезд Тошкент вокзалига етиб келди. Чол-кампирни тўнғич ўғилнинг шофёри қарши олди. Алламбало уловга ўтирғизди. Машина “катта”никига равона бўлди. Кампир хурсанд. Учиб кетаяпти дейсиз гўё. Чоли тушмагурнинг сир бой бермагани билан димоғи чоғ. Машинанинг юмшоқ орқа ўриндиғида ястанган икки дуоғўйнинг айни дам кўнглида соғинчми, севинчми туйғулари нечоғли кўпириб тошгани уларнинг ўзи ва биргина Яратганга аён.

Машина шаҳар четида, суви тип-тиниқ, зиллол, ҳайқириб оқаётган дарё ёнидаги яйраб-яшнаган мевали боғ адоғига етганда сўлга йўл солди. Очиқ даҳани кесиб ўтиши ҳамона чор тарафда қад ростлаган қасрмонанд кўп қаватли уйлар оралаб кетди.

“Шаҳарнинг қишлоғи шу бўлса керак” – ўйлади чол. У умрида бундай салобатли иморатларни кўрмаган эди. Ву-ий буларнинг томларини-чи, шифермас, товланади-я, товланади, яна уларни ҳар хил ранга бўя-

шибдиям. Бундайча фасон-истилда қуришгани-чи, қиррали, қиррасиз, учбурчак, тўртбурчак томлар.

Машина мовийга бўялган, тепасига қизил қалпоқ монанд устама ўрнатилган, баланд девор билан ўралган дабдабали қаср ёнида тўхтади. Машинадан тушишди. Ҳайдовчи девордан икки қулоч баланд келадиган қалин зирх, улкан кулранг дарвоза биқинидаги оқ тугмачани босди. Чол-кампири анграйиб туришибди. Яна босди. Анча вақтдан сўнг тарақ-туруқ эшитилиб, дарбозанинг кичик эшиги очилди. Кўз-қовоғи шишинқираб, оқ оралаган сочи тўзғин, майкачан, тиззаиштон кийиб олган ўғли Турдикулни кўришди. Кампир шу заҳоти ўғлига тармашиб, уни юз-кўзидан ўпа кетди, чол илжайибгина турибди.

– Вой болам-а. Турди жоним-а! Бўйингдан айланай болам. Соғ-омонмисан, тани-жонинг совма, эсон-омонгинамисан, айланайин болам...

– Яхшиман, ўзингиз яхшимисиз, келинлар. Келинг... Эй, ота, яхши келдингизми? Келинг, келинг.

Ўғил билан отаям бағирлашди. Турдикул уларни икки чети анвойи гуллар билан безанган қизғиштус керамика ётқизилган йўлак бўйлаб баланд иморат томон бошлади. Чолу кампирнинг тугун-тақасини кўтарган Ҳайдовчи уларнинг ортидан эргашди. Кампир мағрур, чол атрофга олазарак боқади. Ўзиям ҳовлимисан ҳовли экан. Кенг-мўл. Бутун ҳовли сатҳига ям-яшил чим ётқизилган. Яшил майдоннинг қоқ ўртасида шарқираб фаввора отилаяпти, теварагида турли-туман гуллар барқ урган.

Бериқроқда мрамор ҳовуз. Суви килкиллаб турибди. Унинг ёнида усти чиройли, рангли елимбўз билан ёпилган войишайвон. Оқ, кўк, қизил рангли пластмасса стол-стуллар ўрнатилган. Чимсатҳ охиридаги девор ёнида қаторасига одам бўйидан баланд қилиб ўрнатилган қалпоқчиқроқ ёриткичлар. Кечаси ёқишган шекилли, ҳали ўчиришмабди, қаторасига ёниб турибди. Йўлак четида ҳам ана шундай оққа бўялган темиртўсин ёриткичлар ёғду сочади. Баланд иморатга етмаси, сўл томонда эса ёғочдан ясалган икки қаватли нақшинкор сўри. Сўрининг ҳам томи бор. Унинг ҳам томи бўялган.

– Ҳозир... Ҳозир. Бир минут. Келинингиз ухлаётувди. Уйғонади ҳозир. Рисол! Рисолат! Меҳмон келди...

Улар қора тус ойна билан тўсилган бош-оёқ ойнаванд иморат олдидаги ҳалиги икки қаватли сўрининг биринчи қаватига чиқишди. Ўғил иморат зинасидан кўтарилиб уйга кириб кетди.

“Шаҳарда кеч уйғонишаркан”, – ўйлади ота.

“Отали олти, энали етти тўйди, булар ухлашяпти”, кўнглидан ўтказди эна.

Иморатнинг ойна эшиги очилиб келин чиқди. Садағанг кетай буям шу аҳволда – тизза иштонда. Майкаси ҳар ҳолда эриникидан бир нави. Ҳа майли, майдалашмайлик, бировнинг эғнидаги илвасин билан нима ишимиз бор. Фақат кампирнинг кўзи билан ер чизгани, чолнинг уёқ-буёққа аланглаб нигоҳ опқочганини айтиб ўтсак кифоя.

Келин ҳол-аҳвол сўрашиб дастурхон тузаш учун ичкари кириб кетди. Худо кўнглига солдимми, бу гал эғнига халат ташлаб чиқди. Бир пасда хонтахта усти нознеъматга тўлди. Келин бир лаган қовурдоқ опкелди. Дастурхон атрофида ўғил қишлоқдаги қариндош-уруғ,

хеш-ақрабони сўраб-суриштирди. Келин мулойимгина бўлиб чой узатиб, қайнона-қайнотани егуликка ундаб ўтирди.

– Болаларинг кўринмайди, болам? – Невараларининг уйдан чиқишини сабрсизлик билан ичкиб кутиб турган кампир ўғлига юзланди.

– Наргиз Германияда. Бекзод лагерга кетган. – Ўғил қуруққина жавоб қилди.

– Аттанг... – чол ихраниб қўйди.

– Кампир чолига қараб жовдиради.

– Майли, илоҳим омон бўлишсин, – деди кампир ичи зил кетиб.

– Яхши бўлди келганларингиз. Биз ҳам зерикиб ўтиргандик, – келин мулозамат қилди.

– Болалар келгач, ҳаммамиз жам бўлиб қишлоққа ўзимиз бормоқчи эдик, – ўғил гапни улаб юборди.

– Яхши, яхши, – деди чол.

– Болам, Чори бованг, Сарви холанг ҳам ўтди. Тожи тоғанг ўсал бўлиб ётибди, дарди оғир, – деди кампир, – қишлоққа бориб туришлар, болам...

– Ҳовли-жойинг кенг-кенгиш экан, буни қара-я, кинодагидай, – орага тушди чол кампирни чалғитмоқ, суҳбат ровишини бошқа ёққа бурмоқ учун.

– Ҳа энди, ота, ҳовли-да бу, ҳовли!

– Болам, Хуррам тоғаннинг ўғли шу ерда экан, баннисада дейишди, бир бориб кўриб қўйсанг яхши бўларди. Ўтган кун ўпкалагандай бўлди, жиянга тилпон қилдим, яхши гаплашмади, деди-ёв менимча...

– Иш кўп-да, ишим кўп... Майли, бораман, – ўғил ланжланди.

– Ойи, дада, овқатга қаранглар... Қани, манави салатдан олинглар, – келин ўсмоқчилади.

– Ҳовли яхшиякан, – кампирни яна бир нимани гапириб юбормаслиги учун эзмаланди чол, – анави арчаларинг яхши ўсибди, анавилар нима, оқтеракка ўхшайди?

– Булар берёза ота, берёза.

– Тузук, тузук. Олма-полма, гилос-пилос экмабсан-да, ҳа майли, ҳар жойнинг ўз русуми бор... Болам энди мен турай, таҳорат олай-да, намозимни ўқиб, ҳовлингди бир айланай.

Чол кампирнига маънили қараб, ҳар нарсага вайсайверма, дегандай қилиб ўрнидан турди. Ўғил отани ҳовли адоғидаги ҳаммомга бошлади.

– Ойи, жой қилиб берайми? Бир оз дамнингизни оласизми?

– Майли, келин, майли, шундай қилинг, болам.

Ҳувиллаган ҳовлида бир куннинг ўтишиям чўзилиб кетди. Айниқса, чол чимсатҳ охирида қатор гурқираб ўсган арчалар ортида кўринмай турган панжарали сўрада айиқданам катта, калласи кўра эшигига зўрға сиғадиган ит сақланаётганига кўзи тушиб орқаси тутди:

– Бунинг девдан тарқангани? – деди ўғлига.

– Ҳа, энди, Бекзодингиз қизиқади-да, ота!

– Шундай ажойиб кўрага тўртта кўзини ташлаб қўйсанг, ҳовлингга файз кирарди ўғлим, боланг ҳам овунарди, мол-ҳолга меҳр қўярди. Бунинг ўрнига новвос боқсанг ҳам бинойи эди... болаларинг ҳам бекор юрмайди, ит боқаяпти деган гап қайда-ю, уйда мол-ҳоли билан андармон деган гап қаёқда.

– Болам ит боқмайди, ота, – ўғил зарда қилди.



– Манави нима?.. Шунга қизиққан жони молга қизиқсин, дейман-да, – чол кўлини пахса қилиб кўрани кўрсатди.

Ит ириллади.

– Итни итбоқар боқади. Итбоқаримиз бор.

Ота ўғлига ажабсиниб қаради. Бош чайқаб қаҳрли илжайди.

– Бу сенга нима каромат кўрсатади?

– Кечаси уй-жойни кўриқлайди. Бу ер шаҳар, ота!

Чол итга ўқрайиб қаради. Ит тагин ириллади.

...Оқшом чўқди. Чолу кампир ҳалиги сўрида чой ичишяпти. Келин елимичакда ҳовлига шариллатиб сув сепаляпти. Эшик жиринглади. Рисолат кўлидагини ташлаб эшикни очди. Қотмадан келган, паст бўйли киши икки кўлида челак кўтариб девор бўйлаб итхонага қараб юрди. “Итга овқат опкелаяпти. Итбоқари шу экан”, кўнглидан ўтказди чол. Итбоқарнинг изидан эрталабки ҳайдовчи кирди. Ҳаммом томонга юриб иккита одам бўйи хода топиб чимсатҳ чеккасига қоқди. Улар орасига оқбўз тортиб, мрамар ҳовуз ҳамда чолу кампир ўтирган сўри орасини тўсди. Сўнг кўча эшик ортидаги машина ўриндиғидан иккита кути олиб келди-да, ҳовуз четидаги столга қўйди. Усти ёпиқ войиш остидаги столлар устига турли хил ичимлик, шишаларни тегиб мева-чева билан безатди. Чолу кампир ажабсиниб қараб қўйишди.

– Бугун меҳмон келадиган кун экан, ойи, дада. Яна меҳмонлар келишяпти. Машҳур актёр хотини билан келаяпти. Борамиз дейишди, йўқ деёлмадик, – келин тил учиди сипойилик қилди.

– Меҳмонга келма, деб бўларканми, меҳмон келгани яхши. Меҳмони кўп уйнинг ризқиям мўл бўлади, айланай, – кампир келинга рўйхушлик берган бўлди. Арча тагида кабоб кўра тозалаётган ўғил ота-онасига бир разм солиб қўйди. Чол яна илжайди. “Дову дастгандан ўргилай, улим...”

Чинданам телевизордан тушмайдиغان машҳур актёр хотини билан ҳовли ўртасига кириб келганда Рисолат югургилаб уларга пешвоз чиқди. Актёр Рисолат билан чўлпиллатиб ўпишиб кўришди. Хотини ҳам шундай қилди, ўғил Турдикул ҳам бундай русумни қанда қилмади, бир-бири билан юзўпишди қилишгач, ўғил меҳмонларга сўрида ўрнидан тик турган ота-она-

сини таништирган бўлди. Сўнг меҳмонларни етаклаб, бўзнинг ортига олиб ўтди. Чолу кампир ҳайрату ажабсиниш билан бир-бирига маъноли қараб чўк тушдилар. Бўз ортида гангур-гунгур, қийқириқ бошланди. Сув шалоплади. Қадаҳлар жаранги эшитилди, кулган ким, қийқирган ким...

– Бу ерларда ҳаёт бошқача экан, бовоси, – деди кампир.

– Бошқача. Ҳамма нарса бошқача, – деди чол ҳам илжайиб.

– Хўш, энди нима қиламиз, бовоси?

– Эрталаб тонгда кетамиз. Ё, қоласанми?

– Сизники маъқул. Сиз нима десангиз шу! Бу гал сизники жуфт бўлди, бовоси.

Кампир бир нуқтага кўз қадаб жимиб қолди. У қароғида айланаётган кўз ёшларини чоли кўришини истамасди. Чол юзини тесқари бурди. Кампир ени билан ёшли нигоҳини артди.

“Бўз девор” ортидаги мрамар ҳовуз суви яна шалоплади. Аёллар қийқиришди. Итбоқар калласи қозондай, қоп-қора эшақдай итни ҳарсиллатиб етаклаб чиқди, бир кўлида итнинг занжири, бир кўлида яримлаган ароқ шишаси. Ит сўрига бир қараб ириллаб қўйди-да ҳаммом томон гандираклаб бораётган итбоқарнинг ортидан лўкиллаб эргашди.

Орадан чорак соат вақт ўтар-ўтмас чол таҳорат олиш учун ҳаммом сари илдамлади. Елим офтобада сув олиб девор бўйлаб юриб арчалар ёнида чўнқайган чол орқасидан алланима гувиллаб учиб келаяптанини ҳис қилди-да, туйқус ўғирилди, ўзи томон шамол тезлигида жон-жаҳди билан отилаётган улкан итни кўрди. Миясида чақмоқ чаққандай бўлди. Баҳайбат ит унга зарбу забтда урилиб танасини тилқа-тилкалаб ташлаши оний ҳолатда шууридан кечиб оёқ-кўли увишиб бақрайиб қолди. Шу тобда... шу тобда осмон гумбурлаб, ер силкингандай бўлди – борлиқни сўрида сапчиб туриб кетган Гулдурак кампирнинг гулдураган овози тутди:

– Тўх-т-а-а-а!

Ит таққа тўхтади. Бир айланди-да, ғингиб ортига қайтди. Мрамар ҳовуз бўйидагилар тахтадай бўлиб қотиб туришарди.

Дунё беҳабар итбоқар эса мук тушган кўйи ҳаммом деворига суяниб хуррак отарди.

ЭЛАҚДА СУВ ТУРМАЙДИ

Ёмондан қоч-да қутул. Бўлмаса, ўл-да қутул! Кетай демайди. Ўтирибди. Ланжиллагани ланжиллаган.

– Оғамбойим, ке энди, шугина – булбулнинг кўз ёшидай бир имзо... Сендан нима кетди?!

Қони юзига тепиб чиқди. Нима қилсин? Бегона эмас: “Мен сени одам қилдим демасаям, Тошкентга сени мен олиб келдим...” деган иддаоси бор: Орадан йигирма йил ўтди – шу даъво-дастак Довул Давроннинг миқти гавдасига шиддат, қисик кўзларига ўтчақмоқ бахшида этади. Ҳа, Илҳомни кўрганда, юзига шундай таънагирик қалқиб чиқади.

– Кўз тегмасин, оғамбойим! Сумби-савлатинг бип-бинойи. Ҳар ҳолда тўрт-беш одам оғзинга қарайди. Гапингнинг дами тошни кесиб турибди.

Довул Даврон ўлжага шайланган мушукдай бир хурпайиб, яна писиб олди. Санъатинга қойил дейдиган одам йўқ. Феъли-рўйи сира ўзгармади. Қаримадиям.

Ҳеч кимса уни олтмишга кирган демайди. Жўрақанд қовунча келадиган майдагина бошини елкачалари ичига киритиб олган бу пак-пакана буратиносифат одамча Илҳомнинг қаршисидаги курсида муштдеккина бўлиб ўтирибди. Унинг чорпахил, чувак юзига заҳарҳанда илжайиш ёйилди. Қисик кўзлари Илҳомга тешиб юборгудай тикилди. Сукунатни ожиз бир сас бузди:

– Ўқидингми?

– Ҳимм...

– Хўш?

– Менимча, Рустам ҳам ўқиб чиқса яхши бўларди, – Илҳом ҳозирча ундан қутулишнинг йўлини изларди.

– Оғамбойим, боши қоранинг бори яхши, деб сени қора тортиб келувдим. Ҳа, энди менам уюшма аъзосиман. Тўрт-беш китоб чиқардим. Билиб турибсан, мавзу чаккимас. Аини пайти. Темирни қизигида босганимиз дурустмикин? Эпласанг элақда сув туради дейишади-ку...

– Майли, Рустам ҳам ўқиб кўрсин.

– Рустам яхши шоирдир, эҳтимол. Лекин сенинг йўригинг бошқа. Биладан, танлов ҳайъатига аъзо экансан... Раҳбар одамсан, гапинг ерда қолмайди. Бир қўллавор энди... Худойим ол қўлим деса, бизам... энди...

– Довул ака, тўғрисини айттайинми? Хом-хатала жойлари жуда кўп. Қайтадан ёзиш керак. Достоннинг юки йўқ бунда. Тагин денг, муқаддас мавзу – Ватан ҳақида ёзаяписиз...

– Хом бўлса пиширайлик. Сенга бекорга бердимми? Шундай пайтда қўллагансанг оғанилик чикора? Бир ариқдан сув ичган одамлармиз, жигар.

Довул ариқ деганида, Илҳом Ҳазарбоғ канали ёнидан ўтган “Бақирок” ариқни эслади. Болалигини хотирлади. Қисқа лаҳзаларда кўз ўнгида қишлоқ манзаралари жонланди. Довул Давроннинг Тошкентдай шаҳарда ўқишни битириб, қишлоққа доврўқ солиб шоир бўлиб борганию, бу ҳодиса қишлоқ аҳли оғзида дўмбира бўлганини ёдга олди. Сўнг Университетнинг дастлабки поғонасини тугатиб, таътил пайти туман газетасида Довул Даврон қўлида амалиёт ўтагани кўз ўнгидан ўтди. Тўғри, унга ҳавас қилган, унга эргашган кезлари ҳам бўлган. Бундан кўз юмолмайди. Ким билсин, у пайтлар ёш эдими, ҳар нечук қаричини кишининг ҳадди-хислатига қаратмас эди.

Илҳом муддао тошини ҳазилга ўраб отди:

– Хом бўлса пиширайлик дейсиз. Хамиртурушнинг ўзи йўқ бунда. Демак, тандирга ёпганингиз билан бефойда, хамир оқиб тушаверади. Пишмайди.

Довул Даврон бир қалқди. Қиёфаси тундлашди. Кичик бошчасини ирғабгина қўйди:

– Ҳимм. Оғамбойим, ўзгарибсан. Манови, курси одамни ўзгартиради. Бироқ, бу нарса, бу дов-даска умрбод берилмайди. Яхши-ёмон кунда атрофингда ўзингникилар қолади. Эски чориғимизни унутмайлик, дейман-да.

Энди бу гап ортиқча. Юзхотирлик юзга тарсаки сотиб олгани ёмон. Илҳомнинг тўрт уммон бемалол сифадиган сабр косасига Довулнинг гапи оғу бўлиб томди. Кўнгил косасини заҳар-заққум этди. Ўзини ба-зўр тутди. Дилидаги тилга кўчди:

– Мукофот беришмаса яшай олмайсизми?

Довул ўтирган жойида сапчиб тушди. Лабларини асабий тишлади.

– Йўқ, яшай олмаяпман. Ҳа, шундай! – Лаблари пирпиради. Ичидан хўрсиниқ тошди. Илҳом кўрдики, кўзида ёш ғилтиллаяпти.

Дийдиёнинг охири бундай тугашини хаёлига ҳам келтирмаган эди у. Уялиб кетди. Анчадан бери чекма-

ган эди, тортмага қўл узатиб тамаки тутатди. Довулга қарашга ботинолмади. Бир нуқтага тикилиб қолди.

– Бўпти. Тақриз ёзаман.

Илҳом қорангни кўрмайин, энди бу ердан тезроқ кета қол маъносида юзини дераза томон бурди. Рўпарадан, Довулдан сас келди:

– Раҳмат, оғамбойим, раҳмат!.. Бойнинг томчиси камбағалнинг ҳовузини тўлдиради. Яхшилигингни ўлгунимча унутмайман. – У ўрнидан дик этиб турди. Ҳануз қўлтиғида турган ялтироқ қоғозжилдни шиғиллатиб очди. Жилддан ортидан ёв қувгандай олд-ортига қарамай шоша-пиша уч дона қоғоз олиб Илҳомга узатди.

– Мана тақриз тайёр. Овора бўлма, оғамбойим. Шундай, имзо қўйсанг, бас. Эртага Сени овора қилиб нима наф кўраман... Эртага қишлоққа кетаман. Отанг – тоғамжонимга, энанг – опамжонимга саломингни етказаман. Қишлоқ сендан фахрланади, ука. Сен телевизорга чиқсанг, кўзимда ёш билан қарайман. Кўз тегмасин дейман. – Довул кўз ёшини тиёлмади. – Сен зўрсан, яғонасан, оғамбойим.

Қани энди, ер ёрилса-ю, Илҳом ерга кириб кетса. Ер қурмағур ҳам ёрила қолмади.

Оёғи тағидаги ерга сўнги русумдаги мустаҳкам қурилиш ашёси ётқизилган – қаерданам ёрилсин!

Илҳом беихтиёр қўл чўзиб қоғозларни олди. Ўқий бошлади. Юзи оқарди. Бўш қўли билан чап кўксини силади, қўйлагининг ёқа тугмаларини ечди. Мийиғида кулди. Сўнг қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Нима бу?

– Тақ... Тақриз, – Довул эсанкираб қолди.

– Адашмадингизми? – Илҳом минг бир азоб ис-канжасида алам билан қаҳ-қаҳ отарди.

Довул бир қўлтиғидаги жилдга, бир Илҳомнинг қўлидаги қоғозларга қараб ичидан чийиллаган ихроқли бир овоз келди-да, хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Илҳом стол устидаги қоғозга яна бир бор кўз югуртирди.

“*Ҳурматли _____ вич!*”

Мен умрим бино бўлиб бировнинг устидан шикоят ёзмаганман. Лекин айрим кимсаларнинг адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига тўғаноқ бўлаётганидан кўз юмолмайман. Шулардан бири бу – Илҳом Зафар. Кўп йиллардан бери каттакон ижодий идора раҳбари бўлиб ишлаётган бу жанобни ўз ўрнига нолойиқ деб биламан. Чунки у ўзидан юксак истеъдодларни кўролмайди, уларга нисбатан шахсий ғарази бор. Илҳом Зафарга ўхшаган кимсаларнинг ҳайъат аъзоси бўлиши, бундай одамнинг раҳбар бўлиб ишлаши тўғримикин? Холис текширув ўтказиб унга адолатли чора кўрилишини сўрайман...

Тахаллусимни қўймоқдаман: – Одил Ростай...”

Илҳом қоғозни тортмага солиб қўйди. Лаблари беихтиёр пичирлади. Ғудранди:

– Камбағалнинг томчиси бойнинг ҳовузини тўлғазибди... Йўқ, тескариси эди шекилли!

Яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Энди анча енгил тортди.



Ҳаёт ШОДМОН



Кўнглингизда ойдек тўлгим келади

КЕЛАДИ

Узун-узун уз келади,
Узун бўйли қиз келади.
Сирдек сулув сўймали жон,
Кулчагина юз келади.

Кашта кўйлак – жимжिमали,
Фаранги-ғижим рўмоли.
Қаранги, ҳусну жамоли
Гунчагина тус келади.

Ноз устига ноз келади,
Туш ўнгида – рост келади.
Эркалиги, шўхликлари
Бунчагина соз келади.

Ойдан ойдинлиги – чирой,
Кундан кундузлиги – чирой,
Зухро юлдузлиги – чирой,
Кўнгилга хуш, мос келади.

Кўзларига илмас санам,
Майли, парво қилмас санам.
Билмасалар, билмас санам,
Бахтига пешвоз келади.

СОҒИНГАНЛАРИМ

Ташналим қондирган булоқ,
Кўксимда ўт ёндирган фироқ,



Қанча кетган бўлсам-да йироқ,
Шунча яқин соғинганларим.

Ҳақ – отамнинг тузган тузуги,
Йўл – онамнинг тўзган урчуги.
Қўшимизнинг ҳатто пучугин,
Кўз ўнгимда соғинганларим.

Тойчоғим ҳам тулпор бўлгандир,
Қўшни қиз ҳам дилдор бўлгандир,
Уйларига совчи келгандир,
Хавотирим, соғинганларим.

Ташналим қондирган булоқ,
Кўксимда ўт ёндирган фироқ,
Қанча кетар бўлсам-да йироқ,
Шунча яқин соғинганларим.

ҚИЗ КЎНГЛИ

Биргина боқшига бера олмай дош,
Киприклари куйиб қолган бир "оҳ"ман.
Гул баргида шабнам кўзлардаги ёш,
Вужуд гулу гунча, унсиз титроқман.

Сочларимдек узун-узун хаёллар,
Орзиқиб-орзиқиб кетар ширин жон.
Ғойибона сизга мафтун хаёллар,
Ошкор эта олса эди сирин жон.

Шойи белбогингиз бўлгим келади,
Дил рози битилган каишталарида.



*Кўнглингизда ойдек тўлгим келади,
Муҳаббат боғлаган ришталарида.*

АММА

*Амма келди, амма келди,
Эшик олди тамма келди.
Амма тўйга келмагунча,
Ҳисоб эмас... ҳамма келди.*



*Қароғу кўз, қошдир амма,
Тарозига тошдир амма.
Ога-ини тўй қилганда,
Маъракага бошдир амма.*

*Боринг бордан оширади,
Йўгинг йўниб тоширади.
Оёғи тўрт, қўли саккиз,
Келинларни шоширади.*

*Элдан сира қилмайди кам,
Исроф бўлмас йиққанинг ҳам.
Амма каби жон койитмас,
Бошқа бирор туққанинг ҳам.*

*Жигар тортиб суяр амма,
Кўпроқ меҳр ияр амма,
Тўйларингдан тўбиқча деб,
Олди сарпо кияр амма.*

*Қур тўрини тоғанга бер,
Уй тўрини холангга бер,
Бешигингни тебратган-ей,
Қалб қўрини аммангга бер!*

ЭЙ, ДЎСТ...

*Келишга келдик, шукр,
Кетишни ҳам ўйла, дўст.*

*Манзилда интиқ, ҳузур
Ётишни ҳам ўйла, дўст.*

*Неки ҳаёт бор бунда,
Биргина вақт измида.
Балки шундан моҳият,
Англанади мазмунда.*

*Гарчи ихтиёр Ҳотам,
Умринг ўлчови бор.
Кўп кетиб, қолганда кам,
Узринг қичови бор!*

*Гоҳи танда жароҳат,
Гоҳида дил шикаста.
Суйганига берар дард,
Унутилар бир пасда.*

ТОНГДА

*Қулоч керди дераза яйраб,
Кўкси тўлиб тортди ҳузурин.
Жим тургандек қушлар атайлаб,
Бошладилар чуғур-чуғурин.*

*Маҳзун хаёл пардасин суриб,
Тортқилади оҳиста насим.
Димоғимга бир бўй урилиб,
Дил ийгандек бўлди ҳавасим.*

*Варақланиб кетди ўй ногоҳ,
Шамга ошно, тунга дўст дардим.
Хуш эпкинга кўнгил хайрихоҳ,
Таслим бўлиб мен ҳам жилмайдим.*

*Сатрларда сақлар эдим сир,
Завққа зорим қоришиб кетди.
Бекорлардек туюлган умр,
Яна қайта ёришиб кетди.*





Муҳаммад ШАРИФ



ХИРГОЙИ

Ҳикоя

Ўша куни шомга яқин гоҳ кучайиб, гоҳ секинлаб ёғаётган шиғалоқ қор илкис изчил маромга кириб, майин шитир-шитири ила борлиқни мунгли оҳангга тўлдирди. Чол ва кампир шом намози учун таҳорат оладиган палла эди. Бола тўсин ва синиқ шиферлари тутундан қорайган, деворлари ис босиб кетган тандир-хонадаги пастак лойўчоқда ғўзапоя ёқиб, қумғонда сув қайнатди, қайноқ сувни обдастага қуйиб совуқ сув билан човуштирди, кейин кафтига қуйиб кўрди: бобоси айтганидек, оби-тобида. Обдастани сал наридаги икки хонали уйнинг даҳлизига элтиб қўйгач, ғўзапоянинг ловуллаб-чарсиллаб турган чўғини оловкуракка солди-да, шошилинич ичкари уйга элтар экан, шиғалоқ қор зарралари чўғларга тушиб чирсиллар, олов лах-лах қизариб, қор ёнаётгандек туюларди. Осмоннинг тунд чехрасида, чор-атрофнинг оқликка жадал бурканиб боришида ҳам ҳайбатли бир маром ва тугаллик бордай эди. Бола қип-қизил чўғни сандалга солиб, устига эски кулни тортиб қўйди-да, ўзини кўрпа остига урди. Мазза! Бошқа қиладиган иши йўқ, иссиқ сандалда оловга тобланиб ётади энди.

...У одам қош қорая бошлаган маҳалда келди.

Кампир бир тутам исирикни сандал тагида лимиллаб турган чўғ устига ташлагач, қалин қора сатин камзулининг чўнтагидан жимитдек калит чиқариб, тикир-тикир урина-урина меҳробдаги жавонни очиб, лаш-лушларни титкилай бошлаган пайт эди. Эски газ-моллар, қалампирмунчоқ ва яна алланарсаларнинг заиф ислари исирикнинг ўткир ҳидига қоришиб кетганди. Чол эса жилдига оқ сурп тортилган, сарғайиб, титилиб кетган баъзи саҳифаларига қоғоздан ямоқ солинган катта бир китобни деразадан тушаётган ғира-шира ёруғликка тутиб, шомгача яна бир-икки бет ўқиб қолиш илинжида, ташқари аллақачон оқликка бурканиб улгургани учун қош қорайса-да, атроф қор ёруғи билан ёришган эди.

Ҳа, у одам ана шу паллада кириб келди. Аввал ёғоч дарвозанинг бўғиқ ғийқиллагани, кейин ғарч-ғурч қор босиб келаётган қадам товушлари эшитилди. Даҳлизнинг остонасига келганда телпагидаги қорни қоқди, қисқа-қисқа йўталиб олди. Ниҳоят, ичкари эшик очилганида пастаккина хонадаги қуюқ тутун гуп

ташқарига урилди. Исирик тутунни чиқиб кетмасин деб, келгувчи эшикни ошиғич ёпди, сўнг чол ва кампир билан қуюқ сўрашиб, сандалнинг пойгак томонига чўккалаб ўтирди, чолнинг қистовидан кейингина совқотган оёқларини сандал ичига олди. Кампир жавондан қанд-курс олиб дастурхонга қўйди, сандал устига ёпилган кўрпа тагидан қалампир гулли хитойи чойнакни олиб, чой қуйиб узатди.

Меҳмон тортина-тортина, секин ва сокин овозда келишидан мақсадини баён қилди: "Катта ота, шу десангиз, чамамда уч ойларми аввал, қайдан келди, нимадан бўлди, билмайману, аммо менга бир ёмон дард ёпишди. Шу денг, дард қурмағур кундан-кун зўрайиб борапти..."

"Оббо!" деди сандал кўрпаси остида мазза қилиб ётган болакай: яна бир касал келди. Энди бобоси узундан-узун дуо ўқиб, дам солади. Тоза зерикадиган бўлдим-да, деб меҳмондан юз ўгириб, шипга термулди. Шипдаги ёриқлар, лак сурилган фанернинг бутуқ кўзлари атрофидаги тарам-тарам ажин-чиқиқларга қараб, ўзича аллақандай шаклларни излади. Бир қарашда парвозга шай қушга, гоҳ шоҳдор соқолли эчкига, гоҳ эса қамишзор ичидан мўралаб турган қанақадир шарпага ўхшатди. Шу юмуш унинг севимли овунчоғига айланган эди. Яна янги шакллар изламоқчи бўлди, лекин учқур хаёлига тунов кунги киши келди. Сассиқ, важоҳатли бўлса ҳам ўша одам бунисидан кўра зўрроқ эди, деб ўйлади бола. Кундузлари "эшак ўлдирар" офтоб чарақлаган, кечалари қора совуқ туриб, кимсасиз кўчаларда изғирин кезаётган кунлар эди. Онаси уювлонга кечки овқатни едиргач, идиш-товоғини йиғиштириб, нариги ҳовлига чиқиб кетган, булар эса ётиш тадоригида экан, лоп этиб чироқ ёнган, ҳамма хурсанд эди. Бир оздан сўнг кўчада машинанинг оғир тўхтагани, тарақа-туруқ қилиб мотори ўчгани эшитилди, зум ўтмай, сувсар телпак кийган, почапўстини доғ-дуғ, юзи қорачадан келган бир киши кириб келди. У кириши билан хонада тери, ёғқовурдоқ, аччиқ ва ўткир тамаки ҳиди анқиди. Чол билан қўшқўллаб, кампирга елка тутиб кўришган бу киши хом ёғ суртилавериб ялтиллаб кетган этигининг қўнжидан катта дандон сопли пичоғини чиқариб, сандал устига "тўп" эткизиб ташлади:

– Катта ота, мана сиз оқсоқоллар сув етти юмаласа, пичоқ уч марта ерга суқилса ҳалол бўлади дейсизлар. Тўғрими шу гап!? – деди ҳарсиллаб. – Агар шу гап тўғри бўлса, китоб қараб, исботини топиб беринг деб келдим!

Бобоси унинг важоҳатига эътибор бермай: "Шермат болам, аввал бу шаштингдан туш, ўзингни бос, бир пиёла чой ич, кейин нима бўлганига қулоқ тутармиз", деди.

– Катта ота, мени ҳар кўрганингизда эл-улусга қўшилиб юр, одамлар билан ош-қатиқ бўл, кўни-қўшнилари иссиқ-совуғига аралаш, савоби кўп дейсиз, – деди Шермат. – Шу бугун гапингизни қулоғимга олиб, Маҳмудбойнинг сабзи қирдисига бордим. Биласиз, эрта саҳар кенжасига ош беряпти. Борсам уй тўла одам, даҳлизда ёшлар сабзи қиряпти, ичкарида катталар тўғраяпти, гангир-гунгур авжида. Эл қатори ичкарига кириб, туртиниб-суртиниб пойгакка ўтирдим, пичоғимни чиқариб битта сабзини қўлга олганимни биламан, тўрда ёнбошлаб олган Ҳақим ҳисобчи бўйнини чўзиб қолди. Нима деди, биласизми? "Ҳўй, Шермат, бу пичоғинг билан тулкининг терисини шилгани келдингми ё элга бериладиган ошга сабзи тўғраганими?" деса бўладими!? Эл-юрт, катта-кичик олдида лавлагим чиқди. Даюсни устига бостириб бориб таъзирини бермоқчи эдим, ҳарқалай ёши улуг, сиздан анча кичик бўлса ҳам оқсоқоллар даврасига кириб қолган, деб индолмадим. Шартта ўрнимдан туриб, бир улов топиб ёнингизга келиб турган жойим эди. Шу, пичоқ уч марта ерга санчилса ҳалол деган жойини топсангиз, мен билан бориб, эл олдида шу гапни китобдаги исботи билан айтсангиз, деб келдим. Кўчада машина тайёр.

Чол мийиғида кулди. Шермат бу ҳолдан баттар бетоқат бўлиб, бўзарди.

– Шермат болам, тўй-маъракада оғир-енгил, ҳазил-ҳузул гаплар бўптуради. Азалдан эл ичида юрганинда бунақа гапларга кўникардинг. Эртага халққа ош бераётган Маҳмудбойнинг лақаби нималигини биласанми ўзи? – деб, Шерматга тикилди чол. У хануз қовоғи солиқ, бош чайқади.

– Халқ Маҳмудбойнинг уруғ-аймоғига "тулки" деб лақаб қўйган. Кириб боришингдан аввал даврада бир пайров кетгандирки, Ҳақим сенинг баҳонангдан уни давом эттиргандир? Ўрнингда бошқа одам бўлганида Ҳақимга қараб "бир газанда тулкиларнинг қонини сўриб, терисини устихонига ёпиштириб қўйибди, пичоғим суягига қадалиб синди, бошқасини олиб келавердим", деган бўларди. Боиси, Ҳақим ҳисобчининг лақаби "кана". Эл олдида унинг оғзини ёпган бўлардинг, кейинги гап сен билан ўйлаб гаплашарди. Энди эса бу гапларга парво қилма, уйингга бориб, қўлингга ошпичоқ олгин-да, тўйга қайт, ҳеч нарса бўлмагандек элга араллашиб кетавер. Гапи қаттиқ ботганини сезса Ҳақим эрта-индин узрини сўраб кўяр, сўрамаса, ёнимга келганида ўзим бир нима дерман. Совуққа чиқсам оёғим оғрийдими, маъракаларга бормаи қўйганман, – деди чол, шу билан гап тамом дегандек.

Чолнинг насиҳатидан кўнгли тўлмагани юз-кўзидан сезилиб турган Шермат пичоғини этигининг кўнжига тикиб, "майли, катта ота, айтганингизни қулоғимга оламан, лекин мавриди келганда Ҳақимбойнинг ҳам таъзирини бераман", деб чиқиб кетди.

Чол неварасига эшикни очиб уйни шамоллатишни буюрди, кейин кампирига қараб, "ҳазилида ҳам, чинида ҳам Ҳақимбой ҳақ", деб қўйди.

Болакай кўзи совуқ йилтирайдиган, юзида шиддатли бир ифода қотиб қолган бу одамни илк марта яқиндан кўрганидан ҳаяжонда эди. Шермат буларнинг ҳовлисидан икки кўча нарида яшар, аллақерда қоровул бўлиб ишлашидан ташқари овчилик ҳам қиларди. Бир қараса тулки, бир қараса бедана ёки балиқ овлар эди. Овлайдиган нарса қолмаса, олақанотми, чумчуқми, ёввойи каптарми, отиб келаверарди. Уйида този, баъзан қопағон қозоқи итлар бўларди. Одамлар, айниқса болалар эшигининг тагидан юрак ютиб, оёқ учида ўтишарди. Ўзи кўчаларда кам кўринар, ҳар замон лабини бир четида аллақачон ўчиб қолган тамакисини тишлаб, елкасига қўшотарини илиб, эски "Иж" мотоциклини тариллатганча қишлоқ кўчаларида пайдо бўлиб қоларди. Камгапу бадқовоқ, кўпчиликка аралашмасди. Лекин қишлоқда камдан-кам одам кириб чиқадиган ҳовлиси, ёки ўша кўрқинчли ҳовлида унинг нималар билан машғуллиги болаларни кўрқа-писа девор оша мўралашдан тийиб туролмасди. Маҳмудбой тўй берган кунлари қишлоқда чироқ ҳам ёниб қолган, Шерматнинг сувсар телпаги, мўйнали ёқаси ёруғда ял-ял товланиб, салобатини ошириб турарди.

Бироқ, бугун келган одам кўримсиз, гаплари тушунарсиз, зерикарли эди. Токчадаги мойчиқоқдан таралётган шуъла гоҳо юзида ўйнаб, ботиқ кўзлари янада аянчли тус олар, пешонасидаги ажинлари узун-узун соя бериб қоларди. Бола шифтга қараб ётишдан зерикиб, сандалнинг нариги четида бобосига бир нималарни тўхтовсиз гапирётган бу одамга қайта разм солди.

– Нега менга келади бу дард, катта ота? Умрим бўйи қора меҳнатдан боши чиқмаган шўрпешона бўлсам?! Юмушим бошимдан ошиб ётибди, икки ўғил уйлашим, уч қиз чиқаришим керак ҳали. Сира чидаёлмай қолдим бу азобга. Келаверади, келаверади, ҳеч тўхтатолмайман қўрғурни. Авваллари ич-ичимдан сезилар-сезилмас келарди. Кейин томоғимга, ундан димоғимга кўчди, бир маромда, ўртаб-ўртаб келаверади. Оғир, жуда оғир, юрак-бағрим эзилиб кетади, икки қоп буғдойни бараварига кўтарсам ҳам бунақа эзилмайман. Кечалари ўзимнинг товушимдан ўзим уйғониб кетаман... келаверади-да, ич-ичимдан тўлиб-тошиб. Шартта туриб кетаман, оғилга бораман чироқ кўтариб, мол-қўйнинг тагини тозалаб, билчиллаган гўнгни кўмир майдасига аралаштириб, зувала қиламан, гуваладек гуваладек қилиб бостирма остига тераман. У иш тугаса, ҳовлига чиқиб эски ўрани қайта ковлайман, кўзим тушган ишга унаб кетавераман. Уйда иш қолмаса, камига қўшнилари юмушини бажараман, итдек ҳориб уйга қайтаман, энди ётаман десам, яна кела бошлайди ўша! Тонг оқарганда мол етаклаб далага отланаман, кун бўйи кетмон чопиб, қош қорайганда елкамда замбилдек бир бойлам ўт, бурним ерга теккудек бўлиб, камига бир сигир билан бузоқни етаклаб уйга қайтаман, бироқ ўша нарса димоғимдан сира кетмайди. Кечкурун хотин-бола чақа билан ўтирганимда ҳам келаверади... Ҳамма ҳайрон. Элу юртга қўшилолмай қолдим. Буларку, майли, нари борса халқ орасида жинни деган ном оларман, лекин оғриғи-чи!? Зўриқшдан қорним, ичкаларим аёздаги симёғоч симлари каби зириллаб титрайди, кўкракларим қақшаб, сиқилиб оғрийдими, томоғим шишиб кетади. Баъзан тунлари кўнглим озиб,

ўқчиб-ўқчиб қайт қилгим келади, ариқ лабига бориб роса кучанаман, ичим зардобга тўла туюлса-да, ҳеч вақо чиқмайди. Баъзан кўкрагимни пичоқ билан ёриб, шу энағар нарсани чиқариб юборгим келади, лекин қани қурбим етса. Бир куни шунақа келдики, амаллаб ташқари чиқариб юборай десам, бурун ва қулоқларимдан қон тизиллаб отилиб чиқди... – У гапириш асносида сандал қиррасига алам билан муштани тиради, мушти устига бошини қўйди.

– Ичингиздан келган нарса хиргойи экан-да, ўғлим? – Чолнинг ҳамиша ўйчан ва сокин чеҳрасидан бир хавотир қалқиб ўтгандек бўлди. – Нимани хиргойи қиласиз? Бирор Сўз борми?

– Сўз йўқ! – у бошини илкис кўтарди. – Бирорта сўзи йўқ, лекин жуда-жуда оғир бир оҳанг. Мунгли деб ҳам бўлмайди, чунки гоҳида юрагимга таскин беради, бироқ тасалли узоқ давом этмайди, аксар пайт азоблайди, дилимни тилка-пора қилади. Гоҳо қанақадир ғалати маъноларни илғагандек бўламан, лекин тушунмайман. Шу азоб-уқубат ичида ўлиб кетаманми деб қўрқаман. Билганим, мен бу юкни кўтарадиган одам эмасман, фақат меҳнатни, қора меҳнатни биламан холос... Катта ота! Мени бу азобдан қутқаринг. Дам соласизми, хатми қуръон қилиб ўқийсизми, ёрдам беринг, болаларим етим қолмасин! – унинг нам мижжалари шуълада йилт-йилт қилди.

Чол узоқ сукутда қолди. Болакай бобосини ҳали бундай ғуссага ботган ҳолда кўрмаган эди. Бобоси одатда ўйга чўмса, кўкрагига тушиб турган оппоқ соқолини тутамлаб оларди. Ҳозир эса бошини қуйи солиб жуда узоқ ўй суриб қолди.

Ташқарида ҳамон қор бўралаб ёғар, тун оппоқ, бутун борлиқни кучли бир оҳанг эгаллаб, дераза ойнасини чертиб тургандек эди. Кампир эса жонсарак, нима қиларини билмай, неварасига энгашиб, бошини силайди.

Ниҳоят, чол нигоҳини ердан олди:

– Катталардан эшитганим бор эдики, аввал ҳам одамлар шундай дардга йўлиқишган экан. Айтишларича, бу дард одамлар бошига бахт ёки аксинча, кулфат келтирармиш. Элчибек болам, айтар гапим шуки, сенга дам солиб, ёрдам беролмайман. Лекин ҳақингга ҳар куни дуо қиламан, Худодан ўзингни, болаларингни омонлигини тилайман. Жонинг омон бўлсин!

Элчибек инграб юборгандек бўлди. Кампирга жонсарак мўлтиради. Кампир чидаб туrolмади, чолига қараб: "Эми-дамини қилиб қўйсаммикин, нафи тегиб қолар?" деди жонҳалак.

– Ҳа, жон эна, эми-дамини қилинг, – Элчибек остонага эмаклаб бориб, эшикни очди, бўсағага бошини қўйиб ётиб олди. Кампир ҳадик билан чолига қаради, чол розилик ишорасида бош ирғади-ю, лекин фойдаси йўқ деган маънода терс ўғирилди. Болакай қишлоқнинг йиғлоқи гўдаклари бу остонада қандай эмланганини кўп кўрган, чинқираб йиғлаб келганлари бурнини шилқ-шилқ тортганча оналари қўлида миқ этмай кетганига гувоҳ бўлган, лекин кап-катта одамнинг эмланиши ҳақиқий томоша эди. Кампир эски амиркон ковушини учидан ушлаб, товонини уч марта ерга урди, сўнг худди шундай ҳаракат билан Элчибекнинг оғзига ҳам уч марта урди, димоғида нималарнидир пичирлаб, суф-суф, туф-туф, деб қўйди. "Томоғимга ҳам уринг, эна, томоғимга!" деб ёлворарди Элчибек.

* * *

Учовлон Элчибекни ўшанда охириги марта кўришди. Чол-кампирнинг ёнига минг бир ҳасрат билан келувчилар Элчибек ҳақида турли гап-сўзларни бетўхтов етказиб туришарди. Элчибек энди ўзини оғир меҳнат билан овутмас, атрофидаги воқеалардан, хоҳ шодиёна, хоҳ фожиа бўлсин, ажабланмас, хиргойи қилишини бир лаҳза бўлса-да қўймас экан. Кўклам келиб, кирчил қор тагида ғужанак ётган ўт-ўланлар яшилланиб бўй чиқарди. Тор ва биқик хоналар, чироксиз тунлардан безор бўлган одамлар тоза баҳор ҳавосидан кўксиларини тўлдириб нафас олдилар. Иссиқ-совуқ маъракаларда Элчибекнинг ёнида туриб қолганлар беихтиёр унга қўшилаётгани, баъзан бир уй одам елкама-елка туриб унга жўр бўлаётгани ҳақида миш-мишлар келарди.

...Бироқ уларнинг хиргойисиди сўз пайдо бўлгани ҳақида ҳали хабарлар йўқ эди.

Ёзнинг чилласига етганда қишлоқнинг анча-мунча йигитлари Элчибекнинг дардига чалингани ҳақида хавотирли гаплар тарқалди. Касаллик дарағи қишлоқдан қишлоққа кўчиб аллақачон шаҳарга ҳам етиб борганди. Бир куни қишлоқ нозири ёрдамчилари билан Элчибекни олдиларига солганча шаҳарга ҳайдаб кетгани ҳақида хабар келди. Шаҳарда уни марказдан келган олим-шифокорлар кўрар эмиш. Бироқ эртасига қишлоқда кутилмаган янгилик тарқалди: Элчибекни шифохонадан тўппа-тўғри руҳий беморлар касалхонасига олиб кетишаётганда у бир амаллаб қочиб қопти. Элчибекнинг касали хавфли ва юқумли бўлиб, эпидемияга айланиб кетиши мумкин экан. Шу сабабли ялпи қидирув эълон қилинибди. Қидирувчилар қишлоқнинг тит-питисини чиқариб ташлашди, кейин атрофдаги қирру адирлар, сой бўйидаги чакалакзорлар оралаб қидиришди. Шерматнинг куни туғди, у кўнгилли изкувар бўлиб қидирувчиларнинг олдига тушиб, елкасига қўшотарини илганча кўчаларда дадил қадам ташлаб борарди. Бироқ, Элчибекнинг ўзи тугул изиям йўқ эди.

Қидирув гоҳ сусайиб, гоҳ кучайиб давом этаётган кунларнинг бирида чол, кампир ва неvara айвонда ўтиришарди. Кампир эски пахтани миталаб ўтирар, чол пешонаси ва бўйнида маржондек тизилган тер томчиларини белбоғи билан арта-арта китоб ўқир, қарияларнинг юмушини бажаришга шай болакай эса ҳозир шатмоқ оёғига кўнган пашшаларни ҳайдаш билан овора эди. Дарвоза тарақлаб очилиб, ҳассага таянганча оҳ-воҳ қилиб Ҳакимбой кириб келди. Кела солиб ҳай-ҳай дегунча бўлмай чолга ўзини ташлаб, хўнграб йиғлаб юборди. Юзи моматалоқ бўлиб шишиб кетган эди. Чол Ҳакимбойни зўрға юпатди, кейин "Шерматнинг ишими бу?" деб сўради хўрсиниб. Ҳакимбой зўрға ўзини босиб, ҳиқиллаб сўз бошлади:

– Хону монингга ўт тушгур Шермат кеча тўрттасини эргаштириб ҳовлимга тўс-тўполон билан кириб келди, келиним, невараларим олдида уриб-тепкилади, беобрў қилиб сўқди. Элчибекни шу яширган, булар аввалдан ош-қатиқ эди деб ановиларни чиппа-чин ишонтириб юборди. Топиб бермасанг, қаердалигини айтмасанг ўғлингни қамоқда чиритаман, келининг тул ўтади, невараларинг тирик етим бўлади, деб роса кўрқитди. Ахийри боқиб қўйган ҳўкизимни бериб қутулдим, – деб йиғлар эди Ҳакимбой. Чол уни узоқ юпатди, кўпга келган дард, бу кунлар ҳам ўтиб кетади, Шермат ҳам жазосини топади, ҳаромдан келгани ҳаромга кетади, деди.



Кейин жылдига оқ сурп тортилган китобидан байтлар ўқиб, қош қорайгунча Ҳакимбойни овутиб ўтирди:

*...Ҳақни топқон туффроқ бўлиб йўлда ётар,
Туффроқ сифат олам ани босиб ўтар,
Манманликлар бошин босиб, тепиб кетар,
Бош кўтариб анга сухан қилғони йўқ.*

*Қул Хўжа Аҳмад, ҳарна бўлсанг фақир бўлғил,
Қайда борсанг, бўйнинг қисиб, ҳақир бўлғил,
Ошиқ бўлсанг, ишқ илгида асир бўлғил,
Асир бўлмай ҳеч ким мурод тобқони йўқ.*

...Шерматвой танлаб-танлаб, қарчиғайдек чангал солиб шўрини қуритган оилалар сони тобора ортиб бораверди.

* * *

Кеч куз эди. Чол ташқарига таҳорат олгани чиққанида суюқларининг зирқиллашидан ёмғир келаётганини сезди. Бир неча кун давомида кўкда булутлар йиғилиб, осмон бир хилда кулранг тус олди, шанба кунига келиб майда ва совуқ ёмғир савалаб ёға бошлади. "Жума ёғса шанба тинар, шанба ёғса қачон тинар?" дейишади одамлар бундай кезларда. Дарҳақиқат, ёмғир бир неча кунгача тинмади. Пахсаю гувала деворлар тагидан зах уриб, кўп жойларда қулади, айримлари ювилиб, ер бағирлади. Кўчалар чилп-чилп лой. Далаларда йиғиштириб улгурилмаган экинлар, дарахтлари кузги ўт-ўланлар, хазонрезги боғлар ивиб, жиққа хўл бўлди. Ёмғир эса бир текис ёғишда давом этарди. Атроф-жавониб ёғин товушларига тўлган, қушлар сайрамай қўйганига гўё кўп бўлган, одамлар эса бетоқат, қишлоқ узра ёмғир билан бирга ҳазин, мунгли куй ҳам ёғилаётгандек, ташқари чиқолмай тутоққан одамлар мана шу куйга жўр бўлишга шайдек эди.

Невараси таҳорат учун илиқ сув келтиришини кутиб айвонда ўтирган чол ёмғир томчиларининг бир маромдаги сасига қулоқ тутар экан, Элчибекнинг дардга йўлиққанига ҳам роса бир йил тўлаётганини ўйлади. Рутубатли тун кириб келаётганига қарамай ўзини енгил сезди, дилида осойишталик туйди.

Айни пайтда, икки кўча наридаги ҳовлининг энг четки хонасида лойсувоқ деворга қатор илинган тулки териларини куяга қарши дорилаётган Шермат ҳам илкис ишидан тўхтади, савқи табиий ила ниманидир сезгандек бўлди. Узоқ давом этган ёғингарчилик ва сукунатдан зах тортиб кетган сезги томирлари кўққис жонланди: шошиб ташқари чиқди, ёнига чопиб келган този итларининг хўл бошларини силаганча, намчил ҳавони сергаклик ила ҳидлади. Шалаббо теваракни кўздан кечиргач, уйига шошиб кирди, темир жавонни очиб, яккаотар милтиғини олди, куя тешган жунпўстакка ўтириб, милини ҳафсала билан тозалади, сўнг қачонлардир тўнғиз отиш учун тайёрлаб қўйган ўқини бармоқларида айлантириб ўйнаганча тун яримлашини кутди.

Ярим тунда Шермат милтиғини қора елимхалтага ўраб кўчага чиқди. Қишлоқни бир айлангач, сой йўлидаги ҳовли олдида тўхтади, пахса девор ёқалаб юриб, ҳовлининг орқа томонига айланиб ўтди. Бу ерда оғилхона бўлиб, томига ғўзапоя босилган эди. У му-

шукдек эпчиллик билан намиқиб, бир тепса қулагудек зўрға турган девор устига енгил чиқиб олди, ундан оғилхона томига аста кўтарилди. Ғўзапоя ёмғирдан ивиган, чирт этган товуш чиқармайди. Ғарамнинг ўртасига келиб ётди, худди овда тулки пойлагандек, ғўзапоя шохлари билан ўзини пана қилди. Ётган жойидан кўримсизгина пастак дарвозахона, лой кўпчиган ҳовли саҳни, айвондан ичкари кириладиган эшик кафтдагидек кўриниб турарди. Шермат шу ётганича қимир этмади, тисир-тисир ёмғир томчиларига қулоқ солиб, кутаверди. Устидаги чакмони ивиб, совуқ томчилар ичичига кириб борди, лекин ўлжасининг яқинлашганини сезган ҳассос овчидек заррача ўнғайсизлик сезмас, аксинча, қулай ва иссиқ ўринда ётгандек эди у.

Ёмғир роса авжига чиққанида, ёғоч дарвоза аввал қитирлади, сўнг нам тортган ошиқ-мошиқлари хунук ғийқиллаб очилди. Ҳовлига кимдир шарпадай кириб келди. Уйга яқинлашганида қиёфаси аниқроқ кўринди. Элчибекнинг уст-боши жиққа хўл, дир-дир титрар, ёмғир томчилари бош-кўзи аралаш оқар, баданига жиппа ёпишган хўл кийими остидан суюқлари бўртиб-бўртиб чиқиб турарди. Элчибек айвонда бироз туриб қолди. Айвоннинг бир четида лойи қуримаган картошка уйиб қўйилган, яна бир четида макка сўталари қалашиб ётарди. Ўртага бир этак беҳи ҳам тўкиб қўйилибди. Элчибек қачонлардир ўзи устунга илиб кетган, ёзи билан қуёшда куйиб, титилиб кетаёзган пахтали чопонига юзини босди, тўйиб-тўйиб ҳидлади, балки йиғлагандир ҳам, лекин, юзидаги ёмғир томчиларими ёки кўз ёшларими, билиб бўлмади. Шоша-пиша уст-бошини ечиб, қуруқ чопонга ўранди. Уйига, болалари ёнига киришдан аввал ўзини босиб олиш учунми ё тунд осмонда ниманидир кўрмоқчи бўлибми, айвон четида келди-да, хиргойисининг тўсатдан кучайиб кетганини ҳис қилди. Шу аснода ёмғир ҳам кучайди. У ҳовли ўртасигача келди, лойи кўпчиб турган ерга ўзини ташлаб, тиз чўқди: ичидан қайнаб-тошиб, шиддат билан кўтарилиб келаётган ўша дарду ҳасратни ташига чиқариш учун кўкрагини очиб ташлаб, уқка юз тутди, бетига тасир-тусур ёмғир томчилари урилаётган пайт оғзини каппа очиб, ҳайқирмоққа чоғланди... Бироқ улгурдими йўқми, ўзи ҳам, нам ҳавода яккаотар милтиғи қадимги пилта милтиқдек чўзиқ ва бўғиқ варанглаб отилган Шермат ҳам, уйкудалигиниям, бедорлигиниям билиб бўлмайдиган қишлоқ аҳли ҳам сезмади. Элчибек фақат кўкрак қафаси тарс ёрилиб кетганини ҳис қилди, холос.

* * *

Болакай ғўзапояни тутамлаб-тутамлаб, жаҳд билан тиззасига қўйиб синдирар, кейин ловуллаган оловга ташларди. Қумғондаги сув билқиллаш арафасида эди. Бироз кутиб, хавотирга тушган чол тандирхонага кирди-да, неварасининг оловга термулганча қандайдир сокин, лекин оғир бир куйни хиргойи қилаётганини кўрди. Аста келиб дағал, лекин илиқ тафтли кафти билан боланинг бошини, пешаносини силади, кафтини юзидан сирғалтириб туширди-да, бармоқларини омбурсимон қилиб, неварасининг лабларини "Жим!" дегандек қилиб қаттиқ қимтиб қўйди.



Азимидин НОСИРОВ,
СамДУ доценти

ЎЗУТ А ХОЕ МААҚУТ

XX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатимиз миқёсида муҳим эврилишларнинг юзага келиши халқ маданий-маърифий турмуш тарзини жиддий равишда ўзгартириб юборди. Миллатнинг маънавий мустақилликка эришиш жараёни иқтисодий, сиёсий ва маданий жабҳаларни тубдан ислоҳ қилишга эҳтиёж туғдирди. Жамиятнинг барча соҳаларида кузатилаётган демократик янгиланиш – миллатнинг озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги интилишлари адабиётшунослик олдига муҳим вазифаларни, муаммоларни кўндаланг қўйди. Бадиий ижоднинг муҳим ҳалқаси ҳисобланадиган поэтика илмий-амалий сарҳадларни тўғри тайин этиш, адабий-назарий таҳлилларнинг янгича услубий-жанрий такомиллини юзага чиқарди.

Айниқса, истиқлол даврига келиб жамият ҳаётида ахлоқий мезонларни янгилаш ва уни ҳаққоний баҳолаш эҳтиёжи тобора кучайиб бораётганлигини такидлаш жоиздир. Янги давр ўзбек адабиёти, хусусан, роман жанри шаклий тадрижида инсон маънавияти ҳамда маърифати яхлитлигининг доимо долзарблигини эътиборга олсак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Чунки бир томондан, бадиий тизимдаги руҳият тасвири ва ифода турфалигининг бутунлиги бадиий мушоҳада мантиқий ривожланиш қонуниятларини уйғунлаштирса, иккинчи томондан, реал борлиқдаги мавжуд ҳаёт андозалари ва унга мос равишда психологик талқин воқеликни тадқиқ этишнинг ўзгача тамойилларини юзага чиқарди. Ушбу ҳолат бадиий тизим – роман жанри қонуниятларининг ички ва ташқи йўналишларига ўз таъсирини ўтказган. Мазкур жиҳатлар сўз заргари Одил Ёқубов ижодини ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта.

Адабиётшунос У.Норматов эътироф қилганидек, “Адиб асарлари аввало ҳаётлийлиги, ҳаққонийлиги, даврнинг ўткир ижтимоий, маънавий-маърифий масалаларини дадил ўртага қўйганлиги, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатнинг янги қирраларини очишга қаратилганлиги, кескин драматизми, теран гуманизми,

инсон ҳаёти хусусидаги эҳтиросли баҳс-мунозаралари билан ажралиб туради. Ёзувчи ўзбек романи поэтикасига кўпгина янгилликлар олиб кирди, полифоник роман намуналарини яратди.” Адиб изланишларида роман сюжетининг ўзига хослиги ва теран фалсафий мантиқ узвийлиги, руҳият тасвири ва ифода мустақиллигининг узвий бирлиги етакчилик қилади. Демак, Одил Ёқубов яратган бадиият солномаларини жиддий тадқиқ қилиш кунимизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб тургани шубҳасиздир. Адиб романларида характер яратиш маҳорати ўзига хос равишда кечади. Хоҳ у замонавий мавзуда бўладими, хоҳ тарихий мавзудами, қайси муаммони тасвирлашдан қатъий назар, Одил Ёқубов зукко китобхонни инсон қалбига яқинлаштириб қўяди. Китобхон ҳам айнан ушбу жараён иштирокчисига айланади. Жонли тасвир бўёқларида қаҳрамон изтиробларини, қувончу шодликларини худди ўзиникидек қабул қилади. Бу каби хусусиятлар адиб ижодий кредосининг муҳим, ажралмас ҳалқаларини ташкил этади десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Роман жанри инсон борлиги ҳамда давр руҳиятини изчил ва теран, яхлит ва тугал ифодалаш хусусиятига эгадир. Бадиий шакл қаҳрамон руҳий дунёсини батафсил очиш баробарида воқеликка бўлган онгли-соғлом муносабатни ҳам шарҳлайди. Ташқи муҳитнинг бевосита ва билвосита инсон яшаш тарзига таъсирини ифодалаш, кўрсатиш, ўз муносабатини ҳам билдириб ўтиш жанр қонуниятлари сирасига киради. Шу маънода, роман мавжуд воқелик силсиласида янги ҳамда муҳим аҳамиятга молик фалсафий-ахлоқий муаммоларни илгари суради. Одил Ёқубовнинг “Диёнат” романи ҳам бундан мустасно эмас. Вақтида “воқеа” бўлган асарлар қаторидан жой олган ушбу роман ҳаётнинг муҳим қирраларини ўзида жамлай олганлиги билан ҳам қадрлидир. Бир қарашда роман психологик асардек туюлади. Унда турфа характерларнинг ботиний ифодаси етакчилик қилади. Романда муаллиф ижодий нияти ва тафсилотлар ранг-баранглиги қаҳрамон нутқи билан қоришиб кетади ҳамда хотира-

эсдалиқлар уйғунлашувини юзага чиқаради. Қаҳрамон ҳаёти билан давр воқелигининг ўзаро зиддияти асар фалсафасини – диёнат, ор-номус, иймон-эътиқод каби инсоний сифатларнинг моҳиятини илғаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ўзаро муросасиз жанг, шахс ўзлигини англашга даъват этади. Шунга қарамай “Диёнат” ижтимоий талқин устуворлик қилган асар ҳисобланади: “Мингбулоқдан келадиган бир ариқ сув дам офтобда кумушдай ярқираб, дам ариқ тагидаги гиёҳлар рангида ажиб товланиб, дарёдай ҳайқириб оқмоқда эди. Ҳайдар ариққа етмасданоқ кийимларини ечиб, бедазорга отиб юборди-да, хуркак отдай олдиндан дир-дир титраб, ўзини сувга отди. Муздай булоқ суви аъзойи баданидан ўт чиқариб юборибдики, у жонҳолатда сувда ўйноқлаб, ўзини у қирғоқдан-бу қирғоққа отди, лекин зум ўтмай танаси сувга ўрганиб, аллақандай тинчиб қолди. У тол шохини ушлаб, сувда чалқанча тушиб ётди-да, кўзини юмди. Назарида, гўё сув эмас, кимнингдир мулойим қўли унинг ҳорғин танасини меҳр билан силаётгандай, ҳар бир хужайра, ҳар бир асаб толасига ором бериб, севиб силаётгандай туюлди.”

Муаллиф табиат манзарасини таҳлил марказига олиб чиқади. Парчада ўзига хос мазмун касб этиб, унда қаҳрамон ички дунёси, яшаш майдони ва фалсафий дунёқараши акс эттирилади. Ҳайдар образи тадрижга назар ташласак, унинг ҳаёт йўли ўзгачалиги кўзга ташланади. Бўлажак олим тўқ оилада вояга етади. Унинг отаси Отақўзи миллионер раислардан бири. Қалби фахр ва ғурурга тўла йигитча тоғаси Нормурод Шомуродовни даставвал унча тушунмайди. Кўнглига ишқ олови тушган персонаж турмуш моҳиятига кириб борган сайин домлани англай бошлайди. Аслида қаҳрамонда юзага келган эврилиш ташқи воқеликка бўлган муносабат шаклида аниқлик касб этади. Теварак-атрофда рўй бераётган ҳодисалар уни ўйлашга, фикрлашга мажбур этади. Энди у илғари фахрланиб юрган отаси боши берк кўчага кириб қолганлигини англайди. Бироқ энди тавба ва тазарруга ўрин йўқ! Муаллиф қабарик тасвир призмасида инсон идрокини банд этган ижтимоий-руҳий муаммоларни кўндаланг кўяди. Хотиралар динамикасида қайта тикланган имконият асар лейтмотивини ташкил қилади. Адиб йўл кўйилган камчиликлар, адашишларни мантиқан аниқ тасвирлайди. Лекин баҳолашни эмас, инсон дунёқарашидаги эврилишларни кўрсатишни биринчи планга чиқаради.

Ёзувчи романларидаги умумий бир сифат шундан иборатки, у шахс психологиясининг ўраб турган муҳит характери билан муроса-мадора қилмаслигида қабариб кўринади. Унинг яратган қаҳрамонлари жамият ҳаётида, кундалик турмушида рўй бераётган ноҳақликлару адолатсизликлар, кўзбўямачилиқлару фирибгарликларга қарши муросасиз кураш олиб боради. “Диёнат” ҳам ўз даврининг маҳсули бўлибгина қолмасдан, XX аср насрининг бармоқ билан санарли асарлари сирасида туришини ҳеч ким муболағага йўймас керак. Бадиий асар шундайки, соф санъат намунаси йиллар, асрлар ўтса ҳамки эскирмайди, ҳар қандай тузум ва давр қобиғидан ёриб ўтиб, одамзод келажаги учун беминнат хизмат қилаверади. Шу маънода Одил Ёқубов оламнинг гўзаллиги, инсониятнинг шу гўзалликка муносабатини, гуманизм моҳияти ва қадр-қимматини бутун ижоди бадиий тўқималарига ёйилиб кетган миллий маънавият ифодасига сингдиради. Одамзоднинг руҳий баркамоллиги, эзгу мақсади ҳақидаги фалсафий теран тасвир йўналиши адибнинг дунёқараши ва назарий тасаввури кенглигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ижодкорнинг ҳар бир асарида, хоҳ у кичик жанр бўлсин, хоҳ у йирик ҳажмли полотно бўлсин, диёнат, оқибат ва меҳр-муҳаббат тушунчалари талқини марказий чизиқни ташкил этади. Бошқача айтганда, соғлом эътиқод тадрижи қаҳрамон характерининг узвий қисмига айланади. Тасвирдаги аниқлик эса айнан кичикдан каттага, хусусий ҳодисалардан ҳаётий умумлашмаларга бўлган интилишнинг кучлилиги билан изоҳланади. Ўз навбатида ёзувчи ғоявий муносабати халқ руҳияти, миллат истиқболини атрофлича таҳлил қилиш воситасида ойдинлашади. Бу муносабат инсоният келажагига ишонч билан қараш, уни идрок этиш ва тушуниш нуқтаи назаридан мантиқий яхлитлик касб этади. Аслида ижодий мантиқнинг асл мазмуни ҳам миллат иродаси ва мақсад-интилишларини чуқур ўзлаштиришга бориб тақалади. Чунки, мазкур тушунча, характерли белгини ахтариш ва унга урғу бериш муштараклигидан озиқланади.

Адиб романларида шахс психологиясини жамият, табиат ҳодисалари билан омукта бадиий-психологик тадқиқ этиш тамойили тадрижи кўзга ташланади. Дарҳақиқат, бадиий талқин доимий тарзда инсон дунёқарашида намоён бўлиш тарзининг синоатлари кашфиётида, кўнгили изҳори ва руҳ фалсафаси маъноларини англашда тадрижий такомиллашиб, эврилиб боради.





Жумагул СУВОНОВА

Бу йўллар самога туташиб кетар

ШОЙИ РЎМОЛ

Хорғин сочларимни тараб шамоллар,
Дунёни кўзимга меҳмон этади.
Синфдош дўстимдан совга рўмолни,
Бугун шаббодалар илиб кетади.

Ўша, кўкиш шойи рўмол ҳали ҳам,
Тушларимга кириб эргашиб юрар.
Менга билдирмайин дугоналарим,
Ҳануз у кунларни эслашиб юрар.

Ҳануз ўша мактаб, синфхоналар,
Хаёлан нигоҳин қадаб туради.
Биринчи партада, шундоқ ёнимда,
Бир йигитча менга қараб туради.

Ўша хотиралар таассуротида,
Ҳануз ўйларимни тuzатаяпман.
Ўттиз икки йилдир қўлимда рўмол,
Юрагимни тўйга қузатаяпман.

Ўйчан сочларимни силаб шамоллар,
Кўзимга дунёни меҳмон этади...

* * *

Ҳеч нима қолмади зулматдан ўзга,
Ҳаммаси шундайин бўлмаса эди.
Бўм-бўш юрак билан тўкилиб, тўлиб,
Бу аҳволда қандай яшайман энди?
Ноиложлик ичра илож қидириб,
Қайта тўлдирмоқчи бўламан дилни.



Бунинг учун аввал ювиб, тозалаб,
Офтобда қуритиш керак кўнгилни.

* * *

Келишингга жонимни тикдим,
Соқчи қўйдим тўртта томонга.
Ва термулиб туну кун кутдим,
Бир хушхабар келар деб жонга.
Яшадимми, ўлдимми билмай,
Юрагимни титавераман.
Тўрт томоним тўрттала соқчи,
Хабарини кутавераман.
Сўнг гулдирар момақалдироқ,
Тилим-тилим бўлар осмоним.
Бўлинаман мингта бўлакка,
Қай томондан келасан, жоним?!..
Чақмоқ тилган мингта бўлакка,
Аллоҳ ҳадя этар мингта кўз.
Ҳаммасидан униб чиқади,
«Келасанми?..», деган битта сўз.
Келишингга жонимни тикдим,
Келсанг, қайта бўламан бино.
Гар келмасанг, бутланоламасам,
Сени ўзи кечирсин Худо.

* * *

Узилган гул каби
Заминга тушдим,
Юракни пичоқда
Нимта-нимталаб.
Қайрилиб ортига

Боқмади ҳеч ким,
Дўстим инкор қилди
Юмуши тугаб.
Шамоллар увлади
Бошимга келиб,
Менга ёмонликнинг
Қўллари етди.
Очиқ бошим узра
Ишонган кишим,
Тепамга осмонни
Қулатиб кетди.
Узилган гул каби
Заминга тушдим...




* * *

Кўнглимни қолдиринг –
Бошқа эсламай,
Бошқа изламайин
Сизни ҳеч қачон!..
Чунки яшайман
«Тирикмикин?..», деб,
Ўлим рўпарамда
Турибди ҳайрон.
Кўнглимни ўлдиринг –
Менсиз тўкилиб,
Кетиб бораяпти
Саҳрода бир из.
Ахир қумда қолиб,
Адашган, куйган –
Кўнгилга беркиниб,
Қандай яшайсиз?!

* * *

Олиб кетаяпсиз
Боғлаб, етаклаб,
Кўнгли қўлингизга
Тушган ношодни.
Етаклаган каби
Шафқатсиз дунё,
Кўзларини боғлаб
Ҳаётни.
Эҳтиёт бўлишининг
Иложии борми?..
Ахир томчидан ҳам
Идиши тўлади.



Кўнгли зулмингиздан
Эзилиб кетса,
Мазлумнинг яшаши
Гумон бўлади.

* * *

Ям-яшил ўт бўлиб,
Сўнг яшил бутоқ –
Бир умр садоқат
Ахтараманми?
Минг марта кўксингдан
Юлиб отишиди,
Минг биринчи марта
Кўкараманми?..

* * *

Узлат, мени қандай
Қутиб оласан?!..
Зўрга тирик борсам
Номусдан, ордан.
Барча тоатларни
Бир четга суриб,
Даргоҳингга фақат,
Шеър ёзиб борсам.

* * *

Бу йўллар
Самога туташиб кетар,
Юксалса юксалар,
Ортга қайтмайди.
Минг йилдан кейин ҳам
Кимдир қидирса,
Мени топмаса ҳам
Йўқ деб айтмайди.

* * *

Мен оқлай олмайман
Ўзимни ўзим,
Гоҳо хас бўламан,
Гоҳ тоғ қояси.
Ахир қанча одам
Югуриб ўтди,
Мен бўлдим –
Юксалиши зинапояси.



Түлқин ХАЙИТ



ОШИҚ

Ҳикоя

Кўшни қишлоқдаги тўйдан қайтган Очил бобо хуфтон намозидан сўнг, бошини деворга тираганича:

– Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдум санга, – дея хиргойи қилиб қолди.

– Ҳай, чол, сизга нима бўлди? Кул-пул босиб келдингизми? Бу нима алжираш? Уялмайсизми? – деди Ҳанифа кампир қирмизи кўйлагининг ёқасини очиб, хавотир аралаш ичига туфларкан.

Очил бобо айюҳанносга гўёки эътибор бермади.

– Мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Кампир тумшайди. “Ҳай-й-й, чоли тушмагур-а, қариганда, белидан қуввати кетиб, кўз нурлари сўнганда, битта-яримтасига илашиб қолдимикин?! Тўйга деб ўшаникига борган бўлса-чи? Аттанг-а, ёлғиз юбормасам бўларкан.”

– Ҳай, чол, кўзингизни очинг, бу нима қилиқ?!

Очил бобо кўзини очмади. Кампирнинг бир дардига ўн ташвиш қўшилди. Омонатини топшириб қолса, балого қоламан, деган уйда чолнинг девор-дармиён укаси Холмуродни чақирди. Холмуроднинг хотини гап искаб, эри ортидан келди. Кампир унга қовоғини уйиб қаради.

Холмурод бу кеча акасининг ёнида қолди.

Кампирнинг хавотири бежиз эмасди. Эрталабга етмай, чолнинг хиргойигўй бўлиб қолгани бутун маҳаллага дoston бўлганини эшитиб, бурнига ачқимтир хид урилгандек, фақат юзи эмас, бутун бадани ачишди. Нима эмиш: кеча тўйдан қайтаётган Очил бобо гўристон ёнидаги Култөпадан ўтаётиб, ажинага йўлиққанмиш. Энди уйда ҳаммани кўрқитиб, алжираб ётган эмиш.

Қишлоқда бировни оғир ётибди, деб эшитган борки, бир хабар олиб ўтади. Очил бобони кўргани маҳалла раиси Анвар Толиповдан тортиб, хизматкор Дархон чаққонгача – ҳамма келди. Эшиқдан биров бош суқса, кет деб бўладими? Буниси майлику-я, шўрлик Ҳанифа кампирнинг қон босими ошиб, бошига оғриқ тургани ортиқча даҳмазага айланди. Саксонга кирган чол ажинага ошиқ бўлиб қолибди, дея кулсалар, қайси бир кампир чидайди?

– Очилбой шу ёшга кириб, бола кўрмади, балки қариганда, бирортасига дилини ёргандир. Бурунги замонларда етмишвойлар, тўқсонвойлар бўларди. Бу кишим саксонвойнинг дарагини эшитиб, эс-хушларидан айрилган бўлсалар керак, – деган гап чиқарибди Содик шўро.

Кампир уф тортди, оҳ тортди, лекин нима қилсинки, ўзининг дардига малҳам тополмади.

Маҳалла раиси Анвар Толипов анча сергак тортди.

– Ҳанифа ая, бирортасидан гумонингиз борми?

– Худо сақласин!

Содик шўро хўмрайди:

– Раис, кампирни тинч қўйинг! Маҳалла посбонини чақиринг, бу жиддий масала! Ҳали кетини кўрасиз, бош оғриғи бўлмаса, отимни бошқа қўяман!

– Ваҳима отидан тушинг, шўро, – дея уни силтаб ташлади раис, – Очил бобо сиз айтгандай, бошини шамолга олдирган қария эмас! Алжираган бўлса бордир!

Терлаб-пишиб кириб келган маҳалла дўхтири – Бектош Тўраев чолни яхшилаб текширди, лекин бирор касаллик тополмади: чолнинг юраги бир маромда урар, қон босими ҳам жойида эди. Шундай бўлса-да, бир-икки дори ёзиб берди-да, “туман шифохонасидан, албатта, дўхтир чақириб, кўрсатиш керак!” дея ўрнидан турди.

Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади деганларидай, хўппа семиз маҳалла посбони – Тоживой ҳам пишил-лаб кириб келди:

– Нима бўлди Очил бобога?! Ажина чалганмишми?

Содик шўро унга дакки берди:

– Қанақа посбонсан ўзи? Ажинага бало борми? Сен ҳаётга реал қарашинг керак, укам! Маҳалла посбонига ярашадиган иш қил-да, одамни уялтирмай!

Тоживойнинг аччиғи қирра бурнининг устига соя ташлади:

– Сиз, шўро, зўрсиз-у, биз ношуд бўлдикми?!

Анвар Толипов қовоғини уйган эди, Тоживой юзини четга бурди. Отдан тушса ҳам эгардан тушмаган Содик шўро шубҳасини яна орага солди.



– Муаммо ана шундай, жиддий! – деди кўрсатгич бармоғини ўқталиб.

Тоживой ҳомуза тортди ва:

– Бу ишни, албатта, текшириб кўраимиз! – деди бўйнини ғоз чўзиб.

Тушда Очил бобо кўзини очди. Дарҳол Тоживойни чақириб келдилар. У чолнинг ўнг томонига ёнбошлаб:

– Ота, ошиқлигингиз ростми? – деб сўради.

Кампирнинг буришган юзи қорайди. “Э йўқ, бе йўқ, дарҳол шунақа деб сўраш керакми?! Фаҳминга доғи!”

Очил бобо “ҳа” дегандек бошини қимирлатди.

Урди худо! Холмурод пишган помидордек ҳил-ҳил қизарди, хотини лабини тишлади, кампир жойига беҳол чўкди. Тоживой “аҳ-ҳа” деганча бошини қашиди. Ана, сизга замонавий хангома!

Холмурод бошини чангаллади:

– Қўлим калталиқ қилмаганда, бобойни катта дўхтирларга кўрсатган бўлардим. Булар қўл учида кўрди акамни! Ҳай, буларга ишинг тушмасин!

Маҳалла раиси уни қаттиқ жеркиди:

– Ношукурлик қилманг, Холмуродвой! Иккита катта врач кўрди, камми? Сизнинг қўлингиз калта бўлса, давлатники узун. Керак бўлса, тепадан зўр врачларни чақирамиз! Сиз аввал чолнинг гапини олинг! Бир дарди борки, зору мубтало бўлдим, деб ётибдилар.

– Сиз нимага шаъма қиялпсиз, раис?! Очил бобо қариганда бебошлиқ қип қўйганмикин, демоқчимисиз?!

Тоживой ўртага тушди:

– Жимлик сақлансин. Бу иш бизга тааллуқли: керак бўлса, текшираимиз, ўрганаимиз, гумондор бўлса, албатта, топамиз!

Ярим соатдан сўнг Очил бобо кўзини очди.

– Мен қачон дедим вафо қилгил манга, зулм айладинг! – дея яна пичирлади.

Холмурод яна бошини чангаллади, уялди қариб қуйилмаган аканинг бу ишидан. Хотини холдор лабларини қирмизи рўмоли билан яширди. Ҳанифа кампир эса кўз ёши қилди:

– Ҳай, туғилмай ман ўлай! Битта тирноқ берса, садағаси кетармиди?! Ўз фарзанди бўлганда, отасини одамларга майна қилиб қўймас эди?! Ҳай, шўр пешонам курсин, қариганда нима гап бу, а?!

Тоживой қўлини бигиз қилди:

– Юракни қийнаманг, момо! Биз айбдорни топамиз. Раз зорланаётган экансиз, Саксонвой, албатта, бўлади! Ана, исботи: Очил бобо ўша чув туширган хонимга, вафо қилгил, деб ялинганлар, у эса, кармонинг-

да бир мири йўқ сен чолни бошимга урамани, деган кўринади. Демак...демак, боласини ҳам қизганган, кўрсатмаган. Во!.. Ана шундан сўнг чолнинг боши айланиб қолган! Ничего, бугун бўлмаса, эртага ўзларига келиб қоладилар, ана ўшанда биз ўша хонимнинг кимлигини билиб оламиз ва уни, албатта, жазолаймиз!

Очил бобо бу сафар ётган жойларида ғазални баралла ўқидилар.

Деразадан оқ копток келиб тушди. Холмурод кўчага қараб мушт ўқталди, хотини пиқ-пиқ кулди. Бироздан сўнг саккизинчи синф ўқувчиси, юқори гузарлик Ҳалим шоир ичкари кирди. Очил бобо ҳамон ғазал ўқимокда эди:

– Жами Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом, Соқиё, то тарки жоҳ айлаб, гадо бўлдум санга.

Холмуроднинг хотини тиззалаб, бўй чўзди:

– Ана, момо, кундошингизнинг исмини ҳам билиб олдик! Насиба экан исми. Насиба!

Тоживой бошини қашиди:

– Так, так, бу қайси Насиба бўлиши мумкин?! Паст гузардаги Насиба бошқа эрга тегиб кетди. Култепа гузарида Насиба дегани...эҳ-ҳа, Калтақишлоқда бир жувон бор, кўзи ўйноқи, шумикин?!

Уй ичи ола-говурга тўлди:

– Ўша бўлиши керак!

– Унинг кўлидан ҳар бало келади. Жуда жодугар аёл!

– Чолнинг пенсиясини еб юрган бўлмасин тағин!

Очил бобо ғазални яна қайта пичирлаб ўқидилар. Шовқин-сурон авжига чиқди.

Ҳалим шоирнинг кўзлари пирпиради, лаблари қимтинди. Бироздан сўнг кулиб юборди.

– Нима деп ғавғо қиялпсизлар?! Бобо...бобо Навоийдек ўз эгаларига ошиқ эканлар! Қанақа Насиба, қанақа жодугар?! Мангулик суви насибам, деяптиларку ахир!

Ҳанифа кампирнинг кўзлари мошдай очилди, Холмуроднинг қулоқлари чўяндай оловланди, хотини рўмоли билан юзини яширди. Тоживой бурнини тортди, раис кулиб юборди, Содик шўро эса ўрнидан туриб, ташқари отилди.

Ҳалим шоир коптокни олиб кўчага югурди.

Очил бобо акса уриб, кўзини очди.

– Кампир, лабларим қуруқшаб қолди, бир пиёла сув бер! – дея илтижоли боқди.

Сувни ичгач:

– Яратганга шукр! – дея соқолини силади.





Наргиза ТЎХТАЕВА,
 Низомий номидаги ТДПУ
 ўқитувчиси

ШОИРОНА ТПОТҚУРЛИК

Истиқлол даври ўзбек болалар адабиётининг ўзига хослиги анъанавий мавзуларда ёзилган асарларнинг ҳам поэтик мазмунига, ҳам бадиий ифода-сига кўра янгиланганлигида кўзга ташланади. Бундан ташқари, бу давр адабиётда, айниқса, шеърятда шўро даврига хос бўлмаган топқирлик – манзара шеърлар, расмли шеърлар, саволли шеърлар, рақамли шеърлар каби бир қатор ижодий изланишлар, адабий экспериментлар амалга оширилдики, бу ҳол болалар шоирларининг поэтик нигоҳи ғоят ўткирлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан, айниқса, Дилшод Ражаб, Абдурахмон Акбар, Рустам Назар, Зафар Исомиддинов, У.Шукуров каби шоирларнинг ижоди характерлидир.

Д.Ражабнинг манзара шеърларида фавқулодда топқирлик яққол кўзга ташланади. У қаламга олинаётган мавзунинг энг характерли жиҳатларини бадиий образ даражасигача кўтариб, юмор билан катта эстетик мазмунни енгил ва таъсирчан тарзда ёш китобхон қалбига етказа олади. Унинг шеърларини ўқиган ёш китобхон ўзи кунда кўриб-билиб юрган, лекин деярли эътибор бермаган нарсаларнинг фавқулодда нафис ва топқирлик билан чизилган манзараларидан ҳайратга тушади. Муҳими шундаки, бу манзаралар шунчаки чизилмайди, балки уларга салмоқли ижтимоий-эстетик вазифа сингдирилган бўлади. Шу тариқа, болаларга аталган, сиртдан қараганда «қувноқина» шеър ўзига хос тарзда фалсафий мазмун билан бойитилганлигини кузатамиз. Шу жиҳатдан шоирнинг «Отамнинг боғи» (1996), «Дарё кўнгил» (1997) каби шеърини тўпламларига киритилган бир туркум шеърлари характерлидир.

«Отамнинг боғи» тўпламидаги «Куз», «Чаноқ», «Хирмон», «Кимга иш, кимга олқиш», «Ўқ ҳақида», «Оху», «Кун ботгач» каби шеърлар, шунингдек, «Учкунбекнинг саволлари», «Фикратжоннинг фикрича», «Шикоят дафтари» туркумларидаги шеърлари ҳам айна шу хусусиятлари билан эътиборни тортади.

Шоир «Куз» шеърда куз фаслига хос бўлган табиат ўзгаришларини болалар кундалик ҳаётида тез-тез учраб турадиган «уруш-уруш» ўйинига уйғунлаштириб тасвирлайди: куз бостириб киргач, дарахлар алвон барглари – «байроқларини» ерга ташлаб

«асир» бўлишади. «Узум дорга осилади», олма, анор, ноклар барчаси яшикка терилади. Кўпгина сабзавот маҳсулотлари ўраларга «авахта» қилинади.

Шеърда куз фаслига хос йиғим-терим ишлари жанг манзарасига монанд тасвирланади. Бироқ шеърнинг якуни қутилмаган, яъни болалик оламига хос бўлган қувноқ манзара билан хотималанади:

Бу ғалаба

Кузники,

Энди мазза бизники! («Отамнинг боғи», 10-бет)

Шоирнинг «Чаноқ» шеърда ҳам ушбу хусусиятни кўришимиз мумкин. Шеър тўрт қатордан иборат бўлгани учун уни тўлиқ келтирамиз:

Сулув теримчи қизлар

Ўтар доғда қолдириб –

Анграйиб қараб қолар,

Оғзидагин олдириб. (ўша асар, 10-бет)

Аввало шуни таъкидлаш керакки, пахта ва унинг чаноғи билан боғлиқ шеърлар шўро даври болалар адабиётда кўплаб яратилган эди. Уларда, асосан, меҳнатсеварлик мотивлари илгари сурилар, болаларнинг пахта билан фахрланишлари, меҳнат қилиб чарчамасликлари, кичкинтойларнинг чаноқда қолиб кетган ёки йўл четига тўкилган пахталарни териб хирмонга топширишлари, шу тариқа пахта планининг тўлишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганликлари ибрат сифатида тарғиб этиларди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Ҳ. Имонбердиев «Чаноқ» шеърда пахта териби олинган чаноқни беш баҳога қиёслаб, бу туркумга оид шеърларнинг поэтик мазмунини маълум даражада янгилашга уринган эди. Лекин бу каби шеърларда ҳам ўша даврга хос маърифий мазмун («беш» баҳо) етакчилик қилгани кузатилади.

Д. Ражаб эса, улардан тамоман фарқли тарзда чаноқнинг ўзига хос поэтик образини яратади: шеърда сулув теримчи қизларнинг чаққон ҳаракатларига, меҳнатига лол қолиб, оғзидагини олдирган чаноқларнинг «анграйиб қолган» ўзига хос сурати чизилади. Бу манзара кичик китобхонда фавқулодда завқ - шавқ уйғотади. Аслида шоирнинг поэтик топқирлиги ҳам шундадир.

«Хирмон» шеърида ҳам деҳқончиликда ишлатиладиган иш буюмлари – кетмон, ўроқ, хаскаш, паншаларнинг ўзига хос юмористик образлари чизилади ва уларнинг ҳаракатлари орқали буғдойнинг экилишидан тортиб, хирмон бўлиб совурилишигача бўлган жараён ихчам сатрларда поэтиклаштирилади. Бунда шоир қувноқ юмор орқали ўроқ, хаскаш, паншахани ўзига хос меҳнаткашлик тимсоллари тарзида гавдалантиради. Кетмон буғдойни экади, у пишиб етилгач, ўроқ уни ўриб беради, хаскаш эса уйиб хирмон қилади. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ паншаха эса ғойибдан пайдо бўлиб:

Шунча хирмонни келиб

Зумда елга совурди. (ўша асар, 10-бет)

Кўриниб турибдики, шоир «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» мақолини шеърнинг мазмунига усталик билан сингдириб юборган ва, муҳими, уни меҳнат жараёнининг поэтиклашган манзарасига мувофиқ тарзда ифодалаган. Шеър айна шу жиҳатлари билан китобхонда қувноқ туйғулар ҳосил қилади, уни ғайрат кўрсатишга ундайди. Қолаверса,

бугунги кун болажонлари очиқ панд-насиҳат билан эмас, образли ибратомуз асарлардан баҳра олиб ўсса, баркамоллик сари дастлабки қадамларни қўйган бўлади.

Умуман, Д.Ражабнинг туркум савол-шеърларида топқирлиги яққол сезилиб туради. Унинг лирик қаҳрамони одамлар ҳақида эмас, ҳайвонлар, жонзотлар ва уларнинг феъл-атворлари ҳақида ўйлайди. Бу қаҳрамонни ёғаётган ёмғирнинг шовуллаб эмас, ғалвирда ёки элақда элангандек ёғиши ҳам, балиқларнинг сув ичиши-ичмаслиги ҳам, курканинг доим жаҳли чиққандек ҳурпайиб юриши-ю, тошбақа тошини ташласа бақага айланиб қолиши каби саволлар бирдек қизиқтиради.

Бундай саволлар соддалиги, қувноқлиги, юморга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис, савол-шеърлар ёзилиш услубига кўра содда, самимий, ихчам сатрлардан таркиб топган.

Хуллас, истиқлол даври болалар шеърлятидаги услубий изланишлардан бири савол шаклида ёзилган туркум шеърлар орқали намоён бўлмоқда.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Ҳулкарой ЎРАЛОВА,

Термиз шаҳридаги 1-Академик лицей ўқувчиси

Топшимоқлар

*Дум-думалоқ қорнида,
Минглаб дурни яширган.
Улар қизил мундирли,
Аскарларга ҳам ўхшар.
Бу нима? Топ-чи, Асрор!
– Ака, билдим: бу – АНОР!*

*Гулдан гулга қўнар у,
Тинмай асал йиғар у.
Ғунчаларга нектарчи,
Топшимоқни сен топ-чи!
– У ҳашоратлардан бири,
Номи ҳам аниқ – АРИ!*



*Сиёҳнинг дугонаси,
Қаламнинг дўсти.
Ўқувчига хўп даркор,
Қара, папкангда ҳам бор.
Номи нима, Муаттар?
– Бунинг жавоби осон,
Номи-чи, унинг – ДАФТАР!*

*Меваси йўқ кузу ёз,
Лек қишда ҳам у кўркам.
Бу не дарахт, Хадича?
– Буми, бу дарахт-чи, АРЧА!*





Дилрабо МИНГБОЕВА

Борлигимни Билармикинсан

* * *

Куз – эртак.
Олтинларин
Аямай сочар терак.
Шамол – шўх болакай
Тиллоларни ўйнар отиб.
Кўёш ўғирланар –
Кетмоқда ботиб...
Мен – шахризод –
Сеҳрли қилич-ла
Зулматни енгган ва
Учар гиламда ҳам
Сенга етмаган юрак.

Сўнги барг – сўнги сўз.
Тугайди эртак.
Қаҳр қилар қиш –
Олам юзига тортилар кафан-оқ.
Тугамас фироқ.
Тугамас...

* * *

Эй шоҳ ўғли,
қалбига қул чўпон йигит,
Юрагимни най этиб чал.
Осмонга ошиқ бўлиб
термулиб ётган дала,
боласига ошиққан шамол
эшитарми менинг
ноламни?!



Эй саҳройи,
кўнгли гул ёлғиз йигит,
мени ташла, севгимни ол.
Сени жуда яхши кўради
кўкдан қараётган қўёш-аёл...
Шамол, шошгин, шамол,
қанча чақирдим сени,
танидингми мени –
болангни!?

КУТИШ

Қадам товушларинигина эшитиб
яшаи мумкин бўлган манзилда
сўзлашни унутдим.
Қушлар овозида сени чорлаб,
япроқлар қарсағи,
сувлар созида куйлаётган – мен!

Ёмғирларда эгиб қаддини
сарик сочларини ёйганча
сени кутаётган дарахт мен!
Борлигимни билармикинсан,
Юрагингга етасан қачон?!
Сен босиб ўтаётган тупроқ – мен!




ҚУШ ОДАМЛАР

Унутгансан балки парвозни
Ёки йўқотдикми ватан – осмонни?!

Орзу қилмай қўйиб
бўлдик бахтиёр.
Барча неъматини-ла
сийлади ҳаёт,
ҳатто согинишига
қолмади журъат...

* * *

Жуда интиқ қутилган
меҳмондек келди-ю шамол
деразадан ўгринча кириб
«Кутаётир» деб қилди хаёл.



Ғуссалари каби қоп-қора
сочларини йиғиб олди-ю
Тўшагига бепарво кириб
ҳатто қараб қўймади аёл.

Бошин олиб кетди шамол.
Сезмай ўтди буни аёл.

Умр бўйи кутди аёл.
Сезмай ўтди буни шамол.

* * *

Ўғлим Шоҳидбекка

Нафаслари – шеърим,
Ҳуш келдинг,
Томиримда оққан куй бўлиб.
Беҳад тавба қилиб
Ёлвориб тилаганим –
Ўлим ёқасидан териб келганим –
Ҳаёт гулим – ўғлим,
Ҳуш келдинг.

Қулсанг, ёришади
Юзларинг тонгдек
Киприкларинг титрайди
Майин

Хуркак қушлар қанотидек
Қошларинг
Ғурурим – барно ўғлим,
Ҳуш келдинг.

Тунлар термуламан...
Уйқу элитса мени
Хаёлимда гўё учиб кетасан.
Хавотирим кўп, ўғлим,
Жуда латифсан!
Оҳ, шу қадар нафислик билан
Бу дагал дунёда
Қандай яшайсан?!

Умринг узун бўлсин,
Уни мардлик билан яшаб ўт!
Узоқ кутдим.
Келдинг
Томиримда оққан нур бўлиб,
Умидларим кўп, ўғлим,
Биз дунёнинг камини
Тўлдирамиз шеър бўлиб!

* * *

«Мени шамолларга айлантириб қўй»
А.Назар

Жим севдим.
Тақик мевасидек қаради менга
У – жаннат одами.
Қум каби қуйилиб юракка
Паймонани тўлдирди азоб.
Ҳисларим ўзини осдимми?
Мезонлар дор бўлиб титради.
Тераклар чайқади бошларин.

Сезмасин –
Ёнида бир лаҳза бўлайин.
Кетайин оламни тўзгитиб
Мени шамолларга айлантириб қўй.





Анвар СҮҮНОВ



ИККИ ТОНГ ОРАСИ

Ҳикоя

1

Ғира-шира тонг қоронғуси.

Осмонга отилган тошни пайқаш қийин.

Кимсасиз адирлар қўйини тилиб ўтган кўчада онда-сонда лоп-лоп этиб ўтиб қоладиган машина чироқлари йўл гирди билан кетаётган аравали байтал ва икки кишининг кўзини қамаштиради. Ўткинчи шуълада кунботардаги беткайликда ўн чоғли қўйнинг ҳайиғиб кетаётгани ва илгарироқда мол етаклаган учтўрт одам шарпаси ҳаракатланади. Яна қаерлардандир тунги сукунатни бузиб кимнингдир қисқа-қисқа хуштак чалгани-ю, “Чаҳ-чаҳ, торт, эчки торт!” – деган хитоби эшитилади.

Улар беихтиёр бир-бирларини қора олиб кетиб бордилар.

Бия сернур чироқларга бепарво, бир текис йўртади. Арава сандиғидан базўр бош чиқариб кетаётган қўйларнинг кўзлари аҳён-аҳёндаги кучли ёғдудан яшил тусда товланади. Эгар устидаги миқти болакай от биқинига нуқиб кўяди. Арава тезлашиб, чамаси беш-ўн қадамлар лўккиллаб кетади.

– Кўп тез ҳайдайверма, – дейди арава гирдига илиниб олган эллик ёшлардаги киши – Ичимни эзиб юбординг.

– Эртaroқ боришимиз керак-да, азонда бозор яхши бўлади, дада!

Олис-олисларгача уларнинг гангир-гунгири эшитилиб туради.

2

– Ҳей, бу қўйлар кимдан? – Шоп мўйлов, қориндор киши бозор дарвозасига яқинлашган бия устидаги болакайга юзланади – Ё, сен билан савдо қиламизми?

– Дадам ҳозир келади.

Шоп мўйлов қўйларнинг биқинига қўл ботириб, қовурғасини ушлаб кўрди. Бирма-бир қўлтиғига олиб силкиди. Новчабичим ҳамроҳига лаб учида пичирлади.

Бу орада бозор томонга жандага ўранган сотармонлар туя, от, хўкиз, сигир... етаклаб ўта бошлади. Ҳар сонияда уларнинг сафи қалинлашиб, мол бозори гавжумлашди.



– Сен олдинга ўтиб торт, мен ҳайдайман, – деди ҳозиргина пайдо бўлган отаси, қўйларга сиртмоқ сола олмай каловланиб юрган болага.

– Бой бова, бу қўйларга пул санаймизми? – Қориндор даллол қўй эгаси эгнига қўл ташлади.

– Билмасам, бозорни кўрайлик-чи...

– Келиштирсангиз шу ер ҳам бозор-да!

– Оғзим тўла пул-да, биродар...

Даллол сотармоннинг эгнидан қўлини олди. Илгарироққа ўтиб ҳамроҳи билан алланималарни шивирлашди. Новчароғи келиб:

– Қани, қўлни беринг, – деб илик узатди. – Еттовини кўтарасига бичайми ёки...

– Фарқи йўқ, пулнинг чиқиши ҳисоб, – деди қўй эгаси.

– Унда, бундай: еттови бир жойда беш юз минг, – Даллол сотармоннинг қўлини силтай бошлади. – Кўнглингизга оғир ботмасин, деб мўлжалингизга яқин олдим.

Қўй эгаси чурқ этмади.

– Нега индамайсиз, ё паст сўрадимми?

– Молни пачакиламанг!

– Унда, йигирма беш ўтаман.

– Бўлмайди.

– Беш юз элликка бердингизми?

– Йўқ.

– Беш юз олтмишга-чи?

– Сиз қўйларни кўрдингизми, ўзи?

– Кўрди-кўрмади, бори еттов чортуёқда, ака!

– Унда яхшилаб кўриб, кейин барака сўранг!

– Ҳе-ей, аччиқланманг, ака, бозор-да – бу! Ичиди ширриқ-мирриги чиқса, мен куяман.

– Булар даштнинг моли, суяги бутун. Зарурликка сотаяпман.

– Бирон улов олмоқчимисиз?..

– Қиз чиқараяпман.

– Э-э, тўйнинг харажати денг, – новча даллол юзига табассум суриб қўл силташда давом этди: – Савоб ишнинг харжи экан, боя айтганимга ўн қўшдим.

Сотармон йўқ маъносида бош чайқади.

– Ҳо-ов ака, сиздан садо чиқадими?

– Сўрайверинг...

Новча даллол сотувчининг қўлини бўшатиб, қўйларни айлана бошлади. Четдаги ўртабўй қўчқорни кўтариб кўрди. Чўнтагидан қўлчиноқ олиб қўзили совлиқнинг тишини санади. Бошқаларининг елкасини ғижимлаб чиқди.

– Буларнинг эти яхшимас-ку?! – даллол яна сотармонга юзланди. – Боя айтганимга ўттиз қўшдим, топ-тоза олти юз бўлди. Қани бир гулдиранг-чи?

– Бўлмайди.

– Қўшадиган ҳеч нарсаси қолмади. Тезагигача пулламоқчимисиз?

– ...

– Энди-и, менга қаранг, ака! Жамига саксони кам етти юз атадим. Сизга ён босдим, ана!

– Тўғри келмайди.

– Олти юз элликка барака борми?

– ...

– Чорак кам етти юз. Энди барака денг!.

– Келиштинг.

– Келишадиган жойи қолмади. Ҳай, сизнинг ҳам айтганингиз эмас, меники ҳам; тоза етти юз – чек пули, даллолга ширинкома бермайсиз.

Қўй эгаси ўйланиб қолди...

Секин-секин осмон тозариб, юлдузларнинг туси ўча бошлади. Милтироқ тонг юлдузи ва хира тортиб бораётган ой ўроғини айтмаса, фалак бўм-бўш ҳисоби. Шарқий кенгликларда уфқ қизариб, қуёшнинг қонталаш қиёфаси кўринади. Этни жимирлатар ёз тонготарида кўчма емакхоналардан дастлабки тутун таралади. Қўрадаги кабобининг иштаҳа очар “жиз-жиз” ҳиди болакайнинг димоғини қитиқлаб ўтади. Бора-бора теварак гавжумлаша бошлади. Узоқ-яқиндан келган уловлар тирбандлашиб боради. Отлиғу пиёда, олармону сотармон, кимки бўлса, ҳайқириғу бақириқлар билан ғўнғиллаб ётган бозорга уради ўзини:

– Ҳей, айтганингдан озроқ туш!

– Тилинг танглайингга ёпишиб қолганми, гулдиранг-чи!?

– Ўни кам тўқсонга барака де!

Бу ерда серзарда даллолларнинг нарх талашувлари, боқувдан чиққан олақўз буқаларнинг ўқириклари, ер депсиниб турган бедовларнинг баланд ва давомли кишнашлари ёки баджаҳл чекчиларнинг бақириқлари қайнаб ётади.

– Арзонроқ бердик шекилли, дада, – деди болакай қўй чилвирларини йиғиштираётди. – Сал оёқ тираганингизда яна қўшарди...

– Майли, Худонинг буюргани-да, болам.

Ота-бола мол бозоридан чиқиб, кийим-кечак рас-таларини оралаб кетди.

3

Бир ой бурун Қоракул комбайнчининг ёлғиз қизига совчи келди-ю, ташвиши шундан бошланди: бир оёғи уйда бўлса, бир оёғи бозорда. “Ўғиллиникида – бир кун тўй, қизлиникида – ўн кун тўй”, деганларидек ҳовлисидан оғайни-қариндошларининг қадами узилмайди. Аёллар кун ора йиғилишиб сарпо-суруқнинг муҳокамасини қилади. Баъзан ўзаро шивирлашиб, қуда томонга “элчи” ҳам жўнатишади. Вакил сарпо баҳонасида турли-туман маълумотлар олиб келади. Бундай хабарлар орасида қуданинг феъл-атвори-ю, қудайининг матопарастилиги тўғрисидаги янгиликлар ҳам қулоққа чалинади. Қоракул комбайнчининг эса оғили бўшаб, қўтониди туёқ сони сийракланган. У ёлғиз қизини эл қатори – бировдан кам қилмай узатмоқчи. Шу боис, хотинларнинг ҳам айрим маслаҳатларини тўғри деб ўйлади:

– Ҳозир қиз томон мебель ҳам қилаяпти, – деди хотини.

– Ойчечакдан ташқари қуёвга ҳам қишлоқ-ёзлик кийим қилишингиз керак, – қўшилди қўшни аёл.

– “Қизлар базми” билан “Қуёв қақирди”ни бир кунда ўтказганларингиз маъқул, – фикр билдирди яна бири.

Қоракул комбайнчи бозорма-бозор юравериш шу нарсани англадики, у улғайган замонлар ўтиб, тақдирнинг чархпалаги бошқа бир даврнинг шамоли билан айланиб ётарди. Масалан, у “Қиз сепи”га чинни идиш олишда роса овора бўлди. Аввалига, у олиб келган идишларни хотин-халажлар кўримсиз экан, замонавийроғи керак, деб қайтариб юборишди. Комбайнчи устига бир-икки сўм қўшиб алмаштириб келди. Бу сафар яна ўша хотинлар “Чиннилар тўплами”нинг ранги, шакли, ҳажми бир-бирига мос тушмади дейишди. Комбайнчи яна бозор сари йўртиб кетди... Хуллас, у сал кам бир ой деганда кўрпа-тўшак, идиш-товоқ, кий-

им-кечак, парда-ю дастурхоннинг каму кўстини битирди. “Ҳаммаям шундай харажат тортадимикан-а, – деди бир сафар бозордан қайтаётиб ўзига-ўзи. – Ё, мен даҳмазани катта қилаяпманми? Йў-ўқ, олаётганларим ҳам, Ойчечакнинг сепи ҳам бировдан зиёд эмас. Демак, ё нарх-наво ошган, ё замон ўзгарган, ё менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ?”

Қорақул комбайнчи асли хўжалиқда механик эди. Кейинчалик замон ўзгарганида катта бир бочканинг остига моторли қурилма ўрнатиб, қўлбола комбайн яратди. Ўшандан бери эл-юртнинг арпа-буғдойини янчиб, рўзғор тебратди.

“Комбайнчи” лақаби ҳам шундан.

4

Кун тушликка яқинлашавергани сари жазирама зўрая бошлади. Кўча-куйда оёқ товуши тиниб, борлиқни аллақандай сукунат чулғади. Бўғотларда бигиздай тилини ўйнатиб ҳансираётган қушлар қишлоқ оралаб “ғийқ-ғийқ” этиб кетаётган аравани кузатиб туради. Байтал кўзи атрофида ўралашаётган чивинлардан зада – илкис-илкис бош чайқаб йўрғалайди. Манзилга яқинлашавергани сайин қадам отиши тезлашади. Саратоннинг тубсиз осмонида эгри-бугри кўчалар ва бетартиб уйлардан ташқари этакдаги кимсасиз адирларга ҳам нигоҳ тикиб учаётган бургут ёз чилласининг ҳаракатсиз лаҳзаларида емак қидиради. Унинг ўткир кўзлари қишлоқ қуймичидаги селхона-жарларга туташиб кетган чекка ҳовли сари ўрлаётган кўнғир тулкини нишонга олган. Тулки лўккиллаб ҳовли эстагидаги овлоқ бостирмага уриб кетади. Бостирмадан беш-ўн қадам наридаги ғов очилиб, аравасини ғижирлатиб судраб келаётган биянинг ҳорғин гавдаси кўринади.

– Маржонбулоқдаги опамнинг ўғли келувди – жиянингиз, поччамни конда тош босиб қолибди, – деди хотини юзида маъюслик зоҳир бўлиб. – Тоғам келса, эртароқ шаҳардаги дўхтирхонага борар экан, деди.

Қорақул комбайнчи ҳовли ўртасидаги ғужум остида бир шокоса айронга икки синдирик нон ботириб еди-ю, бозордан ортган пулни белига тугиб шаҳарга жўнади. Этакдаги ангарни кесиб чиқиб, катта йўлда эски бир автобусга илиниб олди. Улов кучдан қолган қирчанғидай имиллаб, дуч келган жойда кимки кўринса ортмоқлаб, кун пешинга оқанда шаҳарга кириб келди. Саратон куёши селгиб, борлиқни ажиб бир ҳарорат чулғаганда Қорақул комбайнчи дўхтирхонани топиб борди. Кўрдик, бу ерда ётганларнинг бариси яримжон: бирининг оёғи синган, бўксасигача гипслаб, яна тош ҳам осиб қўйибди. Яна бировининг белигача оқ мато ўралган. Бошқасининг кўзи билан бурни очик, қолган аъзои бадани тошқотган доқа ўрами ичида. Тўрда афтодахол яна бири ётарди. У беҳуш эди. Қорақул комбайнчи аллақандай ички сезги билан яқин борди унга. Шилиниб-тилиниб, яроғи қолмаган юзини артди. Сўнг эшикка, ундан бино йўлагига чиқди. Сўраб-суриштириб бош дўхтирнинг хонасини топиб, минг бир истиҳола билан эшикни тақиллатди:

– Кириг, – гулдурак овоз келди ичкаридан.

Оромкурсига омонатгина кўниб турган гирдигум дўхтирнинг қаршисида ғужанак бўлиб – эгнини қисиб ўтирган опасини кўрди. “Олдириб қўйибди ўзини, – деди ичида курсига чўкаётиб. – Нотинчликнинг бети курсин, булутдай эди-я...” Аёл ўқсаси қуриб: “Ҳаҳ, фа-

лак! Пешонамда бу кунлар ҳам бормиди? – деди, илло, унинг ҳасратларини ўздан бўлак ҳеч ким эшитмади. – Кўрсатганларинг каммиди...” Бош дўхтир кўнгилсўрар гаплар қилди. Қаердандир пайдо бўлган котиба қиз пиёлада сув келтирди. Аёлнинг ҳовури босилиб, бир нуқтага маъюс тикилиб қолди. Бош дўхтир дилгир сукунатни бузиб, сўзланди:

– Аканинг етти жойи синган. Унчалик хавфли эмас, хавотир олманг. Энди-и, очигини айтишим керак, биз хўжалик ҳисобидамыз. Бу – унча-мунча харажати... бор дегани. Ҳозир кўп дўхтирхоналарда аҳвол шунақа. Тўғри тушунинг мени.

– Ука, сиз дангал айтаверинг... – Комбайнчи дўхтирнинг хабари кетидан давом этди. – Ҳаммаси очикчасига бўлгани маъқул, шунга қараб соз қилардим.

Улар бир неча сонияда келишиб олишди. Комбайнчи опасини қўлтиғидан олиб ҳовлидаги боққа тушди. Бу ерда сассиз лаҳзалар ҳукм сурарди. Опа-ука четроққа, ўрик остидаги ўриндиққа жойлашдилар.

– Худо шифосини берсин, ичкаверманг, – деди ука.

– Манглайм қора бўмаса, бу кунлар ҳам бормиди менга? – Опа укасининг тўшига бош қўйиб йиғлай бошлади. – Бечора ёрти эди, кунимизга сен бор экансан. Ёлғизлик шундайда билинади-да, жигарим!

Қош қорайиб, теварақда кўча чироқлари ёғду соча бошлаганда Қорақул комбайнчи опасини шаҳардаги эски танишиникида қолдириб, қишлоққа қайтди.

Бегард осмонда ғуж-ғуж юлдузлар жимирлаб ётади. Сомон йўли бўйлаб учган бирининг тарам-тарам нурлари бир неча сония йўналишини ёритиб ўтади-да, хира тортиб йўқолади. Олис-олислардан бир итнинг ғингшиниб акиллагани эшитилади. Тошларга синган офтоб тафти кўтарилиб теваракни дим ва илиқ ҳароратга тўлдиради; борлиқ осуда лаҳзалар кўйнида мудраб ётади. Бироқ ҳовли ўртасидаги ғужум остида ётган эр-хотиннинг кўзига уйқу инмайди. Улар учи-қуйруғи йўқ хаёллар гирдобиди банд. “Комбайнимни сотаман, – ўйлади эри. – Пулга боради. Бултур Умар қассоб сўратувди. – Шу кез этакдан отнинг пишқирғи эшитилади, – Ё, бияни бозорга солсаммикан...” Хотини эрига кишибилмас қараб қўяди. Унинг тубсиз фалакка тикилиб ўй сураётгани-ю, минг бир режани хомчўт қилаётганини ҳис қилади. Ўқловдек ингичка, боз яна ажин босиб кетган бўйнига кўзи тушиб ич-ичидан ачинади. “Жағига пичоқ қайрайдиган бўлибди бечоранинг, – дейди ўзига-ўзи. – Не бир йигит эди; тоғни урса талқон қиладиган. Ёлғизликнинг шуниси ёмон, ака-укалари бўлганида суяшиб турармиди... Ит бўл, қуш бўл – кўп бўл дегани бор гап. Яккашнинг отауйи чироғини ёқиб ўтириши қийин”. Кунчиқардан эсан елпинчиқ эр-хотинни барча дарду ҳасратларидан фориг этиб, юлдузлар жимир-жимирига маҳлиё қилиб, хаёлларини осмоннинг сирли қаърига тортиб кетади...

Кўшни чол бомдодга азон айтар маҳали қишлоқ оралаб бораётган Қорақул комбайнчининг хаёлидан: “Умар қассобникига борсаммикан, ё Ҳамза фермердан қарз кўтарсаммикан...” деган яккам-дуккам мулоҳазалар ўтади. Қайсики давлатмандни билса, улар билан ораларини чамалайди. Масалан, узоқ Тайпоқсойга кўчиб кетган партадош тенгқури Бойсайфи билан жўрачиликлари, анчайин қўли очиклигини ҳам хотирлайди. “Қарз сўраганнинг бир бети қора, бера олмаганнинг икки

бети, – дейди кимнингдир олдида мулзам бўлишини ўйлаб. – Ҳай, бир гап бўлар. Уладиган ҳўкиз болтадан қайтмас”, қўшиб қўяди яна. Офтоб дашту далаларни оташдек куйдираётган бир паллада эшикма-эшик, уйма-уй кезиб юрган комбайнчининг реза-реза тер қуюлиб келаётган пешонасида шамшир ўйнатади гўё. Шамширки, жон олмас – ажал эмас; фақатгина устомон қассобдай терининг бир қаватини жизиллатиб шилиб ташлайди. Қизариб, ҳилдираб бораётган тўрқовундек ажин босган қиёфада бебахт болалик ҳасратлари-ю суронли йилларнинг ғам-андуҳлари қотиб қолган. Қотиб қолган эмас, ажи-бужи чизиқларда акс этиб туради. Бужмайган қовоқлар орасидаги ботиқ кўзлар эса, ана шу ажи-бужи чизиқларни ҳарфма-ҳарф, жумлама-жумла фош этади...

Бозордан бол топиб, уни қўйнига солиб, яна йўл-йўлакай “Замон-замон, бизнинг замон...”ни ҳиргойи қилиб келаётган ва хотинига икки зувала кулча солишни буюриб турган от даллоли Бойсайфи дўсти, яъни бола сирдоши Қоракулнинг кўзидаги илинжни уқди. Уқдики, ...қийматини сўради, холос. Меҳмоннинг келишув ҳақидаги ваъдаларини тингламади ҳам. Бундан ўттиз-қирқ йил бурунги дали-ғуллилигига борди: “Топар ойида берасан” деди...

5

Саратон ўтиб, тийрамоҳнинг намхуш шамоллари уйғонган маҳали Қоракул комбайнчининг шаҳардан оёғи узилди. Суяк деганлари кун санар экан; поччаси Бердимурод қарийб олтмиш кун ётди дўхтирхонада. Бу орада комбайнчи анча-мунча дорининг фарқи-ю давосининг фаҳмига етди. Гоҳида оқ рангли иморатнинг ўткир ва қўланса ҳидидан безиб ҳам кетди. Баъзан шапалокдек қоғозга турнақатор қилиб битилган дорилар рўйхатини қўлтиқлаб шаҳарнинг дуч келган тешигига бош суқди. Қудалар билан келишиб тўйни ҳам орқага сурди; жиянларим отасиз қолмасин, деди. Поччасининг ёлғиз эканлигини-да қистириб ўтди. Одам одамга эл бўлади, пул ёки мартаба эллик қилмайди, деб ўйлади куда томон. То ўрим-йиғим тугаб, даладан ҳосил кўтарилгунича Қоракул комбайнчининг созини кутишди.

6

Кечаси билан шаррос қўйган ёмғир эрта билан тиниб, тонгги рутубат одамларга хуш ёқди. Об-ҳавонинг юмшаганидан кайфияти кўтарилган тўй эгалари издиҳомнинг тадоригида. Ёш-яланглар ўчоқ қазиш, самовар тайёрлаш билан банд. Бир-иккита ўрта ёшлилар ҳовлининг этагида, кўздан панароқда қора кўчқорни бўғизлаб, терисини шилиш билан овора. Чойнак-пиёла, коса-товоқ ташиётган хотин-халажлар оёқ учида учиб юришади гўё. Ҳолироқ томга йиғилишиб олган қизлар келин бўлмишнинг пардоз-андозига зўр беришади. Айвондаги уч-тўртта кексалар ўтган замонлардан гап суришади. Ички уйлардаги кайвонилар келин сепини қайта кўриқдан ўтказадилар. Кун чошгоҳдан ўтиб шоҳнинг кўчига безатилгандай турли хил попукларга ўраниб олган куёвжўраларнинг уловлари “биб-биб”лаб ҳовлига кириб келади. Остонага қадар пишқириб келган биринчи машинадан қориндор карнайчи ва миқти доирачи туша солиб “ғийқ-ғийқ, тапир-тупур”ини бошлаб юбора-

ди. Ўз ишлари билан куймаланиб юрган қиз-жувонлар бир пасда четроққа йиғилишиб олиб, йигитларнинг хатти-ҳаракатини кузатишга тушади. Шўх-шаддодлари навкарлардан айримларига қочирим қилишга ҳам улғуради. Тарафлар орасида ҳазилу мутойиба бошланиб кетади. Даврани ипак саллали Имомхон эшон томоқ қириб кесиб ўтади-ю йиғилганлар жимиб қолишади. Янгалар куёв болани никоҳ ўқитилмиш хонага бошлаб кетади...

– Қиз отасини чақиринг, – деди эшон никоҳ суви келтирган кишига.

Ҳаял ўтмасдан дўпписини қийшиқ бостириб олган Қоракул комбайнчи кўринди.

– Сиз, тоғаси бўласизми?

– Йўқ, дадаси бўламан.

– Унда тоғасини чақиринг, никоҳда тоғалар ота ўтади, удумимиз бу!

Қоракул комбайнчи ташқарилади. Эшиқдан чиқа туриб ўйланиб қолди. Хотинига имлади:

– Ҳамқишлоқларингдан бўлсаям биронтасини айт.

Қизга никоҳда тоғалар ота ўтар экан.

Даҳлиздаги курсида омонатгина ўтирган поччаси Бердимурод қўлтиқтаёғига суяниб:

– Заркумуш менинг қишлоғимдан, оғалари йўқ деб ким айтди, мен – акаман! Ойчечакка мен оталик қиламан! – деди тўлиғиб.

Эр-хотиннинг кўзларига нам тепди. Бироқ бир-бирига билдирмай тескари бурилиб кетишди. Ярим соат ўтиб келин-куёвни ташқарига олиб чиқишди. Қиз отаси билан хайрлашди: Қоракул комбайнчини кучоқлаб ҳўнграб юборди. Янгалар лаб учида шивирлади, биллагидан тортиб четга олди. Ота бир жуфт нонни қизининг қўлтиғига қистириб, елкаси учиб – селкиллаб кетаверди... Белгисиз томонларга тикилиб, қабоғидаги намни сирқиб олди...

Базм қизигандан қизиб, лутфу эҳсонлар авжига минди. Куёвнинг уруғлари келин томонни ва ёки аксинча, бир-бирларини оғиз тўлдириб мақтадилар. Қизлар-йигитлар, аммалару холалар тўйхонани кулгуга тўлдириб, бир-бирларининг қўлтиғидан олиб, гир айланиб рақс хиром этишди. Қоракул комбайнчининг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. У атрофидаги ширакайф ошнalarининг сершовқин қаҳқаҳасини эшитмайди гўё...

7

Тонг туннинг пардасини тортиб, шарпа шарпани эран-қаран илғайдиган бир паллада Ғўбдинтоғнинг куймичидаги адирларда бир от ўйноқлаб боради. Қирқ кунлик бойловдан чиққан йилқи тизгинни узгудек силтаниб, гоҳида олд оёқларини қўшшасига ўйнатиб, белидаги жилловдорни менсимагандек пишқиради, оғзидаги сувлиқнинг ғижир-ғижери эшитилади.

– Маҳкамроқ ўтир, ташлаб кетмасин, – дейди отаси эгар ортига қараб. – Бозоргача бир амаллаб етиб олсак бўлгани...

Бола оёқларини қисиб, эгар карсонига ёпишиброқ олади.

Улар биянинг нархини хомчўт қилиб, бири олиб-бири қўйиб, бепоён кенгликлар ичида нуқтага айланиб боради...



Исомиддин ПЎЛАТОВ

АНДИШАСИЗЛИК АЙБ ЭМАСМИ?

Бир куни Насриддин Афанди қаршисига бир уюм китобни йиғиб олиб, уларни варақлаб ўтирган экан. Афандининг бу ҳаракатини тушунмаган таниши сўрабди:

– Афанди, бунча китобни ўқиб олим бўларминг. Нима қилмоқчисан, ўзи, – дебди.

– Китоб ёзмоқчиман!

– Э, китоб ёзмоқчи бўлсанг, нега бошқаларнинг китобини ўқиб ўтирибсан. Ўзинг ёзда китобни, – яна эътироз билдирибди таниши.

Афанди шундан сўнг бу “ўқимаган”га содда, тушунарли қилиб: “Одамдан одам, китобдан китоб туғилади-да”, деган экан.

Энди бу латифа бўлмай қолди. Чунки, бу – фалсафа. Донишманд Насриддинимиз ҳам чакана одам бўлмаган-ку, ахир. Унинг топағонлиги, қочирим ва кесатиклари замирида “нимадир” бўлгани шубҳасиз. Унинг “Китобдан китоб туғилади” деган фикрига қўшилмайдиганларга эса бизда эътироз бор.

Келинг, латифани кўйиб, ҳаётга қайтайлик. Дунёнинг исталган шоир ёки адиби, борингки, зиёлиси фаолиятига қарайлик. У албатта минглаб китоб ўқиган, бирор олийгоҳда таҳсил олган ёки буви, ё бобосидан, опасидан эртақ эшитган. Илмий бўлмаса-да, ҳаётини, ақлий тажриба билан услуб, жанрни ўзлаштиргани аниқ.

Ҳазрат Алишер Навоий ёшлигида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини ўқийди. Ўқигандаям асар ичига, мантиқ оламига чўкиб мутолаага киришади. Ейиш-ичиш ва ҳоказоларни унутиб, Атторни ўрганади. Бундан ташвиш тортган катталар ёш Алишернинг қўлидан китобни олиб, яшириб кўйишади. Бу ҳаёт ҳақиқатига қанчалик мос келади, йўқ, аҳамиятсиз. Аммо Навоийнинг ўша асар таъсирида ёзилган бетакрор “Лисон ут-тайр”и дунё юзини кўргани рост-ку. Шу ҳолат китобдан китоб туғилишининг тастиғи эмасми?

Бобур, Машраб, Амирий, Нодира, Мунис, Огаҳий, Феруз ёки Қодирий-у Чўлпонга, Саид Аҳмад-у Озод Шарафиддиновга бошқа, ўзларидан аввал ижод қилганларнинг, аниқроғи, китобларнинг таъсири бўлмадимми?

Фикримизча, улар китоб ўқимай туриб, шоир-ёзувчи бўлишга уялган. Билимсиз бўла туриб, бировга ақл ўргатишга, баландпарвоз “фалсафа” сўқишга, ўхшамаган ўхшатишни, ноўрин ташбиҳни қўллашни ор билган. Ўзидан улуғлар танбеҳ бериб, хатосини кўрсатганда, ўргатганда, терс бурилмаган, аксинча, жон қулоғи билан эшитган. Хатосини тўғрилаган. Машрабнинг илм олиш учун устози пойига йиқилгани ҳақиқат эмасми? Ваҳоланки, у жаҳоншумул шоир. Шоирларга ижобий маънода телбалик нисбати берилишига ҳам Машраб сабабдир балки.

Бухоролик бир ёш йигитнинг уч-тўртта китоби нашрдан чиқиб улгурибди. Шеърларининг анчаси қўшиқ бўлиб кетган. Баъзи “модерн” ёшлар ўша китобларни харид қилаётгани ҳам рост. Биз ҳам китобларни варақлаб кўрдик. Аввало, тўпламнинг муқоваси эътиборни жалб қилади (шеърнинг эмас, “шоир”нинг рекламаси). Ёшгина бўлишига қарамай, соқолдор муаллифнинг сурати. Ўзини тутишидан – гўё санъаткор. Китоб орқасида ўзининг кимлиги, табрик сўзига ўхшаб кетадиган жумлаларни келтирганки... Бундай катта даъво энг номдор шоирлар ҳам қилолгани йўқ ҳали.

Минг истиҳола билан ёзиш мумкинки, ўша, биз катта даъво деяётган жумлаларда ижодкорнинг қандай хасталик билан оғриб, касалликни қандай енгиб ўтгани, улкан ҳаётини “тажрибаси” ҳақидаги битикларни ўқиймиз. Ёки севги ҳақидаги “чуқур” мулоҳазаларга кўзимиз тушади. Гўё бу бизга ибрат бўлиши керакка ўхшайди...

Тўпламнинг мазмун-мундарижаси ҳақида ёши улуғроқ, тажрибалироқ мунаққидлар фикр билдир-

гани маъкул, албатта. Бизнинг кичик хулосамиз эса китобдан ўрин олган шеърларни адабиётни тушунадиган ҳеч бир киши кўрмаган, таҳрир-тахлил қилмаган, деган фикр билангина чекланишга етади. Бир сўз билан айтганда, матн мазмуни ишқий, қарғиш, ақл ўргатиш кайфиятидаги даҳанаки жанг-ни эслатади.

Афсуски, аксарият ёш қаламкашлар матбуот, нашриёт эшигига “ётиб” олишган. Ҳатто ота-онаси ҳам эргашиб келади: “Боламнинг шеърини чиқарсанг. Акс ҳолда ўқишга киролмайди, танловларда ғолиб чиқолмайди”.

Зерикишдан қўлга қалам олаётганлари-да топилади. Энди ўйланг, сизнинг нўноқ болангиз (айнан ижодга) қоралаган алламбалоларни хаспўшлаб, силлиқлаб газетада босса, нашриёт тўплам(ча) қилиб берса (азбаройи зада бўлганидан), у қобилиятли бўлиб қолармиди? Ёки бирор олийгоҳга имтиёз асосида қабул қилинармиди? Ёки машҳур бўлиб кетармиди? Шунча сарсонгарчилик, маблағни беҳуда сарфлаш ўрнига, боланинг қўлига тўртта дарслик, иккита бадиий китоб олиб беришнинг нафи кўпроқ эмасми?

Шу ўринда яна бир муаммонинг ечимига етгандаймиз. Вилоятларда телевидениелар, баъзи марказий телеканаллар, радиоларда тинимсиз эфирга узатилаётган, на овози, на мусиқасида тайини бўлган “санъаткорларнинг” тегирмонига биз тилга олиб ўтган ижодкорлар сув қуймаяптимики. Шевашунослик, бачканалиқдан нарига ўтолмай қолган “санъаткорларни” руҳлантириб юбормаяптимики? Андишасизлик айб эмасми? Ачинарлиси шундаки, хизмат кўрсатган, ҳатто халқ артистлари ҳам ўшандай маза-матраси, савияси бўлмаган шеърларни топиб куйлаяпти. Балки шундандир, санъаткор билан санъаткорни, қобилиятли билан қобилиятсизни фарқлолмай қолдик. Ҳаммаси бир хил, бир рангда. Фарқи шундаки, бирови ўзини реклама қила олади, бирови йўқ. Мусиқа матни, мазмун-моҳиятини назорат қилиши керак бўлган мутасаддилар қаерга қараётгани номаълум.

Матбуот ҳам «оппоқ» эмас. Кўплаб хусусий газеталар, тармоқ нашрлари озуқа манбаи сифатида шов-шув кўтаришни билиб олишган. Юракнинг қонга айланиб, дарё бўлгани, ойнанинг энгашиб кўшиқ айтгани (достонларда ҳам бу даражада кўпиртирилмаган мисралар), уйқусиз кечаларнинг оғриқлари, бир ҳаваскорнинг беш юз марта севгани, хатосидан афсус чекаётганини шеър, деб тушунаётган адабий ходимларнинг борлиги, уялмай-нетмай газетасининг муқовасида дабдабали суратини босишгани кўнгилни эзади. Бировга шоир нисбатини беришдан олдин, озгина бу ҳақда ўйласак, нима деяётганимизни фаҳмласак бўлармиди. Наҳотки савиямиз оммавийлашиб бораверса... Ўйлагани кўрқадки киши.

Катталаримизда дўппини бир четга қўйиб, яхшилаб ўйла, деган ибора бор. Қачон ўйлаймиз? Дўппи-ку бошимизда йўқ. Лекин дўппи биз учун ўйламайди-да. Адабиёт қаерга қараб борапти? Ёки адиб Шуккур Холмирзаев таъбири билан айтганда, адабиёт ўлаяптими? Ёки дарвозасиз қолдимми? Дод-вой қилиб, айюҳаннос солаётган одам бўлиб кўриниш ниятимиз йўғ-у, аммо шоирман, ёзувчиман, деб кўкрагига ураётганларнинг ниҳоятда кўпайиб бораётгани ростдан ташвишга асос бўла олади-да. Қўшиқ ва мусиқа шоу-бизнес деган баландпарвоз «маданият»нинг қурбони бўлиб улгурганига-ку анча бўлди. Нима, энди навбат адабиётгами? Наҳотки, шу ҳолат ташвишга асос бўлмайди, дейсиз?!

Бунақада йигирма йилдан сўнг мактаб дарсликларига кимлар киритилиши ҳақида ҳатто ўйлаш ҳам кўчқинчли.

Назм ёки насрда бўлсин, иқтидорли ёшлар, янги-янги қобилият эгалари юзага чиқавергани яхши. Бундан қувониш керак. Аммо, улар китоб ўқиган, адабиётдан хабардор бўлса яхши-да. Тағин, шоирман, адабиёт билимдониман, шу санъат турининг эртасини ўйлайман, деган борки, ижод эшигини қоққанга, адашиб туртиб қўйганга дарвозани ланг очиб қўймаса, деймиз. Акс ҳолда адабиёт латифага айланади. Ёки биз...





Ибодат РАЖАБОВА



Шамол билан чопид Бораман

* * *

Ёсуманга ёй отдим,
Қарайди Қора Ботир.
Ишқда пишмаган қалбни
Бор, Сен Худого топшир.

Соҳилларга урилдим,
Дарё суви бўлди шўр.
Дардимни билмоқ эрсанг,
Давдарадан ўтиб кўр.

Сулаймоннинг узугин,
Тубига тушдим, Ҳаққо!
Яна ҳамма сўфи-ю
Мансурдан ўтмиш хато.

Сен кетдингу мен кетдим,
Осмонга соқчи гадо...
Ортимга қайтай десам,
Кўприклар қилмиш қазо.

СУВРАТ

Онам энди пиширмайди сут,
Ўймоқ билан ўлчамайди зар.
Ҳузурига майса илдизи
Ер остидан қилади сафар.

Тандир билан сийлаш-сийпаш йўқ,
Қари боғдан термайди ўтин.
Тупроққа бош қўйгандан бери



Кўп юмишқ феъл бўлгандай замин.

Дастурхоннинг бир чеккаси бўш,
Бўм-бўш уйда ҳайрон туттароқ.
Она, сизсиз отам ҳовлиси –
Ўртасидан йиртилган байроқ.

* * *

Ичимда бир китоб ўқидим,
“Авесто” қўл берган бир китоб.
Мазмуни кўзимдан сачради
Изтироб, изтироб, изтироб.

Ичимда бир китоб ўқидим,
Юзида палахмон сурати.
Вулқонлар кунбоши бўлгунча
Ичимда бўрилар улади.

Ичимда бир китоб ўқидим,
Вазнини йўқотди минора.
Ҳар сатри устида ёпинғич
Қабола, қабола, қабола!

Ичимда бир китоб ўқидим,
Тўгонни қўзғотди мавжгардон.
Борлиқнинг бисоти бўлинди,
Шоирга тегари шу – Осмон.

Ичимда бир китоб ўқидим,
Мезонхат юборди Қаҳқашон,




Тонг турсам, деразам ёнида
Қушчалар ёзибди дастурхон!

* * *

Бугун шамол ухлади менсиз,
Олча гулин ҳиди тўкилди.
Қайларгадир югуриб, елиб,
Уруғларин тўплади қийчи.

Данақларга “Ёсин” керакмиши,
Жийдаларга шеъримдан баёт.
Кенг қирларга қўшилдим, кетдим:
“Намозингиз бўлай, мавжудот!”



СЕНДАН ҚАЙТМАЙМАН

Гамларнинг ёгини сочимга суртдим,
Зўр мисков топтиму тоғларни титдим.
Бир олтин сабр-тоқат, қудуқда ютдим,
“Сендан қайтмайман!”

Рангимни кунларга худойи қилдим,
Кўприклар остида гадойи қилдим.
Заҳарлар заҳрини бир ўзим едим –
“Сендан қайтмайман!”

Бир куни тонг келди баҳоси баланд,
Исириқ уруғи менга берди қанд.
Минг тавба едим у емаганим панд –
“Сендан қайтмайман!”

Тугмангнинг кўзида хаёлим ухлар,
Мен сенга етмасам Худо – дарбадар,
Сўнг менга жаноза ўқийди қушлар.
“Фаришта нур улаш бўларли кафан,
Бу ундан қайтмаган!”

* * *

Қумбостиди ўрик гуллади,
Томлар ўсиб кетди бир қулоч.
Майин еллар маош ҳам олмай,
Ётиб-туриб бўлдилар тилмоч.

Қошғарийга иш топди Боноб,
Тўрт жилд лугат тузди чорчаман.



“Шом бўлса ҳам турсин, келсин”, – деб
Мен лайлақлар йўлин артаман.

Турналарнинг арқони – кумуш,
Қуш инида меҳмон – чойялпиз.
Қошғарийга сиёҳдон ясар,
Қалин япроқ чиқарган ангиз...

* * *

Шамол билан чошиб бораман,
Карвон билан қайтаман маъюс.
Қўнғироқгул қўнғироқ қилар:
“Билсанг... Ундан умидингни уз”.

Ёмғир билан ёғиб бораман,
Йўлларимни бузади довул.
Юрагимга келиб урилган,
Хазонлардан чиқади ҳовур.

Ёруғликнинг ичиб ёгини,
Суратимни жавҳарда ювиб.
Кавушимда шамолйўл кезсам,
Соям кетди ташвишида эриб.

Қорда эриб кетган соч билан
Дийдорингнинг қоқдим эшигин.
Эшик қулфи шарақлаб кулди,
Сирли боққан мунажжимдайин.

* * *

Гул сутини ким ичди,
Капалакка минди ким?
От изини ҳидлаган,
Шамолга йўқ ҳеч қўним.

Кипригимнинг ёгидан,
Фариштага тутсам май.
У енгимни най қилди:
“Кел, Ризвонни чақирай...”

Тақдиримни ўлчадим –
“Елкам ҳовуз – жуда соз.
Шаҳар сув ичган жойда
Қушчалар ўқир намоз”.



Зулфура МИСБАХ



СЎФИТЎРҒАЙ

Ҳужжатли қисса

Етти ёшимдан бу ёғини эслайман. Тўғрироғи, биринчи синфни тугатиб, таътилга чиққан қизалоқни кўз олдимга келтираман. Ўша йиллари катта ариқ тошиб оқарди. Болалар қий-чув билан тепалиқдан сувга сак-рашар, мириқиб чўмилишар эди. Уларни ҳавас билан кузатиб ўтирдим. Бир куни нима бўлдию, ариққа тушиб кетдим. Сув оқими шиддат билан мени гирдобда айлантира бошлади. Қандайдир ёвуз куч тубига тор-тар, бошқа бир илоҳий қудрат эса тепага, сув юзига чиқаришга интиларди. Ўлим ва ҳаёт ўртасида қолдим. Умрим бор экан! Ариқ бўйлаб бораётган тоғамнинг дўсти мени фалокатдан қутқарди. Кўтариб, уйимизга олиб бориб, бувимга топширди. Бир-икки ҳафта тўшақдан бош кўтармай ётдим, тунлари иситмалаб, алаҳсирар эдим. Уйқуга кетсам, ўша гирдобга тушгандай йиғлаб уйғонардим. Тепамда бувим ўтириб, Аллоҳ, авлиёлардан мадад сўраб, менга дам солиб, даволарди.

– Қўрқувдан шу аҳволга тушдинг, – деди бувим. Кўз ўнгимда ялт этиб ўша ариқ, кимдир мени сувга итариб юборгани кўринди. – Ҳеч нимадан қўрқма, ўтда ёнмас, сувда чўкмас қиз бўлиб улғай, бошқалардан умидвор бўлмай, ўзинг гирдоблардан чиқишга ҳаракат қил!

Бувим ўзи шундай аёл эди. Қишнинг изғирин тунларида пўстин кийиб, елкасига милтиқ осиб катта омборни кўриқлаб юрган. “Болани эчки сути билан боқадилар”, деб бувим эчки сотиб олганди, у жонивор ёз пайти, менга тирик ўйинчоқ – оппоқ улоқча туғиб берди. Биз ўйнаб терласак, эчки олдимизга келиб, ҳам боласининг, ҳам менинг юзимни ялаб қўярди. Бу орада қуёнларимиз ҳам кўпайиб кетди. Товуқларни-ку сира сўраманг, тинимсиз жўжа очаверар экан. Қўшнилари-миз, чорвачилик илмий-тадқиқот институ-тининг ходимлари, рўзғорни юритиш юзасидан бувим-дан маслаҳат сўраб турар эдилар. Бувим печкаларни таъмирлаб, уйларни оқлаб юрарди. Рус алифбосини ўргатиб, мени мактабга тайёрлаган, камтаргина кекса олима калишларни кийиб, бувим билан бозорга отла-нар, мен уларга ҳамроҳ бўлардим...

Ўша дардга чалиниб, юришга, ҳатто гапиришга ҳам мадорим қолмаганда, унинг бир бурчагида ётиб, хонадон ҳаётини бошқача, онгли равишда кўра бош-ладим...

ОПА-СИНГИЛЛАР

Масрура бувим катта оилани бошқариб келар, кўлида уч қизи, бир ўғли бор эди. Қизларининг “ёр-ёр” кўшиқлар айтиш даври эди.

*Оқ Идел бўйида яёв юрасим кела,
Севасанми, севмисанми, шуни биласим кела.*

Онам Мирзачўлда шундай ўлан айтиб юрган кез-лари Мисбах деган қозонлик йигит уни севиб қолган. “Тошкентга олиб кетсанг, сенга тегаман”, дебди унга онам.

Кичкинагина тўйдан сўнг, ёшлар пойтахтга, бахт излаб келишган. Отам бир заводда, онам бошқасида ишлаб юрган. Мирзачўлга қайтишган пайтлар мен туғилганман. Кейин катта оиламиз Мирзачўлдан Тош-кент вилоятининг чекка бир туманига кўчиб келган. Онам агрономлик мактаби қошидаги ошхонага ишга кирган. Бу орада у отам билан ажрашиб кетган эди. Нурия холам онамга кўмаклашиб юрган, унинг ўз қисмати, ўз ўлани бўлган:

*Аллария, аллария, аллария қалъаси,
Балки ўзбекка тегарман,
Ўктам бўлар боласи...*

Чиндан ҳам у хоразмлик йигит, Рўзматга тегиб ўғил туққан, отини Рустам қўйишган эди.

Кундузи бувимнинг ёнида юрардим. Роза исмли холам даладан қайтгач, мени чўмилтириб, бувим ти-киб берган кўйлакни кийдириб, айлантирашга олиб борарди. Нурия холам ҳам меҳрини аямасди, мени ва ўғилчасини боғларда сайр қилдирарди.

Айтишларича, Ахмадулла бувам бувимга бир куни бундай деган экан:

“Онаси, кизлардан меҳрингни аяма. Ҳали шундай ҳасрат-қайғулар бошларига тушадики, учаласи уч томонга қушдай учиб кетади. Сарваранинг ҳаёти даштда ўтади. Фотиманинг тақдири ҳаммасидан аянчли бўлади...”

Ҳойнаҳой бувамиз башоратчи бўлган экан... Хола-ларимнинг қисмати худди шундай бўлди.

Бир куни кўзлари чақнаган, тим қора жингалак сочлари елкаларига ёйилган, париваш аёл – онам уйимизни қуёшдай ёритиб кириб келди. Бир кўлида бола-си, иккинчисидан катта тугун.

– Эсон-омонмисиз, ойижон, – деб бувим билан кўришди.

Мен уларнинг ёнига бордим.

Бувим бошимни силаб, онамга деди:

– Сени соғиниб, қизинг дардга чалинди.

Онам мени бағрига босди, йиғлади. Бувим эса маъюс жилмайди.

– Мана энди Рашид инингни боқасан.

Мен чақалоқни овунтириб юрсам ҳам, қулоғим динг эди. Бувим шивирлаган кўйи ҳасрат қилди.

– Эҳ, қизим, қизим, сенинг пешонангга ҳам қари эр бор экан. Мени мажбурлаб, чолга берган эдилар. Сен эса ўз ихтиёринг билан отанг қатори кишига эргашдинг, унинг пулига ишондинг. Лекин тўкинлик, фароғат ўрнига қанча хўрлик кўрдинг, бола туғиб қолдинг.

Балки сиз: “Ёш бола олдида бундай сўзларни айтиш, қизалоқнинг кўзини очиб, одобданми?” деб ажабланарсиз. Лекин бизнинг оиламизда бу табиий ҳол эди. Ҳамма нарса ҳақида очик-ойдин гапириб, муаммолар бирга ҳал қилинарди.

...Хонага сукунат чўқди. Охири онам ўрнидан турди:

– Идиш-товоқларни йиғиб келдим, рўзгорда керак бўлар.

– Отхонага биллур қадаҳлару хитой чинниси мос келмайди. Қўшниларга кўрсат, керак бўлса, олишсин.

Онам эса бошқа, тўқ рангли кўйлагини кийиб, сумкасидан карталарни олиб, тугуни билан чиқиб кетди. Париваш ўрнига лўливаш сўзини ишлатсам бўларкан, чунки онам картасиз яшай олмасди. Эрта туриб ўзига ром очарди. Кейин ҳамма нарсани унутиб, хаёл суриб ўтирарди, ора-чора йиғлаб ҳам оларди... Бир неча марта мени бағрига босиб: “Қизим, сен мени яхши кўрасанми? Сендан бошқа мени ҳеч ким севмайди”, деб мени ҳам йиғлатгач, бувим онамнинг кўлидан мени зўрға тортиб олган. Кунлардан бир кун онам бувимнинг қулоғига неларнидир пичирлади.

“Боланинг розилигини ол!” – деди бувим.

Онам мени тиззасига ўтказди: “Қизим, менинг бахтли бўлишимни истайсан-а? Мен эрга тегдим, сен ҳозирча бувинг билан қоласан, кейинроқ сени ҳам олиб кетаман”. У кетди. Аммо тез орада яна қайтиб келди...

Ҳеч унинг меҳрига тўймадим, айтган сўзлари, қилган ишлари менга ғалати туюларди. Болалигимдан то ҳозирги кунимга қадар онам мен учун жумбоқ бўлиб қолаверди...

Бувим дастурхонни ёзди. Ярим соат ўтар-ўтмас онам қайтиб кирди.

– Буюмларинг қани?

– Талаш бўлиб кетди, – деди онам.

Бувим қўл силтади:

– Оқар сувда оқиб кетсин суймаган ёр моллари...

– Ҳар бир вазиятга сўз топасиз, – деди онам бувимнинг елкасига бошини қўйиб.

– Ҳеч тушқунликка тушма. Мен уруш йилларида беш бола билан қолиб кетиб, ўлмадим-ку! Бу иккаласи қорачиқларинг, сен иродали аёлсан, уларни оёққа турғизарсан, ахир? Отхонамиз катта, ҳаммамиз сиғамиз. Кейин янги уй соламиз, менинг номимга ер ажратдилар.

– Қурилишга қаердан пул топамиз? – деб сўради онам.

– Худойим ўзи етказди.

Мен эса оқланган, ўзича безатилган катта хонамизга қараб сўрадим:

– Нега уйимизни отхона дедингиз?

– Э, қизалоғим, пайғамбарлар охурда туғилган, шунинг учун биздай одамларга отхонада яшаш ҳам шараф. Бундай бошпанга етиш учун неча йиллар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юрдик, ҳозирги кунларимизга шуқр.

“Аллоҳ суйган қулига, элтиб қўяр йўлига”, – деб юрарди бувим. Бир-икки ҳафта ўтиб, қаердандир чўпон келиб, сал кўпайишиб келган эчкиларни машинага ортиб, олиб кетди ва бирданига қурилишни бошлашга пул топилди...

КЕМА

Бир куни шом пайти Роза холам дугонаси билан кинога бормоқчи бўлдилар. Мен ҳам эргашдим. Қизларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Укамни эмизиб ўтирган онам:

– Бувинг билан кемада кетмайсанми? – деб мени чалғитди.

– Қандай кема? – деб сўрадим.

Маккажўхори даласидан ўтиб борар эдик. Ниҳоят, совхознинг экинсиз қолган ерлари бошланди. Улар энди иморат қуриш учун бўлиб берилган эди.

Бирдан... ботаётган қуёшнинг нурларида жилоланиб турган, оппоқ елканларини ростлаган, сузиб кетишга шай бўлиб турган, чиройли бир кемани кўрдим. Даладан чопиб, йиқилиб, туриб, ўша томон шошилдим, чунки бувим ёлғиз ўзи кемада кетиб қолади, деб кўрқдим. Бувим бағрига босди, юз-кўзимдан чанг ва ёшни артди, туфлимни ечиб, пашшахона ичига киргизиб, каттагина шийпонга ўтказди. Лекин хаёлпараст қизалоқнинг назарида, у энди кемага айланганди. Кечки овқатимни едириб, бувим сеҳрли овозда шивирлади:

– Ҳозир Оймомо булутлар асирлигидан қутулади ва кемамиз унинг билан бирга сузиб кетади.

Оймомо эса бекинмачоқ ўйнади. Бир тўп булутлар орасига бекинар ва яна сеҳрли юзини кўрсатар эди. Хаёлим Оймомо ва булутларга эргашиб кетди. Бизнинг оппоқ кемамиз Ер билан бирга ойдин кечада сузиб борарди. Ариқларда сувнинг шилдираб оқиши, бақаларнинг қуриллаши, ҳашоратлар чириллаши – ҳаммаси бир чиройли тунги куйга, табиатнинг айласига айланган эди.

Ёз бўйи, иморатимиз битгунча, ҳар кеча бувим билан тунги сафарга кетар эдик. Эҳ-ҳе, қанча эртактлар, қўшиқлар, ривоятлар эшитганман, сон-саноксиз саргузаштларни бошдан кечирганман. Саҳарда уйғонганимда, Чўлпон порлаб турарди. Юлдузга термулиб ўтириб, бирдан “кема”дан отилиб чиқиб, шаб-

намли дала бўйлаб ялангоёқ чопардим. Оёғим ерни сезмасди, осмон сари қушдай учар эдим...

Аслида биз ўшанда далага олиб келинган қурилиш ашёларини қўриқлар эдик. Бир куни Ноил тоғамнинг ўртоқлари ҳашарга келиб, бувимга ҳазил қилишди:

«Ҳозир негадир йигитлар ичкуёвликни афзал кўрадилар. Шунини ҳисобга олиб, биз сизга бир кулба қуриб бермоқчимиз, розимисиз?» Бир-икки машина гишт, шағал-қум, тахталар келтириб, бир ой деганда, чиройли уйчани қуриб бердилар. Бувим уларни товуқ палов билан сийлаб, дуо қилиб турдилар.

Кейин кўп воқеалар бўлиб ўтди. Поччамиз Рўзмат ака оиласи билан ўз юртига кўчди. У ерда иккинчи ўғиллари – Фарҳод туғилди.

“Ёш оила, рўзгори ночор, болаларига қарамасам бўлмас”, деб бувим Тўрткўлга йўл олди. Ноил тоғам кузда ҳарбийга, Қора денгиз флотига жўнаб кетди. Роза холам уйимиздан уч-тўрт чақирим наридаги санаторияга ишга қирди. Назар тоғам автобус ҳайдовчиси эди. Онамга ҳам автобус паркидан иш топиб берди. Онамга зарур келибдими, кечалари автобус ювиб юриш? Чақалоғини ҳафталик боғчага топширди, Рашидни фақат шанба куни уйга олиб келарди. Мени эса юз чақиримдан нари – Ангрендаги интернатга берди. Ўзи эса тунги сменадан қайтиб, ухлаб олиб, кечга томон, маликадай кийиниб-ясаниб, Роза холам ёки бирор дугонаси билан кинога, ёш-яланг тўпланадиган жойларга борарди. Худди бола-чақаси йўқ, боши очиқ қиздай.

Менга – бувим ва Роза холам оқ ювиб, оқ тараган арзандага бегоналар орасида яшаш оғир бўлди. Ноилж, янги шароитга кўника бошладим.

Кунларни қайта-қайта санаб, зўрга иккинчи синфни тугатиб, ёзги таътилда уйга келдим. Шу орада бувим ҳам Тошкентга қайтди.

– Аълочи экансан, буни эшитиб хурсанд бўлдим, – деди менинг бошимни маъюс силаб.

Шу тарзда йиллар ўтди. Роза холам санаторияга дам олишга келган бир татар аёл билан дўстлашди. Ўша опа холамни укасига унаштироқчи бўлган.

– Вой, укангиз Ҳожар опамга тенг экан, – дебди холам.

Совчилар келишди. Онам Набиулла Аҳмеров деган кишига эрга тегди. Тоғамнинг дўстлари ҳақ бўлиб чиқди: ўша киши ичкуёв бўлиб, уйимизга келди. Ҳарқалай, онамнинг ўзи танлаган эркаклардан кўра, холам топгани тайинлироқ чиқди: бизга ота бўлиб қолди. Зилзиладан кейин, саккизинчи синфга ўтиб, ўзимнинг биринчи мактабимда ўқишни давом эттирдим. Оиламизга баракдан бир хона ажратдилар. Бирдан онам ётиб қолди.

– Нега мен бундай бахтсизман? Ҳаётим фақат кайғу-изтиробда ўтадими? – деб бувимга ҳасрат қилди.

– Аллоҳ қандай касаллик берган бўлса, унинг шифосини ҳам беради. Сабр-бардошли бўл, – деб насиҳат қилди бувим.

Касалхонадан қайтгач онам кўп ухларди. Мен қўлимдан келган ишни қилиб, онамга қайнатма шўрвалар пишириб борардим. Дадам ҳам ишдан келиб, онамга қарашар эди. Катта печка ўша хонани иккига бўлиб турар эди. Мен каравотим олдига кичкина чироқни ёқиб, китоблар оламига шўнғиб кетардим. Бир куни онам эрта туриб, қўлимдаги “Телба”, деган китобни кўриб:

– Болам, туни бўйи ухламадингми? – деб сўради.

– Китобни бир ўтиришда ўқиганга нима етсин, зўр таассурот қолдиради. Хаёлинг бўлинса, бошқача таъсир этади.

– “Телба”ни ўқиб, ўзинг ҳам телба бўлиб қолма тагин! Дюма, Бальзак, Мопассанлар бор-ку! Ёшлигимда фақат француз романларини ўқиганман.

– Йўғ-э, ўша чучмал асарларга вақт сарфлаш зарилми? Ҳийла, хиёнат, алғов-далғовдан бошқа ҳеч нима йўқ уларда. Ахир мен руҳи баланд рус адабиёти билан улғайдим-ку.

Ўша кичик хонада тотув яшадик. Эрталаб туриб, онам тушларини айтиб берарди:

– Биласанми, тунда мен қандайдир бошқа оламларга чиқиб кетаман. Ҳайратли саргузаштларни бошдан кечираман. Уйғониб, эс-хушимни йиғиб олишга қийналаман.

– Мен ҳам ажойиб тушларни кинодай кўриб ётаман. Табиатнинг ранг-баранг манзараларини, уммон ва дарёларни. Қайси бир тушимга ҳарир кийимдаги одамлар кириб, менга сабоқ берадилар, ўқишни, расмлар чизишни, кўшиқ айтишни ўргатадилар.

– “Ирkit ўрдакча” эртагидаги ўрдакдай, мен сенга қараб, ҳайратланиб тураман. Нима айтишни, нима қилишни билмайман, сен худди “Оққуш” бувингнинг туҳумидан чиққандайсан.

– Қани эди шундай бўлганда... Бувимнинг фазилатлари менга ўтса, бошим осмонга етарди. Кейин бувимга ўхшаб, мағрур қанот чиқариб, узоқ-узоқларга, Москвага ўқишга кетардим!

Мен кўнглимдагини айтдим. Онамнинг кайфияти ўзгарди. У мени бувимдан қандайдир қизғанарди.

– Мақсадларинг улуғ экан, туққан онангга эса бир оғиз ҳам айтмайсан, – деди онам аразлаб.

– Ахир оғир дардга чалиндингиз, хом хаёлларим билан бошингизни айланттириб ўтираманми?

– Тўғри, ўз-ўзимни ёмон кўраман, қисматимдан йиғлайман. Бошқа бир ажойиб олам мавжуд-ку! Нега мен бу зерикарли ҳаётни кечирिशга мажбурман?

– Ҳали ҳаётимиз ўзгаради! – деб кайфиятларини кўтармоқчи бўлдим.

Айтганим дуруст чиқди, бир йилдан кейин оиламиз Чилонзорга, уч хонали квартирага кўчди. Бир хонани онам ва дадам эгалладилар, иккинчисига китобларим ва тугунларим билан мен кўчиб кирдим, укамга эса катта меҳмонхонада янги диван қўйилди. Биринчи қаватда яшар эдик, томорқага ҳам эга бўлдик. Эшик олдида эса мен яхши кўрган – олча дарахтлари! Ойим эрта туриб, ширин таомлар пишириб, эшигимни қоқиб:

– Графиня, нонуштага марҳамат, – деб таклиф этарди.

Укамга “барон”, дадамга “герцог” унвонини берган эди мағрур “она қироличамиз”. Онам соғайиб, кучга киргач, хонадонимизда ўшқириб, бақириб туришни ўзига маъқул кўрди. Янги уй шарафига берилган зиёфатда, онам ёрилди – ўз мақсадини баён этди, менга ва укамга қараб:

– Энди уй бекасиман, сизларни қўлга оламан, мен чизган чизикдан чиқмайсииз. Болалар онасининг кўз қарашидан қўрқиши керак, – деди жиддий.

– Ўзинг бир умр ўзбошимча яшаб юрдинг. Энди зўравонликка ўтмоқчимисан? Бундай хўрликка мен йўл қўймайман. Ўзим ўстирган қиз мактабни битиргунча ҳовлимизда туради, – дея бувим шарт қўйди.

Ўша кеча бувимнинг кулбасида узоқ вақт суҳбатлашдик.

– Қизимнинг хулқ-атвори отасига тортган. Буванг билан уришиб-жанжаллашиб яшаганимиз етмагандай, энди Ҳожар билан тортишиб юришга мажбурман. Қизим ёшлигида бирдан “гўзалларнинг гўзалига” айланиб, шайтонлаб қолганди. Манаман деб юрар, тантиқ, инжиқ, сиркаси сув кўтармас эди. Кейин сени, Рашид-ни туғиб, қисматиға тан бериб, ҳовуридан бир оз тушганди. Энди эрга тегиб, уйли-жойли бўлиб, яна тўнини тескари кийиб олди. Яхши кунларга етдим, деб Худога ҳар куни шукрона айтиш ўрнига, бағритош аёлга айланиб бораётганига ҳайронман, – деб ич-ичидан куюниб гапирди бувим.

Мен ҳам ўз ҳасратимни айтдим:

– Ҳовлимизда уч “прокурор” кампир бор, улар онамни гапга солиб, ипидан игнасиғача суриштириб, бутун сирларини билиб олдилар. Негадир, ҳеч кимга бўйсунмаган онам, уларнинг югурдаги бўлди-қолди!

– Бекорчиликдан ёмон нарса йўқ. Ўзи ишлаб юрган почтадан нега бўшаб кетди? Иши енгил эди, тузук аёллар билан дўстлашиб юрса бўлмасмиди?

– Дадамиз қизғанар экан. Уйда ўтир, икки ишда ишлаб, ўзим сени боқаман дебди...

Бир ойча бувимникида турдим, кейин ойим дадам билан келиб уйга олиб кетдилар.

Ноил тоғам иккинчи марта уйланди, хотини билан бувимнинг кулбасидан бошпана топдилар. Кейин заводдан уй беришди. Тоғам Леонид Комилжонов деган йигит билан дўстлашганди. Неча йиллар куёв танлаб ўтирган Роза холам бирдан ўша йигитга тегди-қўйди. Тақдир дегани шу бўлса керак! Гулдан гул туғилади деб, қизига Лилия исмини танлади.

Мактабни битирган йили бувим сўради:

– Хоразмга борасанми?

Биринчи бор самолётда учиб, Урганчга етдик, автобусда кечув жойиғача бордик. Паромга машиналарни жойлаштирдилар, қиз-жувонлар гап сотиб, писта чақишар, эркалар папирос тутатиб, ўзаро гурунглашиб турардилар. Кичик катер паромни тортиб кетаверди. “Кема” мизнинг учига чиқдим. Хира бир парда атрофни қоплаганди. Қуёш кўринмаса ҳам, кун нурафшон эди. Амударё ҳам осмоннинг тусини олиб, қумушдай товланарди. Дарёнинг қоқ ўртасида катернинг мотори тўхтаб қолди. Сокинликни, бепоёнликни, улуғ дарёнинг салобатини ич-ичимдан ҳис қилдим. Хаёлимда дарёни тепадан кўрдим. Унинг марварид ўзани уфқ билан туташганди. Улуғ дарёларгина саҳрони кесиб ўтишга қодир бўлади...

СЎФИТЎРҒАЙ

Амударё қирғоғидан Гулдурсунга боргунимизча, қадрдон саҳро билан кўришганим сабаб, йўл бўйи ўпкамни босолмадим. Ахир бувим бекорга “тўрғай” лақабини бермаган – мен дашт қизиман. Бу ёруғ оламнинг биринчи таассуротлари ўша-ўша дашту саҳро манзаралари эди. Саҳронинг ҳарорати, бепоёнлиги мени мафтун этди. Қани эди, машинанинг бор кучини ишга солиб, саҳрони кезиб, узоқ бир сафарга отлансанг!

Бу саҳрони ўз вақтида Рамазон бувам ҳам кезган. Бувам чавандоз бўлган, Чор армиясининг кавалерия полкида хизмат қилиб, фин урушида қатнашган. Умрбод ўша-ўша чавандоз, шашти баланд, қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаганлар қаторида бўлиб қолаверган. Ёши қирқдан ошганда Масрура бувимга уйланган. Бувамни

кўз олдимга келтиришим осон, чунки онам ўша кишининг ўзгинаси. Афтидан лўлиларга ўхшаган, қирғий бурун, қоп-қора жингалак сочли, олтимшидан ошганда ҳам сочига оқ тушмаган, кўзлари чақнаб турган, хулқ-атворида ҳам лўлилик бўлган экан, бир умр таваккал қилиб яшаган. Уйдан чиққанида тўрва ичига тупуриб, кечқурун уни тўлдириб олиб келган. Ветеринар бўлиб, ўзи яхши кўрган отларни, молларни даволаб юрган. Туғилган болаларининг умри узун бўлсин деб қон чиқарган. Уруш йиллари меҳнат армиясига сафарбар этилган. Боёвут совхозининг бўлимларида ишлаган ва у ердан қайтиб келмаган. Масрура бувимга бир неча маротоба: “Ўлсам, қўшмозорда кўмиламан”, – деган экан, айтганини қилибди. Ўша пайтлар терлама касаллигидан ўлганларни қўшмозорда кўмишган экан.

Бу дунёнинг ҳикмати кўп. Бир куни йўлимда куйган дарахтни учратиб, роса ачиндим, яқинлашиб, унинг илдизидан ўсиб чиққан ниҳолни кўриб овундим. Уруш оловида умри ёниб, адо бўлган бувамнинг илдизидан етти-саккиз йил ўтар-ўтмасдан, айнан ўша заминда, Мирзачўлда, мен дунёга келдим...

Оддий туман касалхонасида, пастаккина бинода онам мени қийналиб туққан. Кўзи ёриб, ухлаб қолган, бирдан кимдир деразани очган. Қариндошларим келди, деб севиниб, ўша томонга юзланса... Бир чиройли, пешонасида юлдузи бор, оқ от онамга боқиб турганмиш. Балки, ўша бувам даволаган отларнинг авлодидандир. Балки: “Туғилган қулун қуллуқ бўлсин! Тошкентда сиз учун бошпана – отхона тайёр”, демоқчи бўлгандир, ким билсин...

ОРЗУ

Олий Адабиёт институтида таълим олиш орзуим эди. Аммо Москвага боришга менга рухсат бермадилар. Ҳар хил таҳририятларда ишлаб, журналистика факултетида ўқидим, лекин кўнгилдагидай бўлмади. “Ёш гвардия” нашриётига ишга кирдим.

Нашриётимизда чиқадиган “Ёшлик” альманахида биринчи ҳикоям чоп этилди.

– Мен кўлимда кўтариб юрган жияним ёзувчи бўлибди-ку! – дея хурсанд хитоб қилди Ноил тоғам уйимизга келиб.

Тоғам мендан ўн бир ёш катта эди. Бир-бирдан ўжар, иродали опалари қўлида ўсиб, ниҳоятда ювош, камтар, жуда самимий, кўнгли очиқ йигит бўлиб ўсганди. Гармон, гитарани чалиб, қўшиқлар айтиб, давраларга файз киритарди. Кўп кишилар билан дўст тутинган эди, шу сабаб, биродарлари бувимни “она”, деб улуғлардилар, ҳаттоки кулба ҳам қуриб бердилар. Бир дўсти эса мени чўкишдан қутқарди.

Альманахдаги ўша ҳикоямга “Қушлар” деган ном бериб, ажралишган эру-хотин ўртасида қийналиб кетган йигитча ҳақида ёзган эдим. Ноил тоғам жуда болажон эди, заводда тунги сменада ишлаб, кундузи ўзи ўғлини боқиб ўстирганди. Ювош эрининг қадрини билмаган хотин, ажрашамиз деб туриб олганди, лекин ҳақгўй ўғли Темур судда айтибди: “Мен отам билан қоламан”. Ҳикоям ўша воқеага ўхшаганди, тоғам мени жонкуяри деб билди.

Нашриётда ишлаб юрган пайтларим Москвадаги “Молодая гвардия”, Киевдаги “Молодь” нашриётларига оригинал-макетларни элтардим. Бошқа ўлка, шаҳарларга хизмат сафарларига борардим.

Ўша вақтларда қўлэзмалар машинкада кўчирилиб, таҳририятга топширилди. Шанба-якшанба уйда ўтириб туну-кун ишлардим. Онам хонамга кириб:

– Хоҳласанг, фол очиб бераман, – деб мени аврамоқчи бўларди.

– Керак эмас, пешонамда нима ёзилган бўлса, шуни кўраман. Бўлажак воқеалар эса тушимда аён бўлади.

– Сенинг ҳаётинг жуда зерикарли ўтаяпти, – деб онам гўё ачинарди. – Ахир ёшлик умрда бир марта келади! Менинг ёшлигим гуркираган боғларни эслатарди. Мен олов қиз эдим, йигитларнинг бошларини айлантириб, бир-бири билан уриштирардим, ўзим эса томоша қилиб турардим.

– Нега?

– Қасдимни олардим, ўн беш-ўн олти ёшимда сендай нозиккина, ориқкина бўлганимда, ҳеч ким назар-писанд қилмасди. Кейин тўлишиб, гўзал қиз бўлиб саҳнага чиққанимда, ошиқлар кўпайди. Дугоналаримнинг йигитлари мени қўршаб олардилар. Бир айтган сўзим улар учун қонун эди. Лекин мен ҳеч кимни севмадим, жонимга тегсалар, жавобини берардим. Қайси бири бошини ичкиликка солди, қайси бири ўзини отмоқчи бўлди.

– Демак, ўша йиллари шайтонлаб қолгансиз, – дедим ич-ичимдан оғриниб. – Мақсадингиз – уларни издан чиқариш эдимиз? Биронтасини тўғри йўлга солдингизми ўзи?

– Дадангни одам қаторига киритган ким?!

– У киши ўзини-ўзи одам қилган. Болалигидан етим қолиб, поччалари бир сават папирос бериб, бозорга жўнатганлар. Эрталаб шуни сотишга улгуриб, мактабга чопган, темир йўл техникумини битириб, машинист бўлиб, фронтга қурол элтган, у ердан Тошкент госпиталларига ярадор аскарларни олиб келган. Кейинчалик Олтинтопганда кончи бўлиб ишлаган.

– Ким буни сенга айтиб берди?

– Энди турмуш қурган кунларингиз, сиз Роза холам билан киноларга борганингизда, бувим товўк палов пишириб, мени, укамни, дадамизни меҳмонга чақирарди. Ўшанда дадамиз бошидан кечирганларини айтиб берганди. Бувим тинглаб: “Ўғлим, етим экансан, кўп азоб чекибсан, энди мана бу икки болага ота бўла қол. Етимларнинг бошини силашдан савобли иш дунёда йўқ”, – деганди. Бувим дадамни ҳам ҳайдаб юборасиз, деб қўрқарди.

– Бир-икки марта уйга ичиб келганида, чамадонни кўлига тутқаздим. Ювошдан йўғон чиқди деганлари рост экан. “Менинг борадиган жойим йўқ, тунда келиб дарвозага ўз-ўзимни осаман ва осонгина бу дунё ташвишларидан қутуламан, – деб гўлдиради.

– Демак, сиз билан умидини боғлаган, – дедим-у, лекин эшитганимдан юрагим музлади.

– Умидини эмас, менинг оёқ-қўлимни боғлаб қўйди. “Мен ўлсам, сен жавобгар бўласан”, – дегандай бўлди.

– Бу сўзларнинг охири хайрли бўлсин! – деб қўя қолдим.

Мен ишламоқчи бўлиб, хонамга кирдим, лекин қўлим ишга бормади. Деразадан қоронғу осмонга қараб ётиб, алаҳсирабман... Бу квартира ўрнида... қўшмозор кўрдим... Кўрқиб уйғонгандим, юрагимни ваҳима босди, олдиндан билдимки: биз бу уйда бахтли бўлмаймиз, бир-биримиздан айрилиб кетамиз...

– Охири хайрли бўлсин, – деб, яна уйқуга кетдим.

Укам ақлли, зеҳни ўткир бола бўлса ҳам, ўқишни ёқтирмасди. Унга деса тўп телиб, футбол ўйнаса! “Пахтакор” ёшлар жамоасига ҳам олмоқчи эдилар, бир-икки йил бошқа юртларга сафарларга кетиб-келиб юрди. Кейин бирдан спортдан ҳам кўнгли қолди, ёмон дўстлар орттириб, йўлдан оза бошлади. Онам уни жуда кескин вазиятлардан қўтқариб олди, зўрға саккизинчи синфни битириб, қайсидир ҳунар ўқув юртида ўқиб юрди. Армияга жўнаб кетди, у ерда ҳам ёмон ном чиқарганди. Кейин уйга қайтиб, ҳайдовчи бўламан деди, дадам пул бериб уни курсларда ўқитди. Вақт келиб, укам келинни яқиндан топиб, уйланаман, деб туриб олди.

Қудағайлар татарлардан машҳур бўлган чилонзорлик Усман муллани олиб келдилар.

– Отамга роса ўхшар экан, худди ака-укадай! Яхшилаб қара ва эслаб қол! – ҳаяжонланиб гапирди менга бувим.

Никоҳ ўқилди. Кейин чой ичиб ўтирганда, бувим савол беришга журъат этди:

– Отам Аҳмадулла Ҳусниддин Оренбургда мулла бўлган, тенгдош экансиз, у киши билан учрашганми-сиз?

– Йўқ, мен Уфа томонларда туғилиб ўсдим. Ўттизинчи йиллар уламоларни сургун қилдилар. Бахтим бор экан, ҳамма мусулмонларни бирлаштирган Қуръони каримни, араб тилини билганим сабаб, бу ўлкада яшаб, ҳеч хор бўлмадим. Дин – бу илоҳий куч. Татар халқи қалбан, ўз ихтиёри билан мусулмончиликни қабул қилган ва диннинг кенг ёйилишини кўзлаб, кўп миллатларни динга киритган. Ҳаттоки Қадимги Русия подшоши Владимир хузурига Булғор хонлигидан элчилар бориб, мусулмончиликни қабул қилишни таклиф этган. Владимир иккилабни турган, лекин атрофдагиларнинг сўзи билан христиан эътиқодини қабул қилган...

Биз муллани кузатгани чиққанимизда, ҳайратландим, ёши тўқсондан ошган ота ҳалиям руҳан ва жисмонан тетик эди, фақат одамлар ҳасратидан, нечача тобутларни елкаларига кўтарганидан қадди анча букилибди. Панжалари созандаларникидай узун эди, суяклари еп-енгил бўлгани сабаб, менга фотиҳасини берганида елкаларимга қуш кўнгандай туюлди...

Айни ўша вақтдан аждоқлар тақдири мени қизиқтира бошлади.

Укамнинг тўйи бўлиб ўтди, алоҳида хонамни уларга ажратиб бердим. Ўзим эса уйнинг ўртасида, тўрт хонага чиқиладиган меҳмонхонада қолиб кетдим. Келин ва қайнона жанжаллашиб юрди. Бир куни онам аламини мендан олмоқчи бўлиб:

– Сен ҳам бошимга бало бўлдинг! Қачон одам бўласан? Йиғиштир бу нарсаларни, – деб бошимга китоб билан туртди.

Индамасдан чамадонни, ҳужжатларни, керакли китоблар ва машинкани олиб, уйдан чиқиб кетдим. Бувим Тўрткўлда эди, Тамара Александровна деган бир ёлғиз, жонқуярим бўлиб қолган кампирнинг уйдан бошпана топдим.

Бир куни эшитиб қолдим: Ёзувчилар уюшмаси, ўша менинг орзуим бўлган, Олий Адабиёт институтида таржимонлар гуруҳини ўқитмоқчи экан. Ижодий танловдан ўтиб, имтиҳонларни топшириб, институтга кирдим. Москвага кетиш тараддудида юрганымда,

онам йўлдан қайтармоқчи бўлди.

Ҳамкасбларим кузатиш маросимини ўтказдилар.

– Жамоамиздан сенга озгина ёрдам, – деб менга яхшигина маблағ бердилар.

Ҳамма дилидагини изҳор қилганда, катталар оқ фотиҳани берганда, онам хўмрайиб:

– Шунча пулни кўкка совурасан. Ўқишни эплай олмайсан! – деб, кўнглимга ваҳима солди.

Бахтимга бувим Тошкентда эди.

– Сен ўз орзуингни боладай ўн уч йил ўстирдинг, – деди у хўрсиниб, – энди муродга эришдим деганда, ўз-ўзинга хиёнат қилмоқчимисан? Онангни боқадиган эри, ўгли, келини бор. Сени дунёдан қизғанаяпти, тушуняпсанми? Уйда ўтириб, китоблар ўқиб адиба бўлолмайсан. Сен ҳаёт билан юзма-юз бўл, мусофирчилик заҳматларини ҳам торт.

Мен бувимни кучиб олдим.

Орадан уч кун ўтди. Кетар чоғим бувим қулоғимга шивирлади:

– Аллоҳ ҳаққи! Қозон Москвага яқин, бориб, отангни топ!

ДИЙДОР ҒАНИМАТ

Ёлғиз ўзим Қозонга боришга чўчидим, дугонам билан йўлга чиқдик. Биринчи марта отам билан учрашолмадим, овулга кетиб қолган экан. Ўгай онам билан келишиб олиб, яна бир марта уларникига бордим. Вокзалда эру-хотин мени кутиб олдилар. Ўпкам тўлиб, йиғлаб юбордим.

– Мен аёл кўз ёшини кўтаролмайман... – деб пичирлади отам.

Ўша заҳоти ҳаяжоним, кўз ёшим, отамга аталган сўзларим дийдамда тош бўлиб қотди. Меҳмондан меҳмонга олиб юрдилар, зиёфатлар бердилар. Лекин бизга, ота-болага, гаплашиб олишга имкон бермадилар.

Ўгай онам, Омина опа шаҳарни айлантирганида, йўл бўйи заҳрини сочди. Ҳе йўк, бе йўк, отамни айблай кетди:

– Тошкентга бориб нима топди? Фақат бошига ба-ло орттирди...

– Онамни севиб қолганди. Икки йил юриб, охири ниятига етди, уйланди. Биринчи кўз очиб кўрган қизга...

– Икки йилда ажрашдилар-ку. Уйланишнинг нима кераги бор эди?

– Мен дунёга келишим учун.

Отам мени кузатишга чиққанида, ўгай онам бир қариндошини “юк кўтаришга ёрдамлашади”, деб ай-ғоқчи қилиб юборди. Вагонга кириб жойимга ўтириб, тўйиб йиғлаб олдим. Йўлдошларим, дардимни билиб, ҳайрон қолдилар. Етти ёт бегона ўша заҳматкаш, кўнгли очик кишиларнинг раҳми келди.

Тошкентга келиб бувимга бўлган воқеаларни ай-тиб бердим.

– Денгизчиларимизнинг кемаси қумга кўмилибди-ку... – деди у афсусланиб.

Ўшанда билдим, отам бувимнинг юрагидан жой олган киши экан. Кўпинча отам ва Ноил тоғамнинг жонкуяри бўлиб, иккаласининг тақдирларини тақ-қослаб юрар эди. Улар ҳарбий хизматда денгизчи бўлганлар, ўзга юртларда юриб, икки марта уйланиб, иккитадан бола орттириб, учинчи марта эса фарзанд кўрмаганлар. Учунчи хотини тоғамни ўғлидан айириб, охири ташлаб кетди. Омина опа эса мени отамдан

узоқлаштиришга ҳаракат қилди ва ниятига эришди.

Бувим ҳам бу ҳақда хаёл суриб ўтирган эканлар, ҳаяжонланиб гапира кетди:

– Ўгай онами, отами, барибир ўгайлигини қилади-да. Отам Аҳмадулла мулла ҳаж сафарига кетиб ва ундан уч йил хабар бўлмагач, қариндошлари онамни – Гулбоғидани Зокир деган кишига мажбурлаб эрга берганлар. Халқ ичида бекорга ривоятлар юрмайди. Мана мисол. Уч ака-ука қўлида қолган синглисига совчилар келади. Янгалари совчилар билан савдолашадилар. Бир янгаси тўн сўраса, бир янгаси от сўрар, бир телбароқ янгаси – бир солмалик ун сўраркан. Оиламиздаги савдо ҳам шу тарзда ўтди. Зокир чол тез орада Сарвара опамни чўлдан келган бой қозоққа бир қоп унга бериб юборди. Мени, ўн беш ёшга кирган қизни, ўзининг улфат дўсти Рамазонга эрга берди. Фотиманинг қисмати янаям ачинарли бўлди. Темир йўлларни таъмирлаб юрган бир кишига бериб юборди.

– Укаларингиз Абделғани ва Абделғазизларнинг тақдири қанақа бўлди?

– Улар ўгай ота билан бозорга чиққанда отамизни учратганлар. Ҳожи отамиз Зокир чолга жиддий гапирган: “Хотинимни олдинг, уйимга хўжайин бўлиб қолдинг, оиламни йўқ қилдинг. Бу икки чироғбонларимни сенга бермайман”. Сўнг ўғилларини эргаштириб кетган... Онам отамиздан ранжиб айттарди: “Диндор киши экан, уйланиб, бола орттиришнинг нима кераги бор эди? Сўфий бўлиб, зиёратдан-зиёратга юраверсин эди! Неча йил яшаб, мен у кишининг дийдорига тўймадим!” Қаранг-а, тақдир тақозоси билан иккинчи эри билан доимо бирга бўлганлар, ҳаттоки нариги дунёга ҳам кетма-кет ўтиб кетганлар.

Ҳовлига Тўрткўлдан меҳмонлар келиб, суҳбатимиз бўлинди. Мен Чилонзорга қайтиб кетдим.

– Мен умримни сенга бағишладим, сен эса ўша номарднинг олдига бордингми? – деб ҳужумга ўтди онам, Қозонга борганимни эшитиб.

– Отамни номард деманг, у обрўли, яхши одам, умрбод сизни севган:

Онам баттар тутақиб кетди:

– Севса, муҳаббатга хиёнат қилмасди.

– Ўзингиз отамни уйдан ҳайдаб юборибсиз-ку!

– Қайтиб келади, деб ўйлагандим.

– Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша ғурури бор! Нега мен билан учрашишга, ҳаттоки яқинлашишга рухсат бермадингиз?

– Сенинг кўнглинг бўлинмасин деб.

– Шу йўл билан отамни мендан узоқлаштирдирдингиз.

Отам тириклигида мени етим қилдингиз. Урушда қатнашгани учун медаллари бор, самарали меҳнати учун ҳам мукофотланган. Сиз эса отамни ёмонлаб, кўзимни очирмадингиз. Энди ўз кўзим билан кўрдим – обрўли, туппа-тузук, уятчан, хаёлпараст киши...

Ёзув машинкамни, китобларимни олиб, тушкун кайфиятда бувимникига кетдим.

– Ўгайи талагани кам эди, ўз онанг ҳам азобладими? Икки ўжар бия уришганда ўртада қолган эрка тойга қийин бўлди, – деб эркалади бувим.

Тушлик пайти Нурия холам ҳовлига кириб келди.

– Мен сизларни роса соғиндим.

Ўзи билан олиб келган гўшт, гуручни ошхонага элтди.

– Нима пиширай? – деб сўради Роза холам.

Ҳаммамиз “палов”, деб туриб олдик.

– Энди Ҳожар опамни қандай қақриб оламиз? – деб Нурия холамнинг боши қотди.

– Кўнглингиз хотиржам бўлсин, ҳозир келиб қоладилар! – деди Роза холам.

Гапи рост чиқди. Бир соат ўтар-ўтмас, онам ҳовлига кириб келди.

– Тўти куш, қачон келдинг, хабар ҳам бермадинг, – деб меҳмонга ёлғондакам дўқ қилган бўлди.

Нурия холам тўқ рангли кўйлақларни, катта зарбоф рўмолларни яхши кўрар эди. Очиққўнғил, истараси иссиқ, гавдали, ҳамманинг эътиборини тортадиган жувонлардан эди.

– Эшитдим, ҳовлингда прокурор бўлиб олибсан. Ўша жанжал, тортишувларга аралашиб юришдан бошқа ишинг йўқми? – деди онамга юзланиб.

– Менга хўжайинлик қилма! – деб бақирди онам.

Улар тағин бир оз айтишиб, бир оз аразлашиб туришди. Сўнг суҳбат яна ўз изига тушди.

ДАВР

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларини “туркий адабиёт даври”, деб атасак ҳеч муболаға бўлмайди. Чунки Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов, Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Одил Ёқубовларнинг ижоди гуркираган эди. Уларнинг асарлари миллий ўзлиги, самимийлиги билан ажралиб турар эди. Мени бу ҳол жуда руҳлантирарди, ўз йўлимни топганимдан хурсанд эдим.

Ҳам ишладим, ҳам ўқидим. Ишимни йўқотмаслик учун ёзги таътилга қайтмайман, деб хат жўнатдим. Шу орада бир туш кўрдим.

Ойим мени – кичкина қизчани қўлимдан ушлаб бир кўприкка олиб чиқди, дарёнинг нариги қирғоғида эса онам қизалоққа эврилди, мен эса ўттиз яшар қиз бўлиб, онамни етаклаб кетавердим.

Ажаб, умрида бошқа шаҳарларга ёлғиз ўзи бормаган онам, икки ҳафта деганда Москвага етиб келди. Уни оломон ҳайбати босди. Кўчаларни айланишга чиққанимизда, қўлимдан маҳкам ушлаб олар, адашиб қолишдан чўчиган қизалоқдай мендан айрилмасди.

Ётоқхона одатларига эса тез кўникиб олдилар. Бир талабанинг чақалоғига уч-тўрт соат қараган экан, қиз миннатдорчилик билдириб: “Сиз гўзал аёлсиз”, дебди.

Иккинчи кун ҳам кимдир онамга “гўзал инсон”, дебди.

– Сизни мақтаб кўядилар, холос. Аслида, ётоқхонамизда чинакамига бир сулув аёл бор, – дедим.

– Ким экан? – деб қизиқсинди онам.

Эшикни очиб, йўлакни ювиб юрган Мария холани кўрсатдим.

– Мени алдама! Нимаси гўзал бу аёлнинг? – деб, аразлагандай бўлди онам.

– Ҳаёт сиз ўйлаган гўзаллик танлови эмас-ку ахир! Бу аёлнинг қалби гўзал. Ниҳоятда камтар, очиққўнғил инсон, юздан нур ёғилади. Биз уни хола десак, йигитлар, янаям яқин тутиб “она” дейишади.

Кейинчалик Мария хола билан дўстлашиб:

– Ростдан ҳам, меҳрибон, беғубор аёл экан, – дея онам ҳам тан олди.

– Мария холани учратиб, Роза синглингизни кўр-

гандай бўлмадингизми? У ҳам тинимсиз ишлайди, шифохонанинг бўлмаларини ювиб, эшик олдини супуради, йўлақларнинг икки томонига гул экади. Ишхона атрофини ўз ҳовлисидай озода тутлади.

– Фақат Роза холанг ишлайди, а? Менинг меҳнатим ҳисоб эмас!

– Ҳамма нарса ҳисобга киради. Лекин сизнинг фикрингизга кўра фақат сиз ҳақсиз, бошқалар ноҳақ, улар тер тўкиб ишлаётганини менсимасиз.

– Нега энди мен қора ишга ботиб юришим керак? Бошимда эрим бор, боқсин!

– Йўқ, онагинам, айнан шу жойда адашяпсиз. Виждонли одам учун меҳнат – зарурият!

...Ярим йили қиш бўлган ўлкада фаррошлик эркаклар иши. Эрталаб соат беш-олтиларда йигитларимиз музни синдириб, қорни кураб, йўлақларни тозалашга киришар эди.

Ўша йиллари “Фаррош шоирлар” деган икки жилдли тўплам чиқиб, адабий ҳаётда бир воқеа бўлди. Чунки унда катта шаҳар шовқини ўз акс-садосини топган, кўчаларни тозалаб, оломоннинг оқимиға қарши чиққан дарвеш шоирлар, ўша замон руҳини бера олган эдилар.

Йиллар ўтиб Адабиёт институти қошидаги икки йиллик Олий адабиёт курсларини тугатиб келган Вафо Файзуллоҳ ўша фаррош шоирларга жўр бўлгандай туюлади:

*Хабар тарқат, юк кўтар, ишла,
Кўча супур, китоб орт, чопгин.
Оғиз очмай, қишларда кишна,
Йиғламоққа гавжум жой топгин...
... Бошинидаги қорларни кура...*

Адабиёт институтини тугатган шоирамиз Ойгул Суюндиқова қорларга кўп шеърлар бағишлаган:

*Шаҳар боғларида паришон сочли
Адашган дарвешдай айланади қор.
Бошқа сатрларни ҳам келтираман:
Қорли тунда ўрмон ҳайбати
Афсонага, сеҳрга тўлуғ.
Йўлларимда – рус табиати,
Муҳаббати, шиддати улуғ.*

...Онам юртдошларни ошга чақирмоқчи бўлганида, мен огоҳлангирдим:

– Дўстларим ҳам ўз уйига сиғмай, юртларидан чиқиб кетган мусофирлар. Илтимос, ҳазил қилиб, ўйламасдан гапириб, уларни ранжитманг.

– Кимга нима дейишни ўзим ҳам биламан, ақл ўргатма, – деди онам.

Шу кундан бошлаб то кетгунча, онам бир қозон овқат пишириб, дўстларимни йиғиб, қўшиқлар айтиб, даврамизга файз киритди.

Сездирмай, билиб олмоқчи бўлди: йигитим борми, йўқми. Мен Ойгулнинг шеърини ўқиб бердим:

*Шу қорлар ҳиссига қўшилиб оқди,
Ҳаётимнинг ҳар бир они, ташвиши.
Кимдир бу ҳаётга ёр каби боқди,
Кимларнингдир асло бўлмади иши...*

Лекин севги синовидан ўтишга мажбур бўлдим. Қозонга кетадиган куни бир тасодифий воқеа бўлиб ўтдики, унинг акс-садоси бир неча йил ҳа-

ётимда сезилиб турди. Дугонамнинг танишлари уни йўқлаб келиб, хонамизда қизгин суҳбатлар қуриб ўтирдилар, қайси мақсад билан йўлга чиққанамизни эшитиб, йигитлар ҳаяжонландилар. Бириси рўпарамга ўтириб:

– Менинг онам қозонлик татар, исми Ҳаво Ҳасан қизи, – деди.

– Менинг фамилиям Ҳасанова, – дедим.

– Балки шунинг учун биз учрашгандирмиз? Қаранг, иккаламиз ҳам ижодкор одам, тенгдош ва бир миллатга мансуб, – деди-ю, қариндошларим ҳақида суриштириб кетди.

Йўлга чиқиш вақти ҳам етиб келди. Биз хайрлашиб турганда, йигит жиддий сўради:

– Совчиларни қаерга юборай, Қозонгами ёки Тошкентга?

– Қўйинг, қизнинг бошини айланторманг, – деди дугонам.

Лекин йигит кўнглимга чўғ солишга улгурган эди. Қозонга етганимда юрагимда олов ёнарди. Бувим биринчи болаларига Мусо, Исо исмларини берган экан. Мен ҳам ўз-ўзимни руҳлантириб, Момо Ҳавонинг ўғлига тегаман, деган умидда юрдим.

Куёвдан дарак бўлмади. Дўстлари билан кўргазмаларда кўришиб турдик, уларнинг сўзига қараганда, йигит ўз йўлини излаш пайига тушибди. Бир эшитдим, йог бўлиб кетганини, кейин яна қандайдир оқимларга қўшилгани, археологлар гуруҳи билан Кавказ томонга кетгани ҳақида ҳам хабар келди.

* * *

...Ўша беш йил ичида онам уч маротаба Москвага келиб кетди. Баҳслашиб, тортишиб яшадик. Иймон, виждон ҳақида гапириб, тунларни тўздирдик.

Бир куни ишдан келсам, онам кулимсираб:

– Биласанми, бир шоир қозоним ҳақида шеър ўқиб берди, – деди.

– Бир қозон ош берсангиз, дoston ёзиб беради, – деб кесатиб қўйдим.

– Ўша йигит ҳаётим ҳақида ёзадиган бўлди, ошга таклиф этдим.

Бир пасдан сўнг жилмайиб меҳмон кириб келди. Гаплашмай, сўрашмай, қорнимизни тўйдириб олдик. Дастурхон йиғилгач, энсамни қотириб, йигит суҳбатга шайланди, ғазабим қайнаб:

– Бир ой деганда журналда сизнинг тарихингизни чиқараман, деб онамни алдамоқчимисиз? – дедим.

– Ойингиз эканини билмагандим. Руҳини кўтармоқчи бўлдим, холос, – деб йигит чиқиб кетди.

Онам хатога йўл қўйганини тушуниб, пушаймон бўлди. Ухлатадиган дорисини ичиб, девор томон бурилиб ётди. Мен эса кичкина чироқни ёқдим... ва дарвеш шоиранинг сеҳрли олами мени қамраб олди, йиғлаб, куюниб унинг оташин сатрларини ўқидим. Бирдан онамнинг овозини эшитдим:

– Нега йиғлаяпсан, болам?

– Шеърларни таржима қилиб ўтирибман!

– Кўз ёш тўкиш шартми?

– Ҳалол меҳнатда ё тер тўкасан, ё кўз ёш тўкасан...

Эрталаб шошиб ишга кетдим, кейин таржималарни топшириб, оймга ширинликлар олиб, ётоқхонага қайтсам, оймнинг димоғи чоғ, ош пишириб юрибди. Овқатланиб бўлгач:

– Китоб ҳақида келишиб олайлик, – дедим.

– Ростдан ҳам ёзмоқчимисан? Ёшлигимда бўлган саргузаштларимни айтиб берсам, биласанми, қандай ажойиб китоб бўлади! – деб кайфияти кўтарилди.

– Бўлмаса ўзингиз ўтириб ёзинг!

– Бундай ишга сабр-тоқатим етмайди. Ўзинг ёза-қол, – ёлворди онам.

– Лекин “йигитлар изимдан севиб-ўлиб, бир-бирини ўлдириб юрдилар”, деган француз романларига мос воқеаларни эсламай, бор нарсани ёзаман. Ҳаётимиз бир умрга боғлиқ экан, бир китобда бувимнинг, сизнинг ва ўзимнинг тақдиримни ёритмоқчиман.

Онам оғир хўрсиниб:

– Демак, интернатга берганимни ҳам ёзасан!

Онамнинг дили оғриганини сездим ва бу масалага ҳам аниқлик киритишни хоҳладим:

– Ахир бу ҳаётимнинг муҳим воқеаларидан бири. Етти йил, онадан айрилиб, яшаш осон дейсизми? Шанба-якшанба кунлари ёлғиз қолганимда тарбиячимиз меҳмонга олиб кетарди. Уйи тўла китоб эди. Ўша болалигимдан ўқишни чин дилдан севиб, бугунги кунда китобларга кўмилиб, Москвада таълим олишга муяссар бўлдим... Агар сиз чизган чизиқлар бўйича тарбия кўрсам, ҳикоялар ўрнига шикоятлар ёзиб юрардим. Худонинг раҳми келиб, мени асради.

– Демак, “прокурорлигим” ҳақида ҳам ёзасан?

– Ҳақиқат учун курашаман, деб фахрланиб юргандингиз-ку, нега энди пушаймонсиз?

– Майли, бор нарсани ёз, гуноҳкор бандаман. Юрагингга йўл тополмай қийналгандим, сен интернатдан уйга қайтиб келганингда...

– Қайтиб режаларингизни буздимми? Қизалоқни юз километр нари олиб кетиб, энди адашиб, кўчада қолиб кетади, деб ўйлагандингизми?

– Нега бундай дейсан?

– Чунки жанжал чиқариб, кун бермадингиз!

– Ўша прокурор кампирлар: қара, таъқиқланган китоблар бўлса, оиланг билан Сибирга кетасан, деб, ваҳима қилдилар. Сен сотиб олган китобларни, кўлёмаларни бирма-бир кўрсатардим. Москвага ўқишга кирганингда, ваҳималари авжига чиқди: эҳтиёт бўл, деб роса кўрқитдилар мени...

– Демак, ўн-ўн беш йил мобайнида, ўта хавфли маҳбусдай, онамнинг пинҳона назоратида бўлганман!

– Роса кўрқитдилар! Ахир, мен қора халқ, ўқимаганман, ишонавердим!

– Ялмоғизлар сўзига кириб, менга шунча азоб бердингиз! Ўқишни битириб борсам, яна асирикка тушарканман-да.

– Йўқ-йўқ, очиқ-ойдин гаплашдик, мен хатоларимни тан олдим, биз энди бошқача яшаймиз.

Ўшанда ҳайратланарли хулосага келдим, онам: “Ўқиб, бошимга бало орттирмайин тағин! Мен гўзалман, бой эрга тегиб, кун кўрарман», деб ўқимаган ва бирор ҳунар ёки касб ҳам эгалламаган экан.

Бир куни ишдан қайтиб келганимда, қўшни қиз хонасига чақириб:

– Ойинг менга фол очиб: «Қара, тўрт томонингдан тўрт қирол ўз севгиси, турмуш қуриш нияти билан... Мен эса бу дунёда чин муҳаббатдан маҳрум бўлдим», деб йиғлаб юборди. Бечора, ёлғиз яшаяптими?

– Йўқ, онамнинг эри бор. Лекин ёшлигида, уни ҳам кўп йигитлар яхши кўрган, изидан юрган. Балки онам шуни эслагандир.

– Бизнинг кекса аёллар нафақам етмайди, деб йиғласа, сенинг онаизоринг чин муҳаббат учун йиғлади... Ҳали кўнгли ёш экан-да!

Ўша кеча ҳам концерт бўлди. Қўшни қизга дил касасини ағдариб улгурган онамнинг кайфияти зўр эди, олдин халқ кўшиқларини айтиб, кейин Зухро арияси билан даврани завқлантирди.

– Ҳаваскор хонанда бўлиб юрганимда, мени вилоят театрига таклиф этганлар... – деди онам.

– Бордизгизми? – деб қизиқди бир юртдошим.

– Йўқ, ёш, гўзал эдим, йигитлар изимдан қолмасди... – деди онам.

Меҳмонлар хайрлашиб, чиқиб кетдилар. Онамнинг димоғи чоғ эди, фурсатдан фойдаланиб:

– Рухсат берсангиз, мен Москвада оила қуриб яшасам? – дедим.

Бирдан онамнинг гўзал юзи хўмрайиб, қовоғидан қор ёғди.

– Эр-эр, деб ғашимга тегма. Турмуш қуриш фақат иродали, кучли аёлларнинг кўлидан келади. Сен эплай олмайсан!

– Ўқишни ҳам эплай олмайсан дегандиз, эпладим-ку!

– Бу бошқа масала. Ёввойи жониворларга яқинлашганда, бир кўлингга тўппонча, иккинчисига қамчи тутиб борасан-ку, эрақларга ҳам худди шундай яқинлашиш шарт!

– Қани, ўша тўппонча билан қамчини кўрсатингчи! Шундай жасур аёл экансиз, нега кўчада кўлимни маҳкам ушлаб оласиз, мендан бир қадам нари юрмайсиз? Ўзингиз ҳамма нарсадан кўрқиб, мени ҳам кўрқитиб олиб, олдингизда бир умрга қолдирмоқчимисиз?

– Гапимга қулоқ сол. Сен ювош, камтар, уятчансан. Бунақа қизларнинг қадрига ҳеч ким етмайди. Ўжар, ўзларига бино қўйган, эрақ кўзини ўйнатадиган, хаёлини авраб олган қизлар йигитларни ақлдан оздиради. Сенинг на уйинг, на мулкинг, ҳаттоки тақинчоқларинг ҳам йўқ. Камбағал қизга ким ҳам уйланади? Мен сенга ҳақиқатни айтаман – бахтли бўлишни хоҳласанг, ҳаётингни бутунлай ўзгартиришинг керак...

– Тавба... Умримда ҳеч ким мени бундай ерга урмагани. Келиб-келиб туққан онамдан эшитиб ўтирибман.

Хона эшигини тақиллатиб, чақалоғини кўтариб, кўшни қиз кирди:

– Олдин кўшиқлар айтиб, боламни ухлатдиз, энди эса жанжал чиқариб, уйғотдиз, мана, меҳмонга келдик.

Мен кулиб юбордим.

...Ўқишим тугади. Уйга қайтдим. Бувижоним дипломимни силаб, жилмайди:

– Кўнглим ғаш бўлиб ўтиргандим, кайфиятимни кўтардинг, раҳмат.

Ишим юришиб кетди: Ёзувчилар уюшмасига, таржима бўлимига ишга олдилар. Кўпгина шоирларнинг шеърларини, ёзувчиларимизнинг ҳикояларини, ҳаттоки китобларини ҳам таржима қилдим.

Бир куни ишдан қайтсам, бувим Шўро даврига мос “муаммоли” фильмни томоша қилиб ўтирган экан, телевизорни ўчириб, бирдан тутоқиб кетди:

– Шуям муаммо, шуям фожиа эмиш. Фотима синглимни Чийили станциясига излаб борсам, кул-

баларининг ўрнида бир уюм қум. Фотима эри билан қаерда кўмилган, кишилар унутибди... Бесас, беун, из қолдирмасдан дунёдан ўтиш – буни фожиа деса бўлади. Ёки тотув яшаб келган оиланинг парчаланиши, опа-сингил, ака-уканинг бир умрга айрилиб кетишини кўз олдинга келтир! Мана ҳақиқий мусибат.

Хушчақчақ қизнинг, даврим келди, деб юрган пайтида хаёли фожиаларни сиғдирилмасди. Шунинг учун:

– Кўз олдимга келтиролмайман! – деб ростини айтдим.

– Кўнгли кўзи билан кўрмасанг, оддий кўз – бутуқ тешиги, – деди бувим ғамгин термулиб.

ХОРАЗМ

...Ўтган асрнинг ўттинчи йиллари. Очарчилик. Бувамиз Рамазон Гали Туркистонга иш қидириб кетган. Беш-олти маротаба танишлар орқали пул юборган, кейинчалик эридан хабар бўлмагач, Масрура бувим, учта ёш боласини ўлимдан асраш учун, она юртидан кўчиб кетишга мажбур бўлган.

*Оренбург кўчалари товлана қумуш каби,
Қаерда ғойиб бўлдинг, адашган оққуш каби.*

Лекин бувимиз адашмаган. Тўғри фикрга келиб, оталари Аҳмадулла мулла қадамжо деб билган Туркистон ўлкаси билан умидини боғлаган. Поездда саҳрони кесиб, Хоразм воҳасига келиб тушган, бувамизни қидириб, Бухородан топган. Пастдарғом, Самарқанд, Мирзачўл, Тошкент – умр йўлидаги бекатлар, манзиллар бўлиб қолган.

...Бувимизнинг ёши саксондан ошганда, Буюк Ипак Йўлидаги мазорларга зиёратга бориб, руҳи поклардан, тупроғим шу ердан олинганми, деб сўраганлар. Ўзига қабристон топиб, жойини белгилаб, тинчгина у дунёга кетишга тайёргарлик кўрган. Ўша вақтда поччамиз Тошкентга келиб, онам ва Роза холамга маъракаларнинг бошида ўғил ёки куёв туришини уқтирган, ҳамма харажатларни ўз зиммасига олишини ҳам айтган, уларнинг розилигини олгач, бувимнинг олдида бориб:

– Ойижон, сиз куёвнинг уйига кўчмайсиз, ўғлингизнинг уйида яшайсиз! – деган. Бундай улуғ сўздан кимнинг кўнгли эримасди? Бувим Тўрткўлга кўчиб кетишга рози бўлганлар.

Тўрткўл атрофидаги қабристонларга зиёратга олиб боргандан кейин бувимиз ажойиб туш кўрибди. Тушида бир нуроний ота бувимга олма бериб: “Йиғлама, бўтам, мақбарам ёнида сенга ажратилган жой бор”, дебди. Эртаси кун поччамиз Абдуллоҳ Норинжоний қабристонига бориб, бувимизнинг истагини айтиб, сағанага жой олиб қўйибди. Бувимиз хурсанд бўлиб: энди кўнглим жойига тушди, дебди.

Бир йили борганимда, бувимнинг кўзини оқ парда қоплаганини кўриб, ваҳимага тушдим. Айвонга чиқиб, додлаб йиғладим. Кейин ўпкамни босиб, уйга кирдим. Бувим ўтирган хонага ўтдим, қучоқлашиб кўришдик. Чой ичганда, бувим тошкентлик болаларини суриштирди. Аста-секин бувимнинг нотаниш қиёфасига кўника бошладим. Бир ҳайратланарли фикрга келдим. Қумушсимон, оқарган сочлари, ажинлари, оқ кўзлари ва оқиш доқа рўмоли билан юнон афсоналаридаги она сиймосини эслатарди.

Охирги марта борганимда, хайрлаша туриб, бувим маъюсина деди:

– Келадир булутлар, келадир, Қибладан эмас, Хивадан... Тупрогим шу ердан олинган экан, қабристонда менга аталган жой ҳам тайёр. Юрагим сезиб турибди, бу сўнги учрашувимиз. Вақти келиб, жуда катта меросга эга бўласан. Мен сендан розиман, болам, бахтли бўл. Бувижоним ҳаж зиёратидан олиб келинган мис қутисидоги кичкина Қуръони каримни қўлимга берди.

ҚАЛБ КЎЗИ

Қалб кўзини кўргиликлар очади. Қирқ ёшимда пайим қирқилди – биринчи йўқотишим – бувижоним бўлди. Ўша йили Москвада ишлаб юрган эдим.

Ўн кунга Тошкентга келиб, бувимнинг қирқини ўтказдик, кейин яна Москвага қайтиб кетдим. Тушкун кайфиятда ўша бевафо ёримнинг уйига йўл олдим. Уни кўриб баттар кўнглим эзилди. Сочлари, соқоли ўсган, семиз бир қоринбой эшикни очди. Фақат кўзларидан танидим уни. Лекин кўз қараши оғир эди. Ўша йиллари Москвада, йўл чеккасида савдо шохобчалари пайдо бўлганди. Рўпарамда шундай дўконнинг эгаси турар эди. "Болам, иймонингни бутун сақла!" деган жонкуяри бўлмагани сабаб, Момо Ҳаво ва Одам Атонинг боласини яна шайтон йўлдан урганди. Ҳамма нарса: муҳаббат, ижод, маънавият – унут эди. "Ўз-ўзини топиш" мақсадида йўлга чиққан йигит, бор бойлигини йўқотганди...

Август охирида онам Москвага келди, Фёдоров клиникасида кўзини даволатдим. Кетар пайтида, онам жиддий оҳангда:

– Уйга қайт, менинг ҳам умрим охирлаб бораётир. Даданг билан мени кўмиб, кейин хоҳлаган жойда яшарсан, – деди.

Кўзда Тошкентга қайтдим ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг таржима бўлимига ишга кирдим.

Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайди, дегандай, кўргиликлар ёпирилиб кела бошлади. Икки йил ўтар-ўтмас ёз бошида дадам юрмай қолди. Дардлари уни илонлардай чирмаб олиб, роса азоб берди. Қирқ кун ажал ва ҳаёт унинг жони учун курашди. Биз онам билан қўлимиздан келган ёрдамни берардик: энг кучли қимматбаҳо дори-дармонларни топиб келардик. Бор пулимиз даволашга кетарди. Лекин дадам шифо топмади: оёғи қорайиб борди. Докторларнинг кесиб ташласак, балки касалнинг олдини олармиз, деган сўзларини эшитиб, дадам бир қарорга келиб бўлганди. Ҳар куни эрталаб, мен ишга кетаётганимда: "Хайр, қизим, мен сендан розиман", деб қўярди. Бир куни қўшнимиз ишхонамга сим қоқиб, тезда уйга келишимни айтди. Етиб борганимда, аёллар кўрққан болалардай бир жойда йиғилишган эди. Лекин ҳеч ким менга бир оғиз сўз айтмади. Эшикни очдим-у, қотиб қолдим. Дадам деворга осиглиқ турар эди. Катта хонамизда онам йиғлаб, терговчиларнинг саволларига жавоб бериб ўтирарди. Кейин қўшнимиз чиқиб, мени квартирасига олиб кирди.

– Менга ҳимоячи керак, – дея онам укамни чақириб олди.

Лекин оиламизга қайтган йигит олдинги Рашид эмасди. Ўн уч йил турмуш қурган, ўн икки яшар боланинг отаси энди ҳар нарсада ўз оиласининг манфаа-

тини кўзлаб турарди. Ўша алоҳида хонамдан мени чиқариб, ўзи жойлашиб олди ва хўжайинлик қила бошлади.

Бир куни кимдир эшикни тақиллатди. Бориб очсам, дадамнинг узоқ қариндоши экан. Эшиқдан мўралаб қаради-ю, мени четга суриб, ойим ўтирган хонага кириб кетди.

– Ҳожар, гўзалим, олтиним... Илтимос, мендан бошқа ҳеч кимга эрга тегма...

Онам жонланди, ўрнидан турди ва андишали ўғил ва қизи, томошабинларга ўхшаб, икки эшик олдида қотиб қолганларини кўрди.

– Намунча шошиласиз? – деб ўзича меҳмонга нозилик билдирди ойим.

– Мен шошилтирмайман. Ўйлаб кўр, – деб меҳмон чиқиб кетди.

Мен ошхонада ивирсиб юрдим. Укам эса онам билан жиддий гаплашиб олди.

– Бирор қарорга келган бўлсангиз, бизга ҳам айтинг.

– Биласанми, ўғлим, ёлғизлик жонимга тегди...

– Демак, биз ҳаммамиз – опам, мен, неварам, келин – ҳисобга кирмаймиз?

– Мен ундай демадим-ку... Ахир, бир умр бева бўлиб ўтиришим керакми? Мен бахтли бўлишни истайман...

– Ҳозир сиз бахтсизмисиз? Мен оиламни қолдириб, хизматингизда юрганим, опам эрга тегмасдан, умрини сизга бағишлаб яшагани сиз учун бир пул экан-да? Биздан кўра, ўша бегона одам сизга афзалми?

– У мени севади!

– Намунча анойи бўлмасангиз... У қоринбойнинг овқатдан бошқа дарди йўқ. Уйига келганда олдин ошхонага қиради, ейдиган нарса топмаса, ўғил, келинларни сўкиб кетади. Яқинлари "Отамиз бирор бир бевани топиб, уйдан чиқиб кетса эди, деб юришибди". Тилаклари амалга ошади, шекилли...

– Мен ҳали розилигимни бермадим-ку! Нега заҳрингни сочасан?

– Менга, олти яшар болага, эрингизни кўрсатиб: "Бу сенинг даданг" дедингиз. Мен ишондим. Дадам боқди-ўстирди, уйимизни мол-мулкка тўлдирди. Оламдан ўтгач, дарров хотинига, уйига хўжайин топилди. Билиб қўйинг, мен бу ерга қадам босмайман. Ҳозир менга ҳамдардлик билдирадилар. Янги даданг қуллуқ бўлсин, десалар, одамларнинг юзига қандай қарайман?

"Она қиролича" хобхонасига кириб кетди. Эрталаб чойга чиқиб:

– Укам мени талаганда, нега ҳимоя қилмадинг? – деб жанжал чиқармоқчи эди, бахтимга укам ошхонага кириб келиб, салом берди.

Пешинга яқин куёвтўра келди.

– Мана, уч ой ҳам ўтиб кетди... – деди ва мақсадга ўтмоқчи бўлди. – Шариатда эса қирқ кун ўтса...

"Она қиролича" мизга бирор қарорга келиш учун вақт керак эди, ўрнидан туриб дераза томон юриди, жаҳл устида пардаларни тортқилади, ботиб бораётган куёшнинг нурлари хонани ёритди. Онаминг руҳи тетикланиб:

– Сиз мулла эмассиз, шариатдан гапирманг. Бизнинг бувамиз муфтий бўлган. Қизларини шу руҳда тарбиялаганки, онамиз ўттиз беш ёшида бева бўлиб қолиб, бошқа эрга тегмаган... – деб жиддий гапирди.

– Энди у бошқа замонлар бўлган...

– Эримнинг танаси совумаган, ҳамдардлик билдириш ўрнига, совчиликка келибсиз. Мулла никоҳимизни икки дунёлик қилиб қўйган, шунинг учун келиб юрманг...

– Унақа деманг, хабарлашиб турайлик...

– Ўлганим ҳақида хабарни эшитарсиз... Ҳозир эса дам олишим керак. Майли, омон бўлинг, – деб, онам хонасига кириб кетди.

Бир неча кундан кейин ўша киши келганда, Рашид эшикни очди.

– Ҳожар синглимни бир кўриб кетай, – деб хонага кирмоқчи бўлди.

– Ахир, уйимиз кўргазма эмас-ку, – деб укам йўлини тўсиб, чиқариб юборди.

Ойимиз фақат дадамнинг жиянлари билан учрашарди, бошқа эркаклардан юз ўгириб ўтирарди.

Дадамнинг пўстини, қишки ботинкаларини кийганда, унинг жунжиккан вужудига жон киргандай бўларди. Ҳар куни мазорга борарди.

– Ўзингизни қийнаманг, сизнинг айбингиз йўқ, – деб тасалли бермоқчи бўлардим.

– Дадангни бир умр камситиб, ҳақорат қилиб юрдим. Қадрдоним, энг азиз дўстим эканлигини айтишни ўзимга эп кўрмадим. Аслида, у менинг тоғим эди. Дадангнинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Менга ҳеч кимнинг кераги ҳам йўқ, – деб йиғларди онам.

Сўнг у қариндошларга бориб, кечиримлар сўраб юрди. Ноил тоғам оғир дардга чалинганди, поччамиз: «Денгизчини ўзимиз оёққа турғизамиз», деб касалхонадан қадрдон ҳовлига олиб келганди ва Роза холам билан биргаликда тоғамга қарадилар. Онам тез-тез бориб, хабар оларди. Бора-бора манманлик, кибр кўнглини тарк эта бошлади. «Она қироличамиз» вазминлик ва мағрурлигини йўқотмасдан, дунёнинг ишларидан этагини силтаб, тахтдан воз кечиб, ором курсида хаёл суриб ўтирарди. Юзи кундан кун ёриша борди...

Онам оғриниб бўлсаям янги йилда Москвага бориб келишимга рухсат бердилар. Укам оиласи билан онамнинг ёнида қолмоқчи бўлди.

Икки ҳафта қандай ўтганини ўзим ҳам билмай қолдим. Лекин онаизорим ўша қисқа муддат ичида кўп савоб ишлар қилишга улгурибди. Эски ҳовлимизга даярли ҳар куни бориб турган. «Ўн кундан кейин келсанг, тайёр бўлади», деб айтганмиш. Онам қариндошлари билан хайрлашиб, розилигини айтиб, уларнинг розилигини олиб, уйга қайтиб кетган, лекин ўғли ва келинига бу ҳақда оғиз ҳам очмаган.

"Онамиз касалхонада!" Вокзалда эшитган биринчи хабарим бўлди.

Уйга бориб, ҳали юкларни олиб киришга улгурмагандик, келинимиз келиб:

– Онамизни табриклашга бордим. Кўриниши яхши эди, кўзлари чақнаб турарди. Мен: "Рашид вокзалга кетди, онамизни олиб келади", деганимда, менга узоқ тикилиб, қараб ётди, кейин кўзи ёшланди, ингради-ю, кўлимда жон берди, – деб йиғлаб юборди.

Мен эса қотиб қолдим, бир нарса хаёлимдан ўтди. Ёшлигида онамнинг ҳужжатлари йўқолган, паспорт олиш учун қоғозларни тўлдирганда, 15 январни туғилган куни деб, ёзган. Аслида, жон берадиган куни белгилаган экан!

"Кўп ётиб қолмайин-да", – деб юрарди онам. Беш кунгина тўшақда ётибди...

Онамнинг ётганига ҳамма лол қотди. Уйқуга кетган гўзал маликанинг ўзгинаси эди! Ажал ҳам аягандай, юзида на изтироб, на дард, фақатгина мени кутиб ётган, соғинч ёшлари киприк остидан сизиб чиқибди...

Ўшанда бир ҳикматни англадим. Онам бу дунёга чин муҳаббатни истаб келган банда экан. Лекин фоний дунёда муҳаббат ҳам ўткинчидир... Онам шуни била туриб, ҳеч кимга дил изҳор ҳам қилмаган, ўша кўнглидаги ҳис-туйғуларни асраб юрган. Мана, кун келиб, ҳаммаларимиз билан хайрлашиб, оқ ҳарир матоларга ўранган, тахти равонга жойлашган Муҳиба... Ҳабиб сари йўл олганди...

Онамнинг қирқини ушатдик. Бир куни кўнглим ғаш бўлиб ҳовлимизга йўл олдим. Холам бағрига босиб, йиғлади:

– Укамни уч кунга касалхонага, ўпкасидан сувни олишга ётқизгандим. Бугун уй иши билан қолиб кетдим, бирдан укамнинг: "Ро-о-за!" деб чақирганини эшитдим. Юрагим шув этиб кетди. Касалхонага борганимда, жон бериб бўлган экан...

Эртаси кун Ноил тоғамизни ҳам ўша қадрдон ҳовлидан чиқардик...

Бир йил ичида учта кафанни тикиб, ич-ичимдан куйиб-ёндим, ўшанда оқ мато менинг учун мотамридо бўлиб қолганди.

Бувим оиласини устундай елкаларида ушлаб турган экан. Беш-олти қадрдоним ўзлари туғилган асрда қолиб кетдилар. Холаларим ва поччаларим учинчи минг йиллик доvonини ошиб ўтишга муваффақ бўлдилар. Рўзмат ака саксон йиллигининг тараддутида юриб, бирдан жон берган, Нурия холамиз ҳам саксонга яқинлашиб, поччамиздан кейин ўтган...

Бувим айтган, жуда катта мерос менга қолди. Уч-тўрт йил давомида йиғлаб-сиқтаб юрдим. Бир куни журъат қилиб, ариза ёздим ва ишдан бўшадим. Ҳамкасбларимга бу ғалати туюлди. Учрашганда бошқа ишларга тавсия қилишди, мен таклифларни рад этиб:

– Таржимонлар кўп. Лекин қадрдонларим ҳақидаги хотираларни мендан бошқа ҳеч ким ёзолмайди, – дедим.

Тақдир тақозоси билан ўзим хотирага айландим...





Дилдора ТУРДИЕВА

ИЗТИРОБ УЛҒАЙТИРГАН АДИБ

Рус адабиётининг улкан намоянда-си Фёдор Достоевский ҳаётининг сўнги дамларидагина машҳурликка эришган бўлса, оламшумул шухратга ўлимидан сўнг эришди.

Тарихий манбаларга кўра, Фёдор Достоевский ота томондан дворянларга мансуб бўлиб, уларнинг мулки бўлмиш Достоево ерлари XVI-XVII асрларда ҳозирги Беларус республикаси ҳудудида жойлашган экан. Бу мулкӣ ерлар 1506 йилда буюк князь Фёдор Ярославич томонидан қилган хизматлари учун Данила Ртишевга тортиқ қилинган. Шундан кейин Ртишев ва унинг авлодлари ўзларини Достоевский деб атай бошлашди.

Ёзувчининг бобоси Андрей Достоевский руҳоний бўлган. Отаси Михаил Достоевский императорлик тиббий-жарроҳлик академиясида таҳсил олган. Онаси Мария Нечаева бадавлат савдогар оиласида туғилган эди. 1812 йилги урушдан сўнг оила мол-мулкнинг катта қисмини йўқотди. Фёдор онасининг меҳрибон ва хокисор эканлигини бот-бот такрорлайди. Фидойи аёл турмуш ўртоғига саккиз фарзанд – тўрт ўғил ва тўрт қизни ҳада этади. Буюк адиб ижодини тадқиқ қилган мутахассислар Достоевский волидаи муҳтарамаси тимсолида кўпгина образлар яратганлигини эътироф этишади.

Фёдор Михайлович Достоевский 1821 йилнинг октябрь ойида Москва шаҳрида таваллуд топди. У серфарзанд оиланинг иккинчи фарзанди эди. 1828 йилда Фёдор наслий дворян мақомини олди. Онаси тақводор аёл эди. У ҳар йили фарзандларини Троица Сергиев лаврига олиб борар, уларга «Кўҳна ва Янги ўғитларнинг бир юзу тўртта муқаддас воқеалари» китобини ўқишни ўргатарди. Кейинчалик ёзувчи «Ака-ука Карамазовлар» романида қария Зосимнинг болалиги ҳикоясида ушбу китоб ҳақида айтиб ўтган. Уларнинг уйларида Карамзин, Державин, Жуковский, Пушкин асарлари кўп мутолаа қилинарди. Достоевский улғайгач, Евангелие муқаддас китобини тили чиқиши билан ёд олганини эслайди. 1832 йилдан бошлаб, Достоевскийлар ёзни Тула губерниясидаги Да-

ровое қишлоғида (отаси бу ерни сотиб олганди) ўтказишарди.

Дастлаб уй шароитида таълим олган Фёдор, 1833 йилда акаси Михаил билан Драшусов пансионидида таҳсил олади. 1837 йилда онаси сил касаллигидан вафот этади. Бу кичик Фёдор учун улкан зарба бўлди. Бу бўшлиқни фақат адабиётга бўлган муҳаббатгина тўлдирди олди. Ака-укалар ўқишни Петербургда давом эттиришди. Фёдор муҳандислар бош билим юртида ўқий бошлади. 1839 йилда оила бошлиғи – Михаил Достоевский ҳам вафот этади.

1844 йилда Достоевский «Бечора одамлар» романи ғоясини ўйлаб қўйди. Унинг ҳамхонаси Григорович қўл-ёзмаларни Некрасовга етказди. Улар кечаси билан ухламай, «Бечора одамлар»ни ўқиб чиқишди. Тонг саҳарлаб Достоевский ҳузурига ошиқишди ва қалбларини чулғаб олган ҳиссиётларни улашишга ҳаракат қилишди.

«Янги Гоголь туғилди!» дея Некрасов қўл-ёзмаларни Белинскийга топширди. У ҳам ўз навбатида «Ушбу роман рус ҳаётининг шу пайтгача ҳеч кимнинг ҳатто тушига кирмаган сир-асрорлари, феъл-атвори ва табиатини очиб берди», дея асарни юқори баҳолади.

1846 йилда Достоевский ака-ука Бекетовлар тўғарагига қатнай бошлади. Бу ерда нафақат адабиётга доир, балки сиёсий масалалар ҳам муҳокама қилинарди. Бундай йиғинларга 1849 йил 23 апрель куни барҳам берилди. Ҳибсга олинганлар орасида Достоевский ҳам бор эди. Маҳбуслар Петропавловск қалъасига зиндонбанд қилинди. Дастлаб ўлимга маҳкум этилган Достоевскийнинг жазоси 4 йиллик сургун билан алмаштирилди. У дворянлик мақоми ва бор-будидан айрилди. Сургунда ашаддий каллақесар жиноятчилар курсовида бўлган ёзувчи ўша пайтдаги руҳиятини қуйидагича тасвирлайди: «Сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, чеки йўқ азобли кунлар...Ҳар бир дақиқа гўё асрга татирди...Руҳий изтироблар, ёлғизлик, соғинч, «ўз устимдан суд қилиш», «ўтган ҳаётимни таҳлил қилиш», тушкунлик ва ишончгача бўлган ҳиссиётларнинг мураккаб уйғунлашуви мени



буюк тақдир соҳибига айлантирди...» Кейинчалик бундай «руҳий ҳолат» тажрибаси Достоевскийнинг «Ҳалокат уйдан ёзишмалар» (1860-1862) романининг биографик асоси бўлди.

1854 йилда Достоевский аскар, 1855 йилда унтер-офицер, 1856 йилда прапоршик унвонларини олади. 1857 йилда у дворянлик мақомини тиклайди ва асарларини нашр эттириш ҳуқуқини олади. Сургунда бўлган Достоевский Қуръони каримни ўқийди, буюк файласуфлар И.Кант, Гегель асарлари билан танишади, физика, физиология фанларини, немис тилини мукаммал ўрганади. Фёдор Михайлович учун маҳаллий аҳолининг эшиклари доим очик эди. У ҳатто, ҳарбий губернатор уйининг азиз меҳмони бўлади. Жуда кўп дўст-биродарлар орттиради. Улар орасида божхона мансабдори Александр Исаев ҳам бор эди. У виждонли, олийжаноб бўлишига қарамай, ичкиликка муккасидан кетганди. Унинг рафиқаси хушрўй ва ақлли Мария тез орада Достоевскийнинг дўстига айланади. Айтишларича, Мариянинг Достоевскийга бўлган дўстона муносабатини ёзувчи нотўғри тушунади ва унга ошиқу бекаро бўлади. Бу севги унга фақат азоб келтиради. Исаевлар Кузнецкка кўчиб ўтади. Ишқ азоби энди фақат мисраларга жо бўлади. 1855 йилда Исаев вафот этади. Энди севгимга эришдим деганда Мариянинг уезд ўқитувчиси Вергунов билан қизиқиб қолганлиги маълум бўлади. Севгиси учун курашган Достоевский жуда кўп қийинчилик ва оғир руҳий кечинмаларни бошидан кечиради.

1856 йилда Достоевский дўстлари ёрдамида (улар шахсан император Александр IIга мурожаат қилишади) прапоршик унвонини олади. Тўлиқ эркинликка эришган прапоршик Достоевский Кузнецк шаҳрига бориб, севгисининг қўлини сўрайди. 1857 йилда уларнинг тўйлари бўлади. Худди шу йили у дворянлик мақомини тиклайди ва асарларини нашр эттириш ҳуқуқини олади. Уларнинг турмушини бахтли деб бўлмасди. Чунки Кузнецкдан Семипалатинскка қайтаётганда, Мария эрининг тутқаноқ тутишига гувоҳ бўлади (Достоевский ёшлигидан бу касалликка чалинганди, лекин вақт ўтиши билан бундай «хуржлар» даҳшатли эпиплексияга айлана борди). Бундай манзарадан даҳшатга тушган Мария шу-шу турмуш ўртоғига нисбатан ҳеч қанақа ҳисларни туймайди. Рафиқасининг ўлимидан кейин Достоевский Врангелга ёзади: «Оҳ, менинг дўстим, у мени бениҳоя севарди. Мен ҳам уни чексиз севардим, бироқ биз бахтли бўлолмадик...»

1859 йилда Фёдор Достоевский касаллиги туфайли истеъфога чиқади. Ўша йил охирида Петербургга кўчиб ўтади ва акаси Михаил билан бирга «Время», кейинчалик «Эпоха» журналларини нашр эттиради. Бу пайтда у муҳаррирлик ишини ижодий фаолияти билан уйғунликда олиб боради: публицистик, адабий-танқидий мақолалар, мунозарали қайдлар, бадиий асарлар ёзади. «Время» журналининг мавқеини кўтариш мақсадида Достоевский ўзининг «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романини чоп этади. Асарнинг биргина номи XIX аср танқидчилари томонидан ёзувчи ижодининг ёрқин тимсоли ва ҳатто, рус адабиётининг ҳақиқий инсонийлик шавқи рамзига айланди.

1864 йил Достоевский учун бирин-кетин оғир зарбаларни ҳозирлаб қўйганди. Баҳорда суюкли аёли сил касаллигидан вафот этади, ёзда эса суянган тоғи – акаси Михаил ҳам дунёдан кўз юмади. «Мана, бу дунёда мен ҳам ёлғиз қолдим. Негадир, кўрқиб кетаяпман... Севган инсонларимнинг ўрнини ҳеч ким боса олмаслигини энди

англаяпман. Бу дунёда фақатгина уларни яхши кўрган эканман... Чор атрофим совуқ ва қоронғу...» деб ёзганди у кундаликларида. Руҳиятини синдирган айрилик дамларида унинг ҳаётига Апполона Суслова кириб келади. Апполона билан Европага йўл олган ёзувчи Баден-Баден қиморхоналарининг доимий мижозига айланади. Бундай айш-ишратли ҳаёт «Қиморбоз» романининг яратилишига тўртки бўлади. Бу орада унинг журналлари ҳам инкирозга учради. Акасининг оиласи хонавайрон бўлмаслиги учун у нашрларининг векселларини сотади. Ўшанда молиявий ишларни яхши тушунмайдиган Достоевский орқасидан айрим кимсалар бойлик орттиришди. Бор-будидан айрилиб, қарзларга ботган Достоевский қамоққа тушмаслик учун ношир Стелловскийга асарларини нашр этиш ҳуқуқини сотишга мажбур бўлади. 1866 йилнинг 1 ноябригача янги роман ёзиш мажбуриятини олади. Достоевский кредиторлар, полициядан узоқроқ бўлиш мақсадида чет элга кетади. У бу ерда тинч ва сокин муҳитда романини ёзишга киришади. Бироқ қиморга бўлган улкан иштиёқ уни яна ўша жойларга бошлайди. Висбаденда беш кун ичида у ҳамма нарсасини, ҳатто, қўл соатини ҳам ютқазади. Ана шундай шароитда Достоевскийнинг буюк асари - «Жиноят ва жазо» яратилади. Романнинг биринчи қисми 1866 йил «Русский вестник» журналида чоп этилади. Асарга юқори баҳо берилди. Ҳатто, Достоевскийнинг душманлари ҳам «Жиноят ва жазо» рус адабиётининг буюк асарларидан бири эканлигини эътироф этишди. Белгиланган муддатга бир ой қолганда ёзувчи «Жиноят ва жазо»ни тўхтатиб туришга ва «Қиморбоз» романини ёзишга мажбур бўлади. Китобни тезроқ ёзиш мақсадида Фёдор Михайлович стенография бўйича таниқли ўқитувчи Ольхендан унга стенографисткачи топиб беришни илтимос қилади. Ольхен энг яхши талабаларидан бири бўлган, 20 яшар Анна Сниткинани унга ёрдамчи қилиб юборади. Улар биргаликда асарни 26 кунда ёзиб тугатишга муваффақ бўлишади. Бу вақт оралиғида Аннушка (Фёдор Михайлович қизини шундай деб эрқаларди) адиб учун энг қадрли инсонга айланиб улгурганди. Энди Достоевский Аннага жавоб бериши керак эди. Аммо... Достоевский қалбини нурларга тўлдирган қиздан айрилишни истамасди. Шунда у қалби гулдек беғубор Аннани севиб қолганлигини англайди, бироқ рад этилишидан кўрқиб, у билан бирга ўтказаётган вақтни иложига борица узайтиришга ҳаракат қилади. Ана шундай кунларнинг бирида Фёдор Михайлович Аннага, ёшгина қизни севиб қолган қари расом ҳақидаги воқеани айтиб беради. Ҳикояси сўнггида, «Агарда ўша қизнинг ўрнида сиз бўлганингизда қандай йўл тутардингиз? Унинг севгисига жавоб берармидингиз?» деб унга мурожаат қилади. Зийрак Анна адибнинг юз ифодасидан гап нима ҳақида кетаётганлигини дарров тушунади. Бу воқеанинг ҳақиқий қаҳрамонлари ким эканлигини ҳам билади. У шундай деб жавоб беради: «Мен...мен ҳам унга севишимни айтардим...Бир умр унинг ёнида қолишга рози бўлардим...» 1867 йилнинг февралида улар никоҳдан ўтишади.

Аммо Достоевский рафиқасини ҳар қанча севмасин, Аннанинг ҳаёти нохушликлардан бошланади. Гап моддий етишмовчиликда эмасди. Эрининг қариндошлари Аннага ёмон муносабатда бўлишди. Айниқса, Фёдор Михайловичнинг ўғай ўғли (Мариянинг биринчи турмушидан фарзанди) Пётр Исаев Аннани ўзига рақиб деб билди. Ҳеч қаерда ишламайдиган, ўғай отасининг ҳисобига яшайдиган Пётр, гўёки туғилажак

ука-сингиллари уни меросдан махрум қилаётгандек, Аннани қандай қилиб бўлмасин, бу уйдан сиқиб чиқаришга уринарди. Келинойиси ҳам турли баҳоналар билан Аннанинг ҳаётини дўзахга айлантирди. Бошқа бундай яшаб бўлмаслигини англаган Анна оиласини сақлаб қолиш мақсадида турмуш ўртоғини чет элга кўчиб кетишга кўндиради.

Шундан кейин улар бегона юртларда сарсон-саргардонликда умр кечиради. Тўрт йил давом этган бундай ҳаёт қайтанга уларнинг никоҳини янада мустаҳкамлади. Германияда Достоевский яна қимор ўйинларига ўралашиб қолади. У яна ҳамма нарчасини қиморга тикади. Уйга ҳеч нарчасиз келган эрини Анна яна кечиради. У билади: суюклиси қимор гирдобидан чиқа олмайганини тушунади. Достоевский бошқа ўйнамасликка сўз беради. Баден-Баденга кўчиб кетишади. Яна қимор. Ҳаммаси бошидан бошланади. Фақат бу сафар ютқазадиган пулнинг ўзи йўқ эди. Ҳали ёзилмаган асари учун ношир Катковдан 500 рубль миқдоридан аванс олади. Бу пулни ҳам бир кунда ютқазди. Энди нима қилиш керак? Рафиқасига совға қилган зирак ва никоҳ узугини пуллайди.

Женевага кўчиб ўтишгач, Достоевский «Телба» асарини ёза бошлайди. Танқидчилар Достоевский

асарларини тугалланмаганликда айблашади. Сюжетлар тизгини шунчалик тикилинч эдики, улар асар ўртасига бориб деярли унутилиб кетарди. Гап шундаки, Достоевский бадавлат Тургенев ва Толстойдан фарқли ўлароқ, нашриётларга асарларининг хомаки нусхасини беришга мажбур эди. Чунки у ана шу қўлёзмаларга тўланадиган аванслар ҳисобига яшарди. Ноширлар кўйган муддатда тугатиш учун у яшин тезлигида ишлашга мажбур эди. Уч ойлик қизалоғи – Сонянинг ўлими ёзувчига қаттиқ таъсир қилди. Тушкун ҳолатдан уни фақат иш чалғита оларди. Мана шундай шароитда танбеҳ-асар деб ном олган «Шайтонлар» асари яратилади. «Телба» ва «Шайтонлар» ёзувчининг ватанида катта шов-шувларга сабаб бўлади. Унга навбатдаги машҳурликни олиб келади.

1871 йилда Петербургда қайтган Достоевскийнинг ҳаёти изига тушади. У «Ёзувчининг кундалиги» асари устида ишлайди, машҳур романи «Ака-ука Карамазовлар»ни ёзади. Бирин-кетин фарзандлари туғилади. Уни бир умр севган, тушунган аёли – Анна доимо ёнида эди. Ёзувчининг бахтли онлари шу эди аслида...



Дилафрўз ШУХРАТОВА,
Жомбой туманидаги 19-умумий таълим мактабининг ўқувчиси.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Кўнглимга берди ҳаёт

АДАБИЁТ

*Меҳр қўйдим мен унга,
Кўнглимга берди ҳаёт.
Самоларга йўл очар –
Тафаккур – адабиёт.*

*Дунё эшигин очар,
Кўнгилдаги камалак.
Ҳаёт дарсин ўқиш-чун,
Уни ўрганмоқ керак.*

*Унга талпиниб доим,
Сўздан дурлар тузаман.*



*Шу дурлар қанотида,
Дунёларни кезаман.*

ТИЛАК

*Дадам дерлар: “Сен қизим,
Осмонимда юлдузим.
Ҳаётимнинг давоми,
Сен қуёшим, кундузим.*

*Қизим, мудом аҳдли бўл,
Маликадай тахтли бўл.
Эзгулик бўлсин ҳамроҳ,
Бир умрга бахтли бўл”.*



Муҳаммад ОЧИЛ



БЎРИ ҲАҚИДА БАЛЛАДА ЁХУД ЛОБОНИНГ МУҲАББАТИ (Э.Сетон-Томпсонни ўқиб)



*Севгининг тилсими кўп, сири кўп...
Қўшиқдан*

...Лобо – куч-қудратда тенгсиз эди тенг тўшлар аро. Куррумпо водийсида саналарди бўриларнинг сардори сара. Тун маҳали ув тортганда таҳликага тушар эди бутун борлиқ – чорва аҳли, сигир-бузоқ, эчки-улоқ... ҳатто, жимиб қолар эди ҳар қандайин бўрибосар ит. Эҳтиёт шарт, шақилдоқлар чалинарди, ўқлар узи-ларди қорамтир осмонга бесамар. Тонг ёришгач, сўнг маълум бўларди, сурувда содир этилганин даҳшатли кирғин-у, ортда қолган қонли излар гувоҳин.

“Бўри деган – бефаросат, доимо оч, еб кетаверар дуч келганин, ўлимтик, ҳаром қотган ҳар қандай ҳайвон сўнгагин – лошин!” Бу ақида асло тўғри келмас, Лобо ва босқинчи галасин феъл-атвориға. Қўйиб беришса улар майлиға. Ҳазар қилишарди, чўпон ёки овчи сўйган ва қопқон учун қўйилган – инсон ҳиди келиб турган ҳар қандайин молнинг тўшидан. Ҳатто, таъблар тортмасди, жирканишиб қари хўкиз ёки касалга чалинган сигир гўштидан.

Хуллас, нафсларин тийишарди, ҳар қандайин “хушхўр” таомдан. Фақатгина ейишарди, ов маҳали ўзлари тутган, сўнг тилка-пора қилинган, соғлом ва бақувват бузоқнинг ҳали қайноқ, қони силқиб турган жойидан...

Ушоқ молни-ку овлашмасди орият учун. Аммо, баъзан бўғизлашарди хуркак ва овсар қўйларнинг би-ра тўла эллик-юзин, шунчаки эрмакка, тишларин ўт-кирлаб, қайроққа ишқаб турмоқ учун.

Сара сардор саналса-да, кўп маҳлуқни эргашти-риб юрмасди, ортидан Лобо. Тўдада бўларди, бор-йўғи – беш-олти бўри. Бироқ, сардор синовидан ўтган, ҳаммаси ҳайвоннинг зўри.

Йўл бошларди доимо олдинда Лобо. Ортидан эргашарди қолган маҳлуқот. Бундай кезде, тўдада бор эди муайян азалий одат. Ўлжа ҳидин туйиб ёхуд шошқалоқликда – Лободан бир қадам олдинга ўтса, бирор-бир шерик, яъниким аъзо. Дарҳол унга тайин бўлар эди, албат, муносиб жазо. Жароҳат топарди бояқишнинг бадани, мисоли арининг наштар нишидан, сардорнинг олмос янглиғ кескир тишидан.

Ғазаби тош, қаҳри қаттиқ эди Лобонинг. Тўдада қоида, интизом – барча бўри учун эди, бирдек баро-бар. Шу боисдан Лобога шерик тутинмоқлик, саналарди кўп душвор.



Бардош бархам топди. Пичоқ бориб етди суякка. Келган эди элнинг қаҳри. Шу боис Лобо ва унинг талончи тўдасин маҳв этишга чоғланди бутун Куррумпо аҳли.

Бўри изи муҳрланган сўқмоқларга ташланди оғули хўрак – қонли дастурхон. Ҳар қадамга кўйилди қопқон – пистирма пинҳон.

Овчилар-чи?! Эргаштириб този итларин, кўтаришиб зўр шовқин-сурон. Қўлларида қурол-яроғ, аслаҳасопқон. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Гўёки энди қочиб қутулолмас, улардан ҳаттоки – сичқон!

Лобо эса қаттол ва анчайин қув. Айёрликда ҳаттоки, ажалдан абжир. Сезгирлик бобида ип эшолмас унинг тулки муғомбир. Ҳайвонмас, мисоли онгли махлуқот. Қисмат билан баҳс бойлашмоқ, гўё бағишларди лаззат, фароғат. Шошмасди, ҳар қадамни ўйлаб босарди, қилганча сабр. Инсон ҳийласига қарши ишлатиб тадбир: ...Заҳарли хўракни ҳидлаб, сўнг бир четидан авайлаб тишлаб, катта йўл устига кўярди уюб. Мазах қилгандай сўнг “Овчи таоми”нинг устига кетарди сийиб...

Айёр эди Лобо... Эҳ-ҳ, кераклича қув! Шу боис эди бўрига бегона кўрқув. Кўрқув эса туғдирарди қалбда сирли мавҳумот. Афсонага айланганди аллақачон Лобонинг номи. Бу махлуқ гўё – гуноҳлар учун юборилган, тақдир “инъоми”!

Айни пайтда, кундан-кунга борарди ошиб, Лобо боши учун тикилган хун – мукофот пули...

Мерганликда моҳир эди техаслик овчи Теннерей. Сон-саноғи йўқ эди отган ҳайвон-паррандасин... Эҳ-ҳей! Бехато урарди кўкда чарх урган сорнинг кўзидан. Ваҳшат силқиб турарди кўз қарашидан, қаҳру қурум босган юзидан. Шундай сайёд эди Теннерей. Аммо, шафқат анқо эди унинг қалбида. Овчилик қиларди завқ-шавқ учун эмас, билъакс фақат бойлик вазидан. “Катта мукофот” сасин туйгач, бормоқ бўлди шу сабаб ўлжа изидан. Амин эди: бу гал ҳам омад унга ёр, борар йўли силлик ва равон.

Ана... Қурол-аслаҳа осган, беш бўрибосар измида, отин бошин бурди овчи Теннерей Техасдан узок Куррумпо водийси томон.

Яна ҳамма хурсанд, хуррам, яна ҳамма шод. Чунки, келмоқда, кимсан – Теннерей! Ахир, унга тенг келиб бўлмас. Қани энди Лобо?! Ўша кўлга тушмас – кўзга кўринмас?!

Бояқиш бўри! Куррумпо водийсида эди ҳайвоннинг зўри. Наҳот энди Лобо... Жасади устида янграр сўнгги сўз – “Алвидо”! Ҳа, Теннерейга ахир тенг келиб бўлмас. Афсунгар бўрини маҳв этиш, эҳтимол бошқанинг қўлидан келмас?! Фурсат етган кўринадиди бешак, беомон. Лобо энди қолмайди омон. Бош териси осилади эгар қошига. Қарға-кузғун тўяр бўлди бўри лошига...

...Саҳро тонги. Чор тарафдан таралмоқда гўё издиҳом бонги. Қонталаш қараш-ла қуёш, ётоғидан

оҳиста кўтаради бош. Таннерей кетмоқда мағрур ва шодон. Нияти Лобо аталмиш махлуққа бермаслик омон. Саркаш саман сўлиқ чайнар. Олдда эса йўл бошлар беш бўрибосар. Баҳайбатликда ҳар бири айиқ мисоли. Номига монанд махлуқот учун гўё ажал тимсоли.

Саман ҳамон сўлиқ чайнар. Сайёд вужудида эса куч-ғайрат қайнар. Ортада қолар жарлик, қизғалдоқли қиру адир, сув тўла сойлик. Овчининг хаёлида ғужғон ўйнар, кўкдан тушиб келаётган беҳисоб бойлик.

Ана итлар вовиллашди, излар олинди. Бу яхшилик дебочаси саналади, одатда овда.

Теннерей-чи?! Ўлжа яқин қолганин ҳис қилиб туйди. Милтиғин меҳрла силаб, сўнг тепкисин кўтариб кўйди.

Лобо эса... У ҳам ахир, анойи эмас. “Қув, айёр...” номини бежиз олганмас. Хавфни сезиб, оҳиста ўр-нидан турди. Ҳавода ҳид олгач, бошини маъноли бурди. Қолганлар кутиб турди сардор “имосин”. Барбод этиш учун тезда овчи ва итлар яғмосин. Итоат этишиб Лобо “сўзига”. Дастлаб, бирров кўринишди итлар кўзига. Беш томонга тарқаб кетди сўнг бешовлон бўри. Сардор каби бари макқор – ҳайвоннинг зўри.

Кутилгандек ҳийла берди иш. Шу сабаб овчи ва итларга келди кўп ташвиш. Беш бўрибосар, оқибат не бўлишин билмай, бўрилар изидан кетди, ҳовлиққанча саросар.

Лобо қолди ёлғиз, фақат Теннерейнинг яккаш ўзига. Бундайин толедан кўнгли бўлиб шод. Ҳеч нарса кўринмай кўзига. Овчи от жоловин кўйганча озод. Тирик тутмоқ илинжида кўлига лассо (сиртмоғин) олди. Юраги ҳаприққанча гоҳ югуриб, гоҳ эмаклаб кетаётган Лобо изидан от солди.

Лобо... Айёрлик бобида сенга таҳсин, сенга шон! Қаранг, қанчалик уринмасин овчига бўлмас ҳеч нишон.

Қолган бўрилар-чи? Қандай тарқалишган бўлса, шундай қайта қовушиб. Гўё, Лобо “чизиб берган чизикда” атай топишиб... Итларни ёлғизлатиб бир-биридан. Ҳажиб ташлашди сўнг, гўштарини ажратишиб теридан...

Оқшом чўқди. Қоронғилик чор атрофга ғуборин тўқди. Бесамар тугади, ниҳоят шикор. Теннерейга ўшал кун дунё келди тор. Лобони қувлаб, от қўйиб ҳар ён. Бўлди кўп ёмон. Зўриқишдан толиқиб, тил тортмай саркаш саман берди жон.

Толеи бор экан, қуроли кўлда. Акс ҳолда, ўзин ҳам жасади қоларди ўшал тунда – кимсасиз чўлда.

Ибтидоси бўлган каби, бўлар ҳар қисматнинг интиҳоси ҳам. Алалхусус, тез фурсатда қиссамиз ҳам топади барҳам...

Лобо! Бўйсунмас бўри. Нега бугун бошинг эгик? Наҳот, дунё сенга келди тор? Нега ойга боқиб “ув-в” тортасан, олмайин ҳеч тин. Қайда қолди мағрурлигинг, бугун нега кўшигинг бунчалар маҳзун?!

Шундай... Сиру синоатни ошкор этсак, энди яширмай. Ёши бир жойга етганда Лобо. Ажабо! Муҳаббатга бўлганди асир. Кексарган қалб кўзин севги қилганди басир.

Оқсийна... Маҳбубаси, муҳаббати эди ана шу ёш, дуркун, урғочи бўри. Бўрики, бўрилар ичида танҳо бўриваш. Ҳайвонлар ичида бўлиб зўр талаш. Қонли муҳораба, бўғиш-бўғизлашлар тез топиб якун. Барча бўрилардан алҳол Лобо келганди устун. Омад кулиб боққан эди яна сардорга. Кексайган бўлса-да, муҳаббатга ташна, ғайрати зўр ҳаддорга.

Бошин эди Оқсийна, ғолиб чиққач Лобо “севги жанги”да. Илтифот ўрнида сўнг, макрла кўз-кўз қилди қадди-қоматин. Тана туси товланарди кулранг бахмал рангида. Фақат сийнасида маржон янглиғ – оқ мўйна. Овоз майин, киприк узун, кўзлар сузук... Шундай мохитобон махлуқ эди Оқсийна!

Ҳа, гўзал эди Оқсийна... Бу борада барча таъриф, барча мақтов унга мос. Бироқ, афсус... Феъл-атвор ҳам айнан, аксар гўзалларга хос: ўйинқароқ, тантиқ эди ва бир оз эрқароқ. Азалдан маълум, бундаин феъл-атвор, маҳбубга келтирар ҳали кўп фиरोқ.

Ана, тўда овга отланди. Ошиқиб, шошиб, бош бўлиб бормоқда Лобо... Узр, бу гал тескари томонга эсибди сабо. Энг олдда, ўйноқлаб бормоқда эди Оқсийна! Ажабо! “Бўйсунмас”нинг нега йўли тўсилмас?! Қаерда қолди, қаҳри қаттиқ йўлбошчи Лобо?! Нечун унга қилинмас панд-насихат ва аччиқ гина?!

Тўғри, Лобо бошлиқ. Айни пайтда қудратли ва даҳшатли махлуқ. Бироқ, бу ўринда айтиш, балки, ножоиз. Яширмоқ не ҳожат. Севги сарҳадида сардор қолганди ожиз.

Ҳар гал жазм этар Лобо бўривашин жазоламоққа. Аммо, алҳол, бу не ҳол! Ишва-ю ғамза, шўх ва шодон нигоҳ қаршисида яккаш ўзин солар эди қийноққа...

Лобо – жунунсифат, айрилиб ақл, идрок ва эсдан. Севги устун келди ғурур, орият ва номусдан. Оқибат бузилди тўдада тартиб-интизом. Барҳам топди “сардорлик”, азалий низом.

* * *

Кўза кунда эмас, синар экан кунда. Ахир, овчи деган пайт пойлайди, бу пайтда, қасос олмоқ хунида.

Мана улар, тўр ўрнида ёйиб маккорликнинг матосин. Кутишмоқда пистирмада – Оқсийнанинг бебошлигин ва галдаги хатосин.

Рутубатли эди ўшал тун. Бирдан қора булут босди, қоплади қурум ва тутун. Оқсийна ва Лобо... бўлиб ҳамма ёғи шилта, шалаббо... Писанд этмас зулумотни. Ўйнашарди, қувлашарди, бири-бирин суйиб, эрқалаб.

Эҳтиёт нелигин, одамзот кимлигин – унутди улар. Турган гап, бундай кез – қора қисмат устингдан кулар. Ана... Севгидан маст, масрур, девона. Оқ мўйнаси сийнасида ярашиқли Оқсийна... Сўнги бор шамолдек ол-

динга учди. Оҳ, бу не ситам, бу не кўргулик?! Огоҳ этиб улгурмасдан Лобо. Бўриваш ноҳос, “темир тузоқ”қа тушди.

Ҳайқириқ ўрлади, янгради ҳавога беҳисоб кўп ўқ. Гўё, қилингандек пўписа, қилингандек дўқ. Олатасир бўлиб кетди ҳар томон. Ана, бу ёққа югургилаб келишмоқда, чўпон-чўлик, қуролланган овчи, барча – оломон.

Қочиб қолди кўрқиб, фурсатида бўрилар. Бундай кезде, “тўрт оёқли” жонзот қўлидан ахир, не келар?!

Фақат Лобо... Айлаб жон фидо. Маҳбубаси учун, ҳатто, банди бўлмоққа тайёр. Кўз ўнгида фарёд солар Оқсийна... Оҳ! Оҳ-ноласи юракка санчади ханжар.

Лобо... Қайдан келди сенга бундай куч-қудрат? Наҳот, севгида бор шундай сиру синоат?! Ўкириги бузиб, жумла-жаҳонни. Парчалаб ташлади бўривашин банд айлаган темир қопқонни.

Сукутда қотди, бир зум барча чўпон-чўлик, аҳли овчилар. Бунақасин ҳали ҳеч ким кўрмаган, бунақа жасорат камдан-кам бўлар.

Бироқ, ҳозир “сукут сақланса”, сўнг бўлмасмикин кеч? Қирилган қўра, бўғизланган буқа, сигир-бузоқ, кўй-эчкининг... хунини ким тўлар?!

...Ҳавода жаранглади қаҳри – қаттол ўқ. Нишон бироқ, янглиш бўлди, Лобого эмас, шундоқ ҳам яраланган Оқсийна “мўйнаси”га бориб санчилганди ёниб турган чўғ.

Лобо титраб кетди. Сийнасида силқиб сизганича қон. Бағрида сўнги бор тантиқланиб, сўнги бор кўз сузиб...Оқсийнаси берган эди жон!

Сукутда қолган эди саҳро, чўлу қир. Тонг ёришиб, тўхтаганди ёғишдан ёмғир.

Лобо... Ажаб ҳол?! Қутуриб, ташланмоқ ўрнига, бўлиб бемажол. Бўйсунгандек тақдир хоҳиш-ройига. Видолашмоқ истагида, оҳиста чўқди. Оқсийнасин пойига...

Овчилар-чи, ҳалқа мисол қуршаб олишди. Қўрқув, ҳадик тарк этмаган эди ҳамон улар жисмини. Сўнг эҳтиёт шарт – сиртмоқ солишиб, судраб кетишди, Лобонинг жонсиз танасин...

Ҳамма хурсанд эди, кулишиб, яйрашиб шодон. Ахир, энди кўрқув йўқ, осойишта саҳро, дала-дашт, ёбон. Аммо, ҳеч ким ўйламасди: куч-қудратда тенгсиз, бўйсунмас бўри, тенгсиз “қаҳрамон”. Сўнги йўлга нега бундай отланди осон?!

Жавоб эса жуда жўн ва қилсак баён: севгисидан, ўз жуфтидан ажраганда, ҳар қандай мавжудот, нафақат инсон, аввал кучдан кетиб, сўнг юраги ёрилиб берар экан жон!

Ҳа, севгида бордир ажиб сиру синоат. Ибрат бўлсин бу борада сизга ушбу ривоят.





Сарвинозхон МАМАТОВА,
Ангрен шаҳар 18-мактаб ўқувчиси

Нилуфар СУРХОНОВА,
Ҳамза туманидаги 69-мактаб ўқувчиси

ВАТАН

Тонг отар, бошимга ёғилар юлдуз,
Дилимга ифорин сочади ялпиз.
Қувончлар кўзимда ёради илдиз,
Ватан, шод дамларим ўтмайди сенсиз.

Ҳатто қуш инидан бўлмасин жудо,
Юртим, хизматингда бўлиш муддао,
Жаннатни шу юртда яратди Худо,
Бағринга лайлақлар қайтмайди бежиз.

Кўзим ойнасида мўъжиза сийрат,
Руҳимда чақиндек чақнаган ҳайрат.
Қалбимда сен учун жасорат, гайрат,
Ватан, оппоқ тонглар отмайди сенсиз.

ҚИЗГАЛДОҒИМ

Қирми уйинг, қизгалдоғим,
Қирдан пастга тушолмайсан.
Севармидинг тоғу тошни,
Ўзга дилни хушлолмайсан?

Уч-тўрт кунми умринг сенинг,
Нега кўпроқ яшолмайсан?
Синглим бўл, деб қўлим чўзсам,
Қўлларимдан ушлолмайсан?

“Ҳар баҳорда тўрт кунлик бахт,
Етар, ортиқ яшолмайман.
Вақт беаёв, нима қилай,
Қўлларингдан ушлолмайман”.

ЎЗБЕКИСТОН

Меҳрим таърифиди тополмайман сўз,
Ватаним, азизсан менга онамдек.
Жамолинга боқса, яшнаб кетар кўз,
Бағрингда ўсяпман гул-у лоладек.

Ҳовуч тупрогинг ҳам азиздир менга,
Ҳар бир япрогингни кўзга суртаман.
Умримнинг ҳар дами танишидир сенга,
Мадҳинг шеърга солиб, қуйлаб ўтаман.

Оламга таралмиш неча асрлар,
Буюк фарзандларинг шарафи-шони.
Париж ҳайкал қўйиб Амир Темурга,
Ҳануз лол этмоқда бутун дунёни.

Серҳосил далалар, сахий дарёлар,
Ширин меваларга тўла боғларинг.
Боболар шонини эслатган каби
Виқор тўкиб турар юксак тоғларинг.

Бахт яйраб яшайди сенинг бағрингда,
Бахтиёр ўлкасан – йўқ бунда кўз ёш.
Шунинг учун сени севиб, ардоқлаб,
Тўрт фасл бошингдан кетмайди Қуёш!

БОЛАЛИГИМ

Болалигим, подшолигим,
Эртақларга ошнолигим.
Қайларгадир шошиб борар,
Туну кунни ошиб борар.

Айтинг, бунча шошмоқ нечун?
Ирмоқлардек тошмоқ нечун?
Олислардан келар бир сас:
Ҳаёт карвони тўхтамас!



Эд МАКБЕЙН



НОҲАҚ АЙБЛОВ

Ҳикоя

Қизни қандай топишганини кейинроқ билдим.

Бу малласоч қиз эндигина ўн саккизга кирган эди. Унинг баданида зўравонлик излари бўлиб, кўйлаги йиртилган, юзида эса беҳуда қаршилиқдан кейинги даҳшат қотиб қолган, кафтлари худди ниманидир чангаллаб олганга ўхшарди.

Жасадни топган полициячилар тор кўчанинг бурчагида туришар, қўлчиноқларидан тушаётган нурлар қизнинг томоғидаги кўкариб кетган излар ва кўзларида қотиб қолган даҳшат ифодасини ёритарди.

Полициячилардан бири бошини чайқади.

– Эҳ, бу ёшлар!

Иккинчиси эса сўкинди ва шерифга жасад топилгани ҳақида ратсия орқали хабар берди.

Бу маълумотларни мен кейинроқ, ҳисобот тайёрлаётганимда билдим. Дастлаб Марсия менга қўнғироқ қилганида унинг овозида ваҳима оҳангини сездим. Эсимда, телефон жириглаганида Энн биқинимга туртди.

– Азизим, гўшакни олгин.

Мен каравотдан тушиб, чироқни ёқдим. Соат тунги икки яримни кўрсатиб турарди.

– Жин урсин!

– Ҳечқиси йўқ, – деди Энн.

Мен ярим кечаси қўнғироқ қилиб одамнинг асабини бузадиганларни минғирлаб сўкканимча қизим Бетнинг хонаси ёнидан ўтдим. Зина бўйлаб пастга тушарканман, телефон ҳали ҳам жириглашдан тўхтамасди.

– Алло!

– Дейв? – деди аёл киши.

– Ҳа. – Ким бу?

– Марсия. Дейв, Харли қийин аҳволда.

Мен ҳали ҳам уйқусирардим.

– Ким?

– Харли, эрим, – деди аёл. – Полиция... энагамиз...

– Тўхта, Марсия. Қанақа аҳволда?

– Уларнинг айтишича... Харли энагамизни ўлдирганмиш... Дейв...

– Нима?!

– Ҳа, Дейв. Уни олиб кетишди. У сенга қўнғироқ қилишимни сўради. У...

– Қаерга олиб кетишди?

– Шерифнинг бошқармасига, Дейв. Жинни бўлиб қоламан! У... у бундай қила олмайди, Дейв! Биласан-ку! У...

– Албатта биламан. – Энди бутунлай ўзимга келгандим. – Ҳозироқ ўша ерга жўнайман, Марсия. Хавотирланма. Кийинаман-у жўнайман.

– Раҳмат, Дейв. Раҳмат.

– Шошилишим керак. Сенга кейинроқ қўнғироқ қиламан.

– Яхши, Дейв. Раҳмат.

Гўшакни қўйиб, зинадан кўтарилдим ва кийина бошладим.

– Қаерга кетяпсан, – сўради Энн.

– Шерифнинг идорасига. Харлини ўша ерга олиб кетишибди. Энагаларини ўлдиришда айблашяпти экан.

– Бемаънилиқ, – деди Энн.

– Биламан. Аммо иш жиддийга ўхшайди.

– Ўзинг сақла, Худойим!

Мен кийиниб, у ёқ-бу ёғимни тўғриладим. Сўнг ётоқхонага қайтиб уни ўпдим:

– Тезда қайтаман, азизам.

– Яхши, – деди Энн, – эҳтиёт бўл.

Йўлакка чиқиб Бетнинг хонаси эшигини очдим. У ўн олти ёшга тўлганди. Мен оёқларим учида юриб бориб, осилиб қолган кўрпани унинг устига ёпдим, сўнг пешонасидан ўпиб қўйдим. Хонадан аста чиқиб гаражга кирдим ва машинани миниб йўлга тушдим.

Бошқармага келганимда шахсан шерифнинг ўзи мени кутиб олди. У Харли билан ҳеч кимнинг учрашишга ҳаққи йўқлигини айтди, аммо мен унинг адвокати эканлигимни айтгач, учрашув учун озгина вақт берди. У мени бинонинг орқа тарафига бошлаб борди, камераларга олиб борувчи панжарали эшикни очди, сўнг Харлининг камерасигача кузатиб қўйди.

Харли шериф кетмагунича бир оғиз ҳам гапирмади. Кейин олдимга келди.

– Дейв, хайрият, келибсан!

– Нима гап? – сўрадим мен унга сигарет узатиб. У сигаретни ютоқиб тутатди. Сўнг тутун пуфлаганча деди:

– Дейв, улар мени ноҳақ айблашяпти.
– Қанақасига?
У яна сигарет тутунини ютоққанча ичига тортди.
– Бугун тунда топишган қиз бўйича. Уларни кимдир кистовга олган, энди эса улар айбни менинг бўйнимга қўйишмоқчи.
– Бўпти, ҳаммасини бошидан гапириб бер-чи.
Харли бош силкиди:
– Албатта. Албатта.
У чуқур уф тортди.
– Бугун биз Марсия билан айлангани чиқдик. Кино кўрдик, бир-икки стакан ичдик. Тўғрироғи, уч стакандан мартини ичдик.
– Давом эт.
– Ярим тунга яқин уйга қайтдик. Болаларимизга Шейла Кейн исмли қиз қараб туради. Биз доим уни чақирамиз. Биз келганимизда у ухлаётган экан. Марсия уни уйғотди, мен унга ҳақини бердим, сўнг машинага чиқардим. У шаҳарнинг нариги тарафида туради. Уни доим уйига олиб бориб қўяман.
– Кейин-чи?
– Уни тўғри уйига олиб бордим. Машинадан тушириб, ортимга қайтдим. Сигарет сотиб олиш учун барга кирдим. Кейин уйимга қайтдим. – У жим бўлиб қолди. Сўнг гапида давом этди: – Бир соатдан кейин полициячилар эшигимни тақиллатишди. Айтишларича, қиз зўрланган, кейин ўлдирилган. Унинг ота-онаси эса қиз бизникида бўлганлигини айтишган.
– Тушунмадим. Полиция нима учун қотилликда сени айблаяпти?
– Ёндиргичим. Уни қизнинг жасади ёнидан топишган.
Мен Харлига диққат билан тикилдим.
– Қанақасига?
– У чекарди, деди у елкасини қисганича. – Жин урсин, Дейв, у ўн саккизга кирган қиз эди! Уни уйига олиб кетаётганимда чеккиси келди. Ёндиргичимни бердим. У ёндиргични қайтаришни эсидан чиқарган.
– Анави, сен сигарет олгани кирган барда сени бирортаси кўрдими?
– Билмадим. У ерда доим кино кўриб ўтиришади. Фильм жуда қизиқ бўлаётган экан. Кираётганларга ҳам, чиқаётганларга ҳам ҳеч ким эътибор бермаётганди. Мен эшик ёнидаги автоматдан сигарет олдим ва чиқиб кетдим.
– Сен қизни олиб бориб қўйганимда унинг уйига кириб кетишини кутиб турмадингми? – сўрадим мен.
Харли эслашга тиришди.
– Йўқ, – деди у ниҳоят.
– Одатда кутармингми?
– Баъзида кутардим, баъзида йўқ. Мен чарчагандим, Дейв. Уйга тезроқ боргим келаётувди. Жин урсин, бунақа бўлишини ким ҳам билибди!
– Жасадни қаердан топишган?
– Уйдан бир неча квартал наридаги кўчадан.
– Ёндиргичингни-чи?
– Унинг ёнида ётган экан. Полициянинг айтишича, мен қизни машинадан ташлаётганимда тушиб қолган эмиш. Э Худойим! Дейв, наҳотки улар менга тухмат қилишаётганини кўрмайсан?
– Шунақага ўхшайди, – дедим мен. – Ишқилиб, сени ҳалиги барда бирортаси кўрган бўлсин-да!
– Тупурдим барига! Мен бор-йўғи ўн беш дақиқа йўқ бўлганман, холос. Беш дақиқа қизни уйига олиб

боришга, беш дақиқа уйга қайтишга кетган. Дейв, агар шундай қилишни истаганимда ҳам бунга улгурмасдим.
– Уйда ўн беш дақиқача бўлмаганимни Марсиядан бошқа яна бирортаси биладим?
Харли инкор маъносида бош чайқади.
– Унинг ўзи ҳам билмайди, Дейв. Мен уйга қайганимда у ухлаб ётганди. Жин урсин, қандай бемаънилик!
– Сени қотилликда гумон қилиб ҳибсга олишди-ми?
– Ҳа, – деди Харли маъюслик билан. – Уларга айбдор керак.
– Ташвишланма, – тинчлантирдим уни. – Балки эплармиз.

Бу мен адвокат сифатида қатнашган энг оғир суд жараёнларидан бири бўлди. Округ прокурори ҳакамлик суди асосан аёллардан иборат бўлишига эришганди. Аёллар зўрлаган жиноятчидан жудаям нафратланишади. Демак, мен тўққиз нафар аёлга қарши тайёргарлик кўришим керак. Суд таркибида бор-йўғи уч нафар эркак бор эди.

Суд беш кун давом этди. Округ прокурори далилларни шундай моҳирлик билан келтирдикки, суднинг ҳар бир аъзоси жиноятни худди ўз кўзи билан кўргандек таассурот уйғонарди.

Харлини кўрсатма бериш учун олиб келишганида, у менга айтган гапини қайтарди. У оддий ва аниқ қилиб сўзлади. Шундан сўнг мен унга савол беришни бошладим.

– Ёшингиз нечада, жаноб Пирс?
– Қирқ иккида, – жавоб қайтарди Харли.
– Уйланганмисиз?
– Ҳа.
– Болаларингиз борми?
– Ҳа.
– Нечта, жаноб Пирс?
– Иккита. Ўғлим ва қизим бор.
– Ёшлари нечада?
– Ўғлим етти ёшда. Қизим бешга кирган.
– Сиз хотинингиз билан уйдан чиқиб кетган пайтингизда мархума Шейла Кейнни энага сифатида ёллаганимизингиз?
– Ҳа.
– Доим уни ёллайсизми?
– Ҳа.
– Кейн хонимни неча марта энагаликка ёллагансизлар?
– Деярли бир йилдан бери унинг хизматидан фойдаланиб келардик.
– Шу пайтгача у билан бундай воқеа юз бермаган. Агар...
– Эътироз билдираман! – қичқирди округ прокурори. – Ҳимоячи йўл кўрсатмоқда...
– Қабул қиламан! – деди судья.
– Кейн хонимнинг ташқи кўринишини айтиб бера оласизми?
Харли иккиланиб қолди.
– Мен... У малласоч эди.
– Аниқми?
– Менимча, кўзлари мовий эди. Аниқ эсимда йўқ.
– Бўйи баландмиди, пастмиди?
– Менимча, ўрта бўйли.

- Кўзойнак тақармиди?
- Йўқ. Кўзойнак тақмасди.
- Қайси манзилда яшарди?
- Билмайман. У менга қаерда яшашини бир марта кўрсатган. Ушандан буён уйига олиб бориб кўярдим.
- Уни Шейла деб чақирармидингиз, жаноб Пирс?
- Ҳа, албатта.
- У сизни ким деб чақирарди?
- Жаноб Пирс.
- Раҳмат. Бўлди.

Округ прокурори менга қаради, сўнг елкасини қисди. Назаримда, у нима қилмоқчи эканлигимни тушунмаётганди. У тушунмаслиги аниқ эди. Мен шунчаки Харли Пирснинг хаёлида қизга яқинлашиш истаги бўлмаганини кўрсатмоқчи эдим. У марҳумани тузук-қуруқ тасвирлай ҳам олмади. Унинг уй манзилини ҳам билмайди. Улар ўртасида шунчаки катта киши ва ўсмир қиз муносабати бўлган, холос. Шейла ва жаноб Пирс.

Округ прокурори навбатдаги гувоҳни – Пирс сигарет сотиб олгани кирган «Фламинго» бари барменини чақирди. Бармен кино бўлаётган пайтда эшикдан кўз узмай ўтирганини айтди. У эшикка тикилиб ўтирганини, ўша тунда ҳеч ким сигарет олгани кирмаганини таъкидлади. У Харли Пирс ичкарига кирганини кўрмаган. Округ прокурори жилмайди ва менга ишора қилди.

– «Фламинго»да кино қачон бошланганди? – сўрадим мен.

– Ўнтакам ўн иккида, сэр, – деди бармен.
– Кино бўлаётган пайтда кўп ичимлик қуйишингизга тўғри келадими?

– Йўқ, сэр. Аксарият келувчилар кино кўриш билан банд бўладилар.

– Демак, сиз эшикдан кўз узмай ўтиргансиз. Айтмоқчиманки, ҳеч кимга ичкилик қуймагансиз.

– Эътироз билдираман, – деди округ прокурори ўрнидан туриб.

– Қабул қилинмайди, – деди судья. – Давом этинг.
– Кино кўриш ўрнига эшикдан кўз узмай ўтирдингизми?

– Хўш... мен ҳам кино кўрдим. Айтмоқчиманки, вақти-вақти билан. Лекин асосий вақтимни эшикка қараш билан ўтказдим. Ўғри кўп...

– Сигарет сотиладиган автоматга ҳам қараб ўтирдингизми?

– Йўқ, сэр.
– Унда сиз вақти-вақти билан кино кўраётганингизда кимдир автоматдан сигарет олиб кетган бўлиши мумкинми?

– Ҳар қалай...
– Сиз мени ўша куни барда кўрдингизми?

Бармен кўзларини пирпиратди:
– Сизними, сэр?

– Ҳа, мени. Мўйна палто кийган малласоч аёл билан. Мен кино бошланганда виски ичиб ўтиргандим. Мени кўрдингизми?

– Мен... эсимда йўқ, сэр. Айтмоқчиманки...
– Мен ўша ерда эдим-ку! Мени кўрдингизми?

– Эътироз билдираман! – деди округ прокурори. – Ҳимоячи гувоҳни чалғитмоқчи...

– Мени кўрдингизми-йўқми?
– Малласоч аёл биланми, сэр?

– Ҳа, малласоч аёл билан. Хўш, мени кўрдингизми-йўқми?

– Малласоч аёл бор эди. Сиз унинг ёнида эдим деяпсиз. Айтмоқчиманки... эсимда йўқ, аммо...

– Демак, сиз мени кўргансиз?

– Эслолмайман, сэр.

– У ерда йўқ эдим! Сиз менинг у ерда бўлган бўлмаганимни эслолмаяпсиз, қанақасига жаноб Пирс сигарет олган-олмаганлигини айта оласиз! Бунинг устига, кино кўриб ўтирган бўлсангиз.

– Мен...

– Бошқа саволим йўқ, – дедим мен.

Залда енгил шовқин кўтарилганини эшитдим ва ғолиб чиққанимни тушундим. Мен округ прокурорининг гувоҳи берган кўрсатмага зарба бердим ва энди суд ҳайъати гувоҳга ишонмайди. Округ прокурори адашган бўлиши мумкин-ку. Харли қизга ёндиргичини берган бўлиши мумкин-ку. Нимага унинг гаплари рост бўлмаслиги керак? Ахир округ прокурори гумон асосида далил келтиряпти-ку.

Мен сўнгги сўзимда ушбу фикрларни баён этдим. Харлининг виждонли фуқаро, оилапарвар эр ва ота эканлигини айтдим. У бир йилдан буён қизнинг хизматидан фойдаланиб келган. Кинога борган, озгина ичиб уйига қайтган. Қизни уйи олдига олиб бориб, ўз уйига қайтган. Қандайдир номаълум шахс қизга ҳужум қилган. Лекин Харли эмас.

Ҳайъат аъзолари ярим соатлик муҳокамадан сўнг Харлини айбсиз деб топишди.

* * *

Биз буни ўша оқшомнинг ўзидаёқ нишонладик. Харли ва Марсия бизниқага келишди, уларнинг болаларига эса қайнонаси қараб турадиган бўлди. Биз ҳазил-хузул қилганча ичиб ўтирар, Харли эса тинмай битта гапни қайтарарди:

– Уларга айбдор керак эди, Дейв. Лекин сен бопладинг! Сен айбсиз эканлигимни исботладинг.

У менинг дунёдаги энг яхши адвокат эканлигимни айтди, кейин эса қўшиқ бошлади, биз эса унга жўр бўлдик. Зиёфатимиз роса қизиган пайтда хонага Бет кириб келди.

У дугоналари билан учрашувдан қайтганди. Бет Марсия ва Харли билан саломлашди, сўнг узр сўраб ўз хонасига кўтарила бошлади.

– Қизинг нечага кирди, Дейв? – сўради Харли.

– Ун олтига, – жавоб қайтардим мен.

– Чиройли қиз бўлибди, – деди у.

Мен Бетнинг зинадан кўтарилишини фахр билан кузатиб турардим. У мен учун ҳали ҳам маъсум гўдак эди. У зинадан қаддини тик тутганча кўтарилиб борарди. Шу пайт Харлига кўзим тушиб қолди.

У ҳам Бетдан кўзини узмай қараб турарди. У қизимнинг оёқларига суқ билан тикилиб турар, ҳирсга тўла кўзлари қизимга еб қўйгудай боқарди.

У қизим хонасига кириб кетгунча кўзлари ёниб қараб турди. Кейин эса бизга қаради:

– Хўш, қўшиқни давом эттирамизми?

Мен ўзимни аҳмоқ бўлгандай ҳис қилдим. Шунчалик ҳам аҳмоқ бўлманми! Эҳ!

Русчадан Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси.



**Эркин МУСУРМОНОВ,
Салоҳиддин ҲАЙИТОВ,**
филология фанлари номзодлари

УМР МАҲЗАБИ

Кўхна Самарқанд замини минг йиллардан буён улуг инсонлар, адибу уламолар маскани бўлиб келаётганлиги сир эмас. Бу муқаддас заминнинг фарзандлари барча замонларда жамият тараққиётига, илм-фан, маънавият-маърифат ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келганлар. Шундай инсонлардан бири – ўткир қалам журналист, иқтидорли шоир ва адабиётшунос, жонкуяр маорифчи, Самариддин Сирожиддинов эди. У киши адабиётшунос сифатида Шавқий, Видоий, Мирий, Дилафкор, Ахкар, Нурмон Абдивой ўғли каби кўплаб Каттақўрғон ўтмиш адабий муҳити вакилларига оид илмий тадқиқотлар олиб бордики, бу изланишлар самараси монография ва қатор илмий мақолаларда ўз аксини топди. Мумтоз адабиёт ўз тадқиқотчисини бадиий ижод оламига ҳам бошлаб кирди.

Сирожий таҳаллуси билан ижод қилган Самариддин Сирожиддинов ижодида шеърият алоҳида ўринга эга. Сирожийнинг лирик шеъриятини кўздан кечиран эканмиз, унинг айниқса, ҳазрат Навоий ашъоридан илҳомланиб ижод қилганлигини англаймиз. Бунинг яққол мисоли “Келмади” радибли мухаммасдир.

Шеъриятдаги икки шоирнинг мисралари муқояса қилинса, улардаги мазмун-моҳият бир бутунликни ташкил қилганлиги ва сатрлар мантикий мутаносиблик билан бир-бирларини тўлдирганлигини кўришимиз мумкин.

*Неча кутдим гулшан ичра ул ситамжў келмади,
Оҳулар ҳамдам бўлиб, ул кўзи оҳу келмади.
Ишқ султониға айтдим: мен келиб, у келмади,
Кеча келгумдир дебон ул сарву гулрў келмади.
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.*

Алишер Навоий ғазалида, лирик қаҳрамоннинг маъшуқаси висолида оташин ўртанишлари ошиқнинг бир кечадаги ҳоли мисолида акс этмоқда. Сирожий бадиий тасвирни кенгайтириб, ошиқнинг дардли ҳолатини кучайтиришга, ҳижроннинг сурункали кўринишларига, морал кўзли ёрнинг ситамкорлигига, мажнунона оҳулар билан дардкаш эканлигига эътиборни қаратиб, бадиий тасвир ва эстетик таъсир кучини оширишга эришган.

Учинчи мисра банднинг кульминацияси бўлиб, унда лирик қаҳрамон янги бир образ – Ишқ султониға ночор аҳволи ҳақида шикоят қилапти. Мумтоз адабиёт тушунчасида бу сиймо кўпинча Соқий тимсолида келтирилади ва унга бўлган мурожаатда ишқий кечинмалар ва хуморий кайфиятлар акс этади. Бироқ яхши маълумки, бу хил тушунчалар аслида кенгроқ мазмун касб этиб, уларнинг замирида тасаввуфий ғоялар ҳам ётади. Агар шу нуқтаи назардан мисрага ёндашилса, унда бадиий тасвир ўтмиш шеърияти фалсафаси, мажоз ва ҳақиқат каби тушунчалар негизида намоён бўладикки, бу ҳолат Самариддин Сирожиддиновнинг мумтоз бадииятнинг зукко билимдони бўлганлигини далиллайди. Мухаммаснинг қолган мисралари Алишер Навоий ғазали ғоясига тўлиқ мос келиб, улар устоз шоир сатрлари билан моҳиятан бир бутунликни ҳосил қилади.

Сирожий, Огаҳий, Фузулий, Ҳамид Олимжон каби шоирлар ижодларидан ҳам илҳомланиб, уларнинг ғазалларига мазмунан етук, моҳиятан мутаносиб мухаммаслар боғлаган. Шоирнинг мумтоз шеъриятнинг уста билимдони бўлганлигини мумтоз адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам самарали ижод қилганлиги кўрсатади. Айниқса, “Бўлмагай”, “Бу кеча”, “Баҳор эрмиш”, “Келмади”, “Ичинда”, “Кечиргайсен”, “Имо айлаб”, “Ҳайрон қиладурлар” каби ғазаллари, мувашшахлари ўзларининг бадиий етуклиги билан алоҳида ажралиб туради.

Юқорида келтирганимиздек, Самариддин Сирожиддинов лирик шеърият фалсафаси билимдони бўлиш билан бир қаторда ўзи ҳам олам ва одам моҳияти ҳақида фалсафий асарлар ижод қилган. Унинг айниқса, ўн байтдан иборат “Зар китоб” деб номланувчи асари бундай шеърлар орасида ўзгача мақомга эга. Шеърнинг мақтаъси қуйидагича:

*Замон недур, макон недур, тополмам ҳеч жавобини,
Ўзича шарҳ этар ҳар ким ҳаётнинг зар китобини.*

Ҳайёмона ва бедилона оҳангда ёзилган, замон ва макон муаммоси кўтарилган бундай мисраларни

муштабид тузум даврида ҳар қандай ижодкор юрак ютиб ёзолмаслиги аниқ эди. Тўғри, дастлаб шеър олам ва диалектик тараққиёт мавзусига, ҳаётнинг мураккаблигига, саволларнинг жавобсиз қолаётганлигига қаратилгандек тасаввур уйғотади. Бироқ диққат қилинса, асарда давр моҳиятининг тушунарсиз, ижтимоий тузумнинг тайинсиз, унинг асосчиси ва ғоявий йўлбошчилари “Ўзича шаръ этган” ҳаётнинг тартибсиз эканлигига урғу берилаётгандек тасаввур уйғотади. Бундай нозик фикрларни ўз даврининг зукко ўқувчиси ҳам бемалол тушуниб олиши қийин эмас эди:

*Тинимсиз мен варақлайман, етолмай интиҳосига,
Чекиб ҳайрат, кўриб гоҳ шод, гоҳи қаҳри итобини.*

Лирик қаҳрамон уни ўртаётган саволлар гирдобига фарқ бўлган. Изланиш, изланиш, изланиш... Интиҳосиз ҳаракатлар, ҳайрат, шодлик ва қаҳрнинг омухтаси – тубсиз “натижалар”. Унаётган ҳар янгиликнинг, эзгуликнинг илк қадамдан разилликка учраши, маънавий қашшоқлик, боринги бузуқлик кейинги мисраларда акс этиб, буларнинг барчаси лирик қаҳрамоннинг кўз ўнгида намоён бўлаётгандек:

*Қаерга гул унар бўлса, ҳузурда тикан кўрдим,
Тикан тотгай чаманларда чечакнинг илк гулобини.*

Чечак ва тикан мажозий тимсоллардир. Шоир шу икки тимсол ва улар ўртасидаги муносабат орқали бутун тузумдаги адолатсизлик, эгриликни устомонлик билан тасвирлаганки, бу фикрларнинг фасон-пардозини кейинги байтда акс этади:

*Муҳаббат кимда-ким пайдо, қолур дарду алам ичра,
Тўсар кимдир булут янглиғ вафонинг офтобини.*

Самариддин Сирожиддиновга улуғ инсонларга хос бўлган хусусият – хокисорлик, бағрикенглик билан бирга ишонувчанлик, меҳрибонлик хос эди. Қанчадан қанча дўсту шогирдлар, гоҳида умуман нотаниш кимсалар ҳам у кишининг ҳимматидан, холис хизматларидан баҳраманд бўлганлар. Бироқ бундай кимсалар

орасида нонкўрлик қилган, “тузлуққа тупурган” номардлар ҳам бўлганки, улар домланинг руҳий қийналишига сабаб бўлган:

*Ва ё дўст деб бировга жон этсанг, баногоҳ ул –
Сени мавҳ айлагай, албат,
шикастлаб дил рубобини...*

Бироқ шоир инсонлар ўртасида бу иллат барча замонлар учун жирканч бир ҳолат сифатида яшаб келаётганлигини, яхшилик қилувчи бундай номардликка парво қилмай, эзгу ишларини давом эттираверишини таъкидлади ва ўз умрининг сўнгги кунларигача шу эътиқодга амал қилиб яшади.

Домла Самарқанднинг шошқаси, маҳлиёси эди, жонажон шаҳрига атаб бир қанча, бир-биридан ажойиб шеърлар битди.

*Навоий сўз аро айлаб улуғлик,
Жаҳон ичра тополди ўзбек ўзлик.
Менинг мавжудлигим – мавжуд Самарқанд,
Жаҳон тож бўлса гар, ёқут – Самарқанд.*

Шоирнинг биз билган-билмаган орзу ва армонлари бўлган. Балки бу қилинмай қолиб кетган қандайдир эзгу иш, холис ёрдам, ёр-биродарлари, шогирд-фарзандлари ва невараларининг янги-янги муваффақиятларини кўриш бахти. Балки эл-юртини жондан азиз кўрган бу инсон учун ватанини, ўзбек халқини мустақил, ҳур ва эркин кўрмоқ саодати:

*Бўлмагай асло киши орзуси йўқ, армони йўқ,
Қайси боғни боғ атарлар жамбилу райҳони йўқ.*

Бугунги давр нуқтаи назаридан тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, бу армонлар ушалди. Сирожий “Она” деб атаган Ватан – мустақил Ўзбекистон бутун дунё ҳамжамиятида ўзига хос ва муносиб ўрин эгалламоқда, у кишининг қилолмаган ёки кўролмаган орзуларини бугун турли соҳаларда, эл-юрт равнақи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилиб юрган шогирдлари, фарзанду неваралари амалга оширишмоқда.





Дилноза ТИЛЛАБОЕВА,
Тошкент шаҳридаги
206-мактаб ўқувчиси

ТУРНАЛАР

Достон



* * *

Эсга тушар болалик йиллар,
Турналарни кўрган чоғимда.
Қайларгадир қўнар деб балким,
Югурмоқлик завқи қонимда.
Йиллар билан улғайди таним,
Юрагимга мурувват тўлиб.
Унди-ўсди ўша кунларим,
Турналарга муҳаббат бўлиб.
Шафақ бўлиб юксалган қуёш
Уфқ бўлиб қўйғунича бош.
Мен кезарман далалар аро,
Фикрларим бўлмайди адош.
Гарчанд қирлар кўкариб қолган,
Яна боғлар ям-яшил, лобар.
Лек баҳорга ишонолмайман,
Келмагунча таниш турналар.
Билмам, нега менинг қалбимда
Турналарга бунча илтифот?!
Тепаликка чиқиб баъзида
Кенгликларга қарайман бот-бот.
Атрофимда ҳаёт осуда,
Хаёллар-ла бахтли юрибман.
Мана бугун орзуларимда
Дунёларни тутиб турибман.
Ўйлайман деб тиришсам ҳарчанд,
Эслаб, маънос бўламан нени?
Болаликнинг сўқмоқларидан
Хотиралар етаклар мени...

* * *

Ёдимдадир...
Март ойи эди.
Қуяр тинмай
Ёмғир ҳам шаррос.
Йироқлардан кўриниб недир,



Йўқоларди туман ичра рост.
Ана шунда селу дўл аро
Учиб ўтди турна галаси.
Пешайвондан югурдим дарров,
Қулогимга чалинди садо.
Шовулларди кўчада ёмғир,
Мени яна шўх гуруҳ тортди.
Шу пайтда ҳам юрибди пода
“Ана”, – дея кимдир сўз қотди.
Нигоҳимиз қадалди қирга,
Бир ҳаяжон танда ўрмалар,
Ва ҳаммамиз югурдик бирга
Кўнади деб қирга турналар!
Бир зумгина қишлоқ четиди
Ошён топган сиз эдингизми?
Шу қирларнинг қайноқ кафтида
Мен ҳам бор эдим, сездингизми?
Турнажонлар, турнажонларим,
Учмай туринг, тушларга йўймай.
Армон бўлмасин орзуларим
Бир зум дийдорингизга тўйай...

* * *

Кўзларимда ялтирарди ёш,
Лабларимда титроқ бор эди.
Мен – ўша шўх, мен – ўша бебош,
Ўзимда йўқ бахтиёр эдим.
Биздан жуда-жуда узоқда
Қад кўтарган эмиш юксак тоғ.
Ҳатто лочин жаҳд этган чоғда
Сезар экан танида чарчоқ.
Эмиш, ушбу тоғнинг ортида
Сеп ёярмиш доим баҳор, ёз.
Ким яшаса агар ул юртда,
Билмас экан нелигин аёз.
Чўққиларга ким чиқолса тик,

Бир қоя бор, бағрида – тешик.
 Ўша тешик – мангу яхшилик
 Ўлкасига очилган эшик.
 Биз томонга учган турналар
 Шу туйнукдан бир-бир ўтармиш,
 Биз томондан кетганда улар
 Шу туйнукдан йиғлаб кетармиш.
 Баъзан кучин қанотга йиғмай,
 Ярим йўлда чарчаб-толармиш.
 Баъзан ўша туйнукка сизмай,
 Қояларда мангу қолармиш.
 Шунда улар ўша юртида
 Кўз ёшини зор-зор тўқармиш.
 Тошлар ичиб шўр оби дийда,
 Қундан-кунга қаддин кўтармиш.
 Ҳаёт бизга бутунлик берди,
 Ташвиш, кўрқув уни қилур кам.
 Ҳаяжоним оёққа турди:
 – Наҳот менинг турналарим ҳам?..
 Тимдалади дилимни гулу,
 Тополмадим бир зум осойиш.



Эслаганим афсонами бу,
 Ё юракка санчилгувчи ниш?
 Дўстим, дилда унган тафаккур
 Ўхшамасми камалак нурга?
 Кетиб, аммо қайтиб келмаган
 Турналарни ўйлайлик бирга!

Бу дostonни ўйладим кўпдан,
 Мен умидман, мен келажакман.
 Ишончим бор безубор кўкдан:
 Шу осмонни соф кўражакман!
 Ўзни эмас, кўпни ўйлагай
 Ҳар бахтиёр, ҳар бир севинчлик.
 Йўқ, омонат бўлиб қолмагай
 Олдингидек ҳеч қачон тинчлик!
 Майли қанот богласин сўзлар
 Буни ҳамма билиши учун.
 То зор бўлиб қолмасин кўзлар
 Турналарнинг қайтиши учун!



Нурия ЗИЁ,
 Хоразм вилояти, Богот туманидаги
 Иқтисодиёт коллежи ўқувчиси

Қасида

Алпомишига алла айтган,
 Бағрида Бобур улгайган,
 Жалолиддин шаҳдин кўриб,
 Чингизхон ҳам ортга қайтган.
 Мард ўғлони қалқон элим,
 Гўзал Ўзбекистон элим!

Кўриб Широқ жасоратин,
 Тўмариснинг матонатин,
 Қурбонларнинг шижоатин,
 Дунё аҳли таҳсин айтган.
 Фарзандлари посбон элим,
 Гўзал Ўзбекистон элим!

Чўлпонларинг куйлаб ўтган,
 Фурқат тупрогингни ўпган.



Машираб минг йўқотиб топган,
 Азиз диёр, азиз ўлка,
 Аждодларга армон элим,
 Гўзал Ўзбекистон элим!

Хоразмий ҳисоб яратди,
 Донгинг дунёга таратди.
 Навоийнинг шоҳбайтлари,
 Жаҳон нигоҳин қаратди.
 Ифтихори осмон элим,
 Гўзал Ўзбекистон элим!

Ўтган кунлар ортда қолди,
 Фарзандларинг дунё олди.
 Темурутган тузуклари,
 Дилга адолатни солди.
 Келди гўзал замон элим,
 Яшина, Ўзбекистон элим!



Ғулом КАРИМИЙ

ҲАЙКАЛЛАР

Икки минг ўнинчи йилнинг сентябрь ойида пойтахт марказидаги Миллий боғ ҳудудида адабиётимизнинг улуғ сиймоси Ойбек домлага ҳайкал ўрнатилди. Бу тадбир ойнаи жаҳон ва матбуотда ёритилди. Бундай маросимларда нутқ сўзлаб, халққа кўриниш беришни ўзига ҳам фарз, ҳам қарз деб билувчи обрўли адиблар мазмундор сўзлар айтишди.



Камина ҳайкалнинг очилиш маросимига боролмаган бўлсам-да, бир неча кундан сўнг зиёратга ўтдим. Алишер Навоий ҳайкалини зиёрат этиб, ён томондаги ариқ бўйига тушдим. Ариқнинг нариги бетида Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ҳайкаллари ёнма-ён турарди. Кузги кўёш нурлари шундоқ ҳам муҳташам ҳайкалларга янада салобат бахш этар, Ойбекнинг сокин ва улуғвор чехрасида қатъийлик, теранлик жилва қилар, адибнинг чақноқ кўзлари бургут нигоҳи билан боқарди. Хуллас, ҳайкалтарошнинг санъатига таҳсин айтмасликнинг иложи йўқ.

Нарироқда, олдинроқ, таваллудининг юз йиллиги санасида ҳайкал ўрнатилган Қаҳҳор домла елкасига чопонини елгагай ташлаганча, ўз ўйларига ғарқ эди.

Гап-сўзларга қараганда, Миллий боғнинг шу тарафида адабиёт хиёбони барпо этилиб, яна бошқа улуғ адибларнинг ҳайкаллари ўрнатилар экан. Шоядки, Мақсуд Шайхзода, Шухрат домла каби ҳаётлигида муносиб қадр кўрмаган адибларимиз ҳам, ниҳоят, сўлим адабиёт хиёбонида ўз шойиста ўринларида савлат тўкиб ўтиришса. Ҳайкалларда адиблар ўтирган ҳолда эканлигида ҳам рамзийлик бордек. Улар шўро тузумининг жабр-жафоларини роса чекишди, шу укубатлар туфайли ҳаётдан эрта кетишди. Энди Миллий боғ тўрида, ҳазрат ҳайкали пойида ўтириб, ором олишсин, хотиржам тафаккурга берилишсин, авлодлар ютуқларидан шодланишсин. Йирик адабий марказ бўлган Тошкентнинг турли гўшаларидаги Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия ҳайкаллари шаҳар ҳуснига зеб бўлиб тушган. Бухорода Фитрат, Андижонда Чўлпон ҳайкалларини зиёрат қилганимда ҳам олам-олам қувонч туйганман.

Янгиликдан хабардор адабиёт мухлислари якка ҳолида ё бир неча киши бўлиб зиёратга келишар, шунчаки йўлдан ўтиб кетаётганлар ҳам янги ҳайкални кўриб қолиб, бир неча дақиқа тўхтаб томоша қилиб, мамнун ҳолда йўлларида давом этишарди.

Хаёл отини жиловлаш имконсиз. “Пайти келиб, менга ҳам бирон жойда ҳайкал, жиллақурса, бюст

ўрнатилармикан”, деган фикр кўнглимдан ғимирлаб ўтгандай бўлди-ю, беихтиёр қизариб, ён-атрофга қарадим. Тасодифан бирон танишим келиб қолиб, хом хаёлларимни уқиб, устимдан кулмаётганмикан? Ўқувчи каминани маъзур тутсин. Хаёлан бўлса-да, ўзини юксак мақом соҳиби сифатида тасаввур қилиш ижод аҳлига кўндоқда теккан касаллик бўлиб, давоси ҳали топилмаган.

Мендан бир неча ёш катта шоир дўстим Абдуҳамид Парда ҳар гал бирон йирик адиб вафотидан сўнг Чиғатой қабристонига дафн этилганини эшитганда, армон билан: “Бизга ҳам Чиғатойдан жой тегармикан?” деб кўяди. Бу гапдан ансам қотиб, унга дейман:

– Аввало, Чиғатойга талпиниш сиз учун эрта эмасми? Ҳали уйлантирадиган ўғлингиз, узатдиган қизингиз бор. Сониян, Худо берган умрдан фойдаланиб, қаттиқ ижод қилиб, зўр асарлар яратинг. Ёшингизни яшагач, кўримсиз бир қабристонга қўйилсангиз ҳам, ўша жой сизнинг қабрингиз туфайли адабиёт мухлисларининг зиёратгоҳига айланиб, обод бўлсин!

– Шундай-куя, бироқ Чиғатойга қўйилиш – расмий эътироф дегани-да! – дейди у кўнглига қаттиқ ўрнашган орзусидан воз кечолмай...

Ҳайкалларни айланиб, ҳар тарафдан томоша қилган жувон менга яқинлашди.

– Кечирасиз, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Адабиётга алоқадормисиз?

Адабиётга анчагина алоқам борлигини билдириб, “ҳа” маъносида бош ирғаганимдан кейин у деди:

– Бир нарсага ҳеч тушунолмадим. Нега Ойбек домла Қаҳҳор домлага тескари бурилиб турибди. Зиёратчиларда англашилмовчилик уйғотмайди-ми бу?

– Ҳаётда ҳам улар унча келишишмаган, – дедим мен дабдурустдан бошқа жавоб тополмай. – Бир адабий мажлисда эшитганим бор. Ойбек ва Қаҳҳор бир-бирларининг юбилейларига боришмаган. Бироқ ҳар иккаласи бир-бирининг истеъдодини эътироф этган.

– Майли, шундай бўлгандир ҳам. Лекин бизга улардан қолган мерос муҳим-ку! Ораларида қандайдир келишмовчиликлар ўтган бўлса, буни шунчалик бўрттириб кўрсатиш шартми?

– Синглим, бу атайин қилинмаган. Ойбек домла Навоийга бағишлаб қатор ўлмас асарлар ёзган. Ҳазратга нисбатан ихлос-эътиқоди беадад бўлган. Ҳайкалтарош уни Навоий тарафга ҳайрат ва муҳаббат билан қараб турган ҳолда яратган. Шу ғояга маҳлиё бўлиб, Қаҳҳорга тескари ўгирилиб қолиши мумкинлиги хаёлидан кўтарилгандир.

– Лекин санъатда бундай хатолар қимматга тушади. Қанча зиёратчи ҳайрон бўлиб кетмоқда.

– Мақсад зиёрат бўлгач, бу тарафларига урғу бериш шарт эмас. Улуғларимиз ҳайкаллари ўрнатилганига шукр қилайлик.

– Лекин икки ҳайкал ўрни алмаштирилса, барчаси жой-жойига тушар экан.

– Бунга ҳам ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Навоийга энг яқин жойда Ойбек ҳайкали жойлашгани жуда ярашган. Бу ер адабиёт хиёбони қилиниб, ҳали яна янги ҳайкаллар ўрнатиларкан. Табиий, улар ҳам турли вазиятда, турли тарафга нигоҳ ташлаган ҳолда бўлади. Шунда барчаси ўз-ўзидан уйғунлашиб, ажойиб умумий манзара ҳосил бўлади.

– Унда бошқа гап, – деди жувон чеҳраси ёришиб. – Ҳар бир янги ҳайкал ўрнатилган кун адабиёт мухлислари учун байрам бўлади.

– Бу хиёбонни ҳар гал зиёрат қилишнинг ўзи бир байрам бўлади, – дедим мен унга жавобан.

